

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ ҚУРИЛИШИ АКАДЕМИЯСИ

---

ХУРШИД ДАВРОН

# БАҲОРДАН БИР КУН ОЛДИН

*Шеърлар  
Ривоятлар  
Таржималар*

«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИНИНГ  
БОШ ТАҲРИРИЯТИ  
ТОШКЕНТ — 1997

Даврон, Хуршид.

Баҳордан бир кун олдин: Шеърлар, ривоятлар, таржималар.—Т.: «Шарқ», 1997.—224б.

Қўлингиздаги китобда шоир Хуршид Давроннинг яқин ўтмишнинг аччиқ саҳифаларига бағишланган шеърлари жамланди. Бу шеърларнинг аксарияти собиқ шўролар тузуми даврида ҳукмрон бўлган гоёларга, миллий қадриятларимиз, бой меросимиз, шонли тарихимизга, миллий ва инсоний ҳақ-ҳуқуқларга нисбатан юритилган зугумкор сиёсатга қарши уйғонган ҳис-туйғулар билан йўтирилган.

Ўзбекистон мустақиллигининг олти йиллигига бағишланиб нашр этилаётган ушбу китоб истибод даври жароҳатлари ва қатагонларини унутмасликка даъват қилади. Зеро, мозий сабоқларини унутган, ўтмиш фожиаларидан тўғри хулоса чиқара олмаган одам яна бир қарра уша фожиаларга дучор бўлиши муқаррардир.

Ўз 2

*Адабий-бадний нашр*

ХУРШИД ДАВРОН

БАҲОРДАН БИР КУН ОЛДИН

*Шеърлар, ривоятлар, таржималар*

«Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг

Бош таҳририяти

Тошкент — 1997

Мусаввир *М. КАРПУЗАС*

Муҳаррирлар: *З. Мирзоҳақимова, Ш. Юсулов*

Бадний муҳаррир *М. Самойлов*

Техник муҳаррир *Д. Габдрахманова*

Мусаҳҳиҳлар: *Ю. Бизаатова, Н. Муҳаммадиева*

Теришга берилди 25.07.97. Босишга рухсат этилди 26.10.97. Бичими 84x108  $\frac{1}{32}$ . Балтика гарнитураси. Офсет босма. Шартли босма табоғи 11,7б. Нашриёт-ҳисоб табоғи 11,6. Адади 10000 нуса. Буюртма 1521. Баҳоси шартнома асосида.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг босмахонаси,  
700083, Тошкент ш., «Буюк Турон» кўчаси, 41.

© «Шарқ» нашриёт-матбаа  
концернининг Бош  
таҳририяти, 1997.

## МУҚАДДИМА ЎРНИДА

Хуршиднинг шоирона назарида ҳам, ташбеҳларида, шеърининг вазнида ҳам беҳаловат кечинмалар руҳи ва тўлқини сезилиб туради.

Унинг сатрларида ёшликка хос оташ бор, тугён бор.

*Эркин Воҳидов*

Клод Лоррен сувратларини кўрганман. Уларда қасрларнинг вайроналари жуда қадим замонлардан қиссалар айтаётгандай. Сокин кўрфазлар, қанотли малоикалар, кўпириб ётган оқ булутлар, тонглар, тунлар, сўлим чошгоҳлар. Эски гишт кўприклар чуқур оқаётган дарёлар узра... Дарахтлар эса... Клод Лоррен сувратларида дарахтлар доим марказда, доим борлиқ узра юксалиб сирли ҳикоятлар сўйлайдилар. Улар гўё кўп юриб, заминни айлана-айлана ҳориб шу ерга чўккандайлар, нафас ростлаётгандайлар. Хуршид Давроннинг шеърларини ўқиганда Клод Лоррен сувратлари ёдимга тушади. Ўхшашлик бор эди улар ўртасида.

Тарих дам ҳайқиради, дам узоқ сукутга кетади бу шеърларда. Хуршид Давронга санъат, китоблар, тарих, қадим адабиёт кўпроқ илҳом беради. Унинг шеърларида давримизнинг зиёли кишиси образи анча бой кечинмалари билан гавдаланади.

*Иброҳим Гофуров*

Хуршид — табиатан ёруғ кечинмалар, некбин қарашлар шоири. Унинг кўзёшлари қанақадир тиниқ, дардларида масъум бир тортинчоқлик бор. У ҳатто қаҳрамонларининг фожий кечинмаларини ёритишга интилганда ҳам масъумлигича қолади. Унинг қайғуси ҳам ҳаётий қонун бўйича қувончига узвий: «Нега бахт тўлдирса юрак ичини Биз ўлим ҳақида ўйлай бошлаймиз?... Ўлим ҳақидамас бу ўйлар, Ҳаётга муҳаббат эрур балки ғам»...

Ван Гог умуман санъатни назарда тутиб: «Энг юксак бадиият — одамларни севишдир», — деган эди. Одамларни севиш, Ватанга, табиатга, халққа муҳаббат — ҳаммаси умуман шоирнинг борлиққа поэтик муносабатини, шеърининг ижтимоий моҳиятини белгилайди. Хуршид дунёни узвий алоқадорликда, умумий меҳрда кўришга мойил. У бундай мураккаб ҳаётий фалсафани содда поэтик талқин этадики, бу камолот йўлидан бораётган маҳоратдир.

*Аҳмад Аъзам*

## КИТОБГА КИРИШ СЎЗ

*Шеърни оқ қогозга ёзиб қўймайман...  
Шеър шамдир —  
Дилимда ёқиб қўяман.  
Шеър гулдир —  
Қорларга басма-бас туриб  
Мен уни куксимга тақиб қўяман.*

*Най каби лабимга  
Босаман уни,  
Эрк учун қиличдек қўлга оламан.  
Шеър ёзган пайтимда —  
Кўҳакка чиқиб  
Осмонга тикилган маҳзун боламан.*

*Адирман —  
Майсадек униб чиқар шеър,  
Дарахтман —  
Новдамга келиб қўнар у.  
Осмонман —  
Томчилаб ерга оқар шеър,  
Заминман —  
Қор каби мени кўмар у...*

1988

# ШЕЪРЛАР





## ҚОДИРИЙНИНГ СЎНГИ СУРАТИ

Бунча алам,  
Бунча муҳаббат..  
Қорачиғда ёнар ҳасрати.  
Сен нимани тилайсан мендан,  
Қодирийнинг сўнги сурати.

Ёки сўйлаб бермоқчимисан  
Кумушбиби, Отабек дардин,  
Ё ўз дардинг сўйламоқчисан,  
Қодирийнинг сўнги сурати.

Тунлар жимжит,  
Узундир гарчанд,  
Тугамайди диллар суҳбати.  
Шеър ўқисам тинглайсан ўйчан,  
Қодирийнинг сўнги сурати.

Йулларимда учраса хато,  
Қийнаб қўйса элим ҳасрати,  
Келиб сендан тилайман паноҳ,  
Қодирийнинг сўнги сурати.

1970

## ЁЗ ЭРТАГИ

Далаларнинг қоқ уртасида  
Еру осмон аро бир эртақ —  
Юдузларнинг майин сасидан  
Тебранади оппоқ беланчак.

Ухлаб қолар ҳориган ота,  
Ухлаб қолар теримчи-сулув,  
Ухлаб қолар чорбоғ ортида  
Ариқчада жилдираган сув.

Фақат қора кўзларин очиб,  
Ҳайратларга тўлдириб қучоқ,

Онасига ухшатиб ойни  
Тамшанади ойдаи чақалоқ.

Ва меҳрдан ийиб, кўксини  
Чақалоққа тутар ой хушқол.  
Сўнг аллалар айтиб, ўксиниб,  
Беланчакни тебратар шамол.

1976

## БАРГ

Ҳаммани унутиб қўйибман...  
Ҳеч кимни танитай ва билмай  
Қишлоқни мен кезиб юрибман.

Бу мен-ку, қадрдон жўралар,  
Бу мен-ку, қадрдон далалар,  
Овоз йўқ... кўксимда титрар жон.

Ва ногоҳ бошимда айланиб,  
Ярми кўк, қирмизи ва қора  
Қўлимга талпинди битта барг.

«Мен сени танийман», — деди у,  
Кўзимдан тирқираб кетди ёш,  
Лабимга босдим мен энтикиб.

1977

## ЁНАЁТГАН ГУЛХАНЛАР

Куз ўнгимда бепоён боғлар,  
Япроқларда тилларанг гўбор.  
Яқинлашиб қолгандек тоғлар,  
Ҳаво шундай тиниқ, бегўбор.

Шитирлаган тунги ёмғир ҳам,  
Туманларни қучоқлаган тонг,  
Қоп-қорайган дала-ю қир ҳам  
Бари менга таниш, қадрдон.

Дарахтларда ловиллар гулхан,  
Юрагимда унинг тафти бор.



Боғчадаги хазонлар билан  
Учиб юрар кечаги баҳор.

Мени ташлаб кетмоқчи дўстни  
Тўхтатмоқчи бўлгандай, бу он  
Мен жимгина қўлим чўзаман  
Ёнаётган гулханлар томон.

1977

\* \* \*

Мен эртага жуда эрта  
Тинч уйқумни бузаман.  
Оқ куйлагим кияман-да,  
Далаларни кезаман.

Яшилгина майсаларнинг  
Баргларига босиб лаб,  
Эркалайман қизалоқдай,  
Қулогига шивирлаб.

Кейин ойнинг елкасига  
Қўлимни қуйиб беун,  
Юрагимни очаман —  
Ойдин бўлар уша тун...

1976

## ҚИЗ ВА ШАМОЛ ҲАҚИДА ЭРТАК

Дардайд узун-узун кўчани  
Оёқларинг бесас улади.  
Ухлаб қолган ойдин кечани  
Уйғотади сочларинг ҳиди.  
Узоқлардан сенга изма-из  
Шамол секин сирғалиб келар,  
Ёлворади у сенга унсиз,  
Ёлворади тунги майсалар.  
Кузларингга ой боқар қониб,  
Кузларинг ой нуридай тоза.  
Мана келдинг. Бўгилиб, ёниб  
Сени ютар кўҳна дарвоза.  
Шамол эса кўчада қолар,

Қилт этмайди, қанотлари тинч.  
Парча-парча бўлиб синади,  
У кўтариб югурган севинч  
Ва лабдаги буса ҳидидан  
Маст бўлганча чайқалиб беҳол,  
Қайрагочга кўксини босиб,  
Тўлиб-тўлиб йиғлайди шамол.

1976

### ДАРАХТЗОР ҚОШИГА КЕЛАР БИР АЁЛ

Тунда силкитаркан дарахтни шамол,  
Дарахтлар титраркан маҳзун, букчайиб,  
Дарахтзор қошига келар бир аёл,  
Нозик оёқларин шабнамга чайиб.

У гуллар сочади ҳовуч-ҳовучлаб,  
Ҳайратта тўлади армонли боғлар.  
У кўйлай бошласа, гулларни тишлаб  
Уйғона бошлайди қуриган шохлар.

1978

\* \* \*

*Рауф Парфи шеърига назира*

Қор ёгаётган оқшом  
Шаҳарни кезсанг,  
Гира-шира кўчаларни  
Кезсанг, қўлларингни чўнтакка тиқиб,  
Қор эса эриса лабларингда жим.

Ўйласанг олисларда қолган кимнидир,  
Шу қорни ўйласанг, қалбинг энтикса...  
Айниқса, ўзинг севган қизни ўйласанг,  
Айниқса, ўйласанг онангни...

Қор эса тинмаса,  
Тинмаса қадаминг.  
Ўзинг ҳам бир қор учқунидай  
Сингиб кетсанг туннинг бағрига.

Кимгадир йўл берсанг, кимгадир салом,  
Аммо ўзинг билмасанг бунин.  
Қор эса бўралаб ёғаверса жим,  
Адашсанг-да сезмасанг адашганингни...

1978

\* \* \*

Тик қоядан боқаман йўлга —  
Адирларга ташлаб кўз қирин,  
Қора сочин сочиб шамолга,  
Бола келар йўл босиб ҳоргин.

Қуш овози ҳушимни тортар,  
Шохча титрар — учиб кетар қуш.  
Адирларнинг сукути аро  
Титраб ўтар оний бир товуш.

Кўз ташлайман мен яна йўлга —  
Ҳассасини босиб бемажол,  
Оппоқ сочин сочиб шамолга  
Судралади мункиллаган чол.

1978

## ЁЛГИЗЛИК

Кечалари илиқ кўрпада  
Ёлғизлиги чолни эркалар.  
Ёлғизлиги қишда, кўкламда  
Тувақдаги гулдек кўкарар.

Баъзан тунлар чироқни пуфлаб  
Ўчиролмас — чироқ ёнади.  
Тиниб, ором ололмас ухлаб,  
Кўзларини очиб ётади.

Болалиги ёдига тушар,  
Тушига ҳам болалик кирар —  
Ойдин тунда пичан ўришлар  
Ва лолага бурканган қирлар.

Терга ботиб, куйлаклари хул,  
Ястанганда гарамга қолсиз,  
Ой шуъласи худди момик қул  
Силар эди юзини унсиз...

Чол кўзини очади секин,  
Деразадан қарайди, боғда  
Шовуллайди дарахтлар сокин,  
Шагирлайди дарё узоқда.

Нам кўрпага ўранганча у  
Эслар экан кечган йўлларин,  
Ёғчироқдан тўкилган ёғду  
Ёритади озгин қўлларин...

1978

### КУЗ ЭРТАГИ

Теримчи қизлар  
Шохлардаги қушлардай енгил,  
Қоматлари — хаёл,  
Қуёш иси анқиб турар чехраларидан.  
Улар  
Тўлиб кетган армонлар каби  
Эгатларга сочилган.  
Орзулари мезонлар каби  
Оппоқ-оппоқ учиб юргувчи  
Ойдин шамолларга осилган.  
Хув... Бўгилиб сайраган  
                    қушдан ҳам узоқ,  
Қишлоғимнинг чексиз далаларида,  
Оппоқ шийпонларда кўксини титроқ,  
Илиқ, мовий шамоллар ўпиб,  
Ухлаб ётар теримчи қизлар  
Тушларини қуёшга кўмиб...

1978

\* \* \*

Сенга уни ёз деб кўрсатдим.  
Қолбуки у қаҳратон эди —  
Бизга куз керак эди.

Сенга уни манзил деб кўрсатдим,  
Ҳолбуки, у остона эди —  
Бизга йўл керак эди.

Сенга уни нон дея тутдим.  
Очлик эди ҳолбуки у,  
Бироқ, қон керак эди.

Сенга ана, эрк, деб кўрсатдим,  
Қўлларида занжир бор эди,  
Узмоқ керак эди занжирни.

Сенга, бу сўнги жанг, дедим —  
Ҳолбуки, биринчи жанг эди.  
Ўлим мана шу, дедим сенга,  
Ҳолбуки, бу мангулик эди.

1979

#### АФРОСИЁБ ХОТИРАСИ

Овоз йўқ. Осмон бор. Жангчи утлар бор.  
Шамол бор — йиглайвериб бу дараларда  
Овозини йўқотиб қўйган шамол бор.

Ой порлар — қабристонга ярашади ой,  
Ҳаво — кузги олма — тирсиллаб турар,  
Ҳаво бағрим каби қайгуга тўла.

Фақат сен қолгансан кўксимда, севги,  
Фақат сен қолгансан кўзимда, севги,  
Бу улуг шаҳардан хотира бўлиб.

...Ўтлар ўрмалайди баҳордан қишга.  
Йиқилдим — устимдан ўрмалар ўтлар,  
Устимдан асрлар, мозийлар ўтар...

1979

## МИРТЕМИР ХОТИРАСИГА

Шаҳар узра ёғиларди қор,  
Туяр эдик муз нафасини.  
Узоқларда кезарди баҳор,  
Биз йўқотиб қўйганда сени.

Йиғилишдик. Жиддий ва маҳзун —  
Улғайганин сездим дўстларни.  
Куй оқарди гам каби узун  
Қўзгатганча дилда ҳисларни.

Дафидан сўнг қайтдик букчайиб,  
Эзар эди кўринмас тобут.  
Қор сувида юзларни чайиб  
Шивирладик: юрак, ёдда тут!

Шаҳар узра ёғиларди қор,  
Туяр эдик муз нафасини.  
Узоқларда кезарди баҳор,  
Биз йўқотиб қўйганда сени.

Шунда кимдир, ким у, эсда йўқ,  
Деди гамгин эгганича бош:  
«Тобутини кўтарган чоғим  
Қабоғида кўрдим томчи ёш.

Оҳ, дўстларим, юрагим сезди —  
У кузатар эди бизларни.  
Қабоқда ёш, у йиғлар эди,  
Қийнаб қўйдим, дея, сизларни».

1978

\* \* \*

Равоққа чиқ  
Нонуштадан сўнг —  
Гулзорга соч ушатиб нонни.  
Қутқарарсан  
Балки ўлимдан  
Ҳовли кезган оч чумолини.

Қафасдаги  
Қушни эркалаб,

Дон сочиб, сув қўйгандан кейин —  
Равоққа чиқ,  
Тутқун қушгамас,  
Эркин юрган қушларга қийин.

Ва кўчага  
Чиқаётганда  
Деразани очиб қўй саҳар, —  
Қафасдаги  
Қушлар ҳам ўлар  
Кўкни кўриб турмаса агар!

1979

### САМАРҚАНДАДА ОЙДИН ТУН

Ер устида нурлар сояси...  
Ойдин тун бу!  
Гуё жодугар  
Шаҳар узра ҳарир оқ дока  
Ташлаб қўйиб томоша қилар.

Ой нуридан илиган умид  
Юрагимни қилар безовта.  
Кўксаройнинг соқчиси — кўр ит  
Эгасини излар моҳтобда.

Осмон гулхан чўглари тушиб  
Милт-милт этиб ёнаётган шол.  
Арвоҳларнинг безовта туши —  
Чинорларни силкитган шамол.

Мудроқ нигоҳ ила боқаман,  
Мозий ёди мени қилар маст.  
Гуё дарё аро оқаман —  
Манзилимни ҳеч кимса билмас...

1980

\* \* \*

Қабристоннинг тошлари куйлар —  
Тошни чертар шамоллар эгган  
Қовжираган заъфар майсалар.

Кўраяпман, асад кетмоқда —  
Кукраклари тўлиб олмадек,  
Кетар олма лиқ аравадек.

Кўраяпман — ёзнинг изидан  
Товланмоқда хазонлар-излар,  
Тукилгандек кўқдан юлдузлар.

Қандай яхши йўлнинг четида  
Ўтирганча ёзни кузатмоқ,  
Ташна ёзга ёмғир узатмоқ.

Совиб қолган боғчалар аро  
Совиб қолган лабларим билан  
Мен ёз билан хайрлашаяпман.

Оғирлашар боғда олмалар,  
Енгиллашар заъфар чорбоғлар.

Биз сен билан жуда гамгинмиз,  
Биз сен билан жуда ёругмиз,  
Ку-у-уз.

1980

### БЕДА УРИМИ

Жавзо оқшомлари  
Ёдингиздами?!  
Ойдин тунлар борми  
Жавзо тунларидан ҳам?..

Илондек товланган чалғини  
Авайлаб латтага ўрайди эркак.  
Чала ўрилган бедазор чайқалар  
Сапсар гулларини осмонга чўзиб,  
Эркак толиққан қўлига олар  
Кўзлари қоп-қора гамгин қизчани.  
Осмонга боқаркан эркак ва аёл  
Кўзларига инар юлдуз уйқуси...

Тўшалади ерга нам тортган гилам  
Ва силай бошлайди уларни шамол.  
Эркак кўйлагидан тер ҳиди анқир,  
Уялиб эрини қучоқлар аёл...

1980



Туш кўраман олис қишлоқни,  
Тун сутини ичар у шодмон.  
Ёндирганча сонсиз чироқни,  
Нурга тўлиб яшнайти осмон.

Ҳали жуда олисда Зухра...  
Аммо бу дам титрар мисли қуш  
Супадаги беланчак узра  
Ҳилол сочган олтин ва кумуш.

Мен ухлайман хотиржам, ёлғиз,  
Юрак эса бўлади карахт —  
Тушларимга киради ялғиз,  
Қуриқлайди тушимни дарахт.

1978

## АЁЛ, ҚАЙГУ ВА МУҲАББАТ ҲАҚИДА

### 1. АЁЛ

У аёлнинг қўллари дағал,  
У аёлнинг кўйлаги дағал.  
Уни ҳар кун калтаклар эри,  
Ҳар кун юзда кўкарар доғлар.

Кеча ногоҳ йўлнинг четида  
Кўриб қолдим ўша аёлни:  
У ҳидларди мен сезмай ўтган  
Миттигина марварид гулни.

### 2. ҚАЙГУ

Латгани ҳўллар экан  
Қотиб қолади,  
Ерга эгиб бошини  
Уйга толади.

Ажин босган юзларида  
Акс этар қайгу —  
Кимни уйлаб, кимни эслаб  
Ғам чекади у?

### 3. МУҲАББАТ

— Мен севаман, — шивирлар аёл, —  
Кирларингни ювиб бераман.  
Дазмоллайман кўйлаklarингни  
Сени қучган қўлларим билан.

Бир кун тонгда тўшақда ётиб  
Жилмайганча шивирласам, бас:  
«Юрагимнинг остида кимдир  
Худди сендек олмоқда нафас».

1981

\* \* \*

Шеърият — бу қийин иш эмас,  
Ёзсанг агар юракни асраб.  
Бироқ шеърнинг бир сатрини деб  
Қон тупирган тунлари Машраб.  
Шеърият — бу қийин иш эмас,  
Етар топсанг қофия: «ёз», «соз».  
Шеърда баъзан ҳаводек зарур  
«Эрк» сўзига қофия «қасос».  
Сен қўрқувни қанчалик яшир,  
Шеър қилади барибир ошкор.  
Қўрқоқ бўлсанг, қўрқоқ бўлар шеър,  
Мардман, деб жар солмоғинг бекор.  
Она-юртни кўйламоқ учун  
Худди шеърга бергандек юрак,  
Уни юртга бермоқ учун ҳам  
Доим тайёр турмоғинг керак.  
Тумарисдек аёл қўлларин  
Чаноқ тиги тиларкан кеч куз,  
Қоғоздаги шеърим йўллари  
Юрагимда қон қолдирган из.  
Заҳар ичиб ўлган актёрдек  
Пардадан сўнг тирилмоқ бекор.  
Шоир шеърнинг олдида тирик,  
Шеър сўнгида ўлмоғи даркор.  
Шеър — туймоқдир ногоҳон дилдан  
Сен қўлингга олганда нонни,  
Бугдой дони ердан симирган  
Эрк деб жангда тўкилган қонни.

1979

## ЭСКИ ШАҲАР

Бибихоним даҳмаси харобасида  
сўнги бор акс этар ва сўнар қуёш.  
Уйғона бошлайди кун нафасидан  
мудраб, ухлаб қолган қора қабртош.

Тор, қийшиқ кўчалар адашиб қолиб,  
илондек ўрмалар нурафшон тунда.  
Товлана бошлайди қайғуга тўлиб  
«Зижи Кўрагон»нинг акси осмонда.

Мудрар сезгир қушлар бутоқлар аро,  
уларнинг уйқусин бузар шамоллар  
ва қайсар эшагин ниқтаб бесадо  
уйга қайтаётган бозорчи чоллар.

Томга учиб тушган ёрқин бир юлдуз  
куйдир бошлаган пайтда ўтларни,  
мункайган чол каби қариган кундуз  
Шоҳизинда томон писиб ўтарди...

Эски шаҳар ухлар, мудраган тоқлар  
пахса деворларни маҳкам қучоқлар.  
Ухлайди бозорда қовуну ноклар,  
армонга айланиб муаттар боғлар.

Тунги сукунатда тўкилар ерга  
йиллар нафасидан нам тортган шўрхоқ.  
Боладек мўлтираб боқар шаҳарга  
бир четда биқиниб олган митти боғ.

1979

\* \* \*

Кетаман «Девонул луғатит-турк»ка,  
Ҳасратим, қувончим олиб кетаман.  
Мозийни бутунга, заминни кўкка,  
Қалбимни «Девонул луғатит-турк»ка  
Улай деб кетаман, бир кун етаман.

Қояларга чиқиб қушдек боқаман,  
Кўкшин япроқларга нурдек оқаман,  
Қора кўк чодирин сўз ила тилиб,

Манграйган чақмоқни оламан юлиб,  
Кўксимга тилмочдек уни тақаман.

Қоп-қора тун чиқиб келар ботордан,  
Қип-қизил кун чиқиб келар туғордан,  
Уларга басма-бас елиб бораман,  
Бойчечаклар чанқаб чиқар қошимга  
Томиримни ёриб, қоним бераман.

Аркўзлардан ҳатлаб, сойларни ичиб,  
Ятика шуъласин боламдек қучиб,  
Ўтлоқлар қўйинини оҳудек кечиб  
Етаман — эшикни аста чертаман,  
Кошгарий чиқади эшикни очиб.

У айтмас: — Шайтон, — деб, у айтар: —  
Баёт.

У айтмас: — Ўлим, — деб, у айтар: — Ҳаёт.

У айтмас: — Кечам, — деб, у айтар: —  
Эртам.

У айтмас: — Бугуним. Айтар: — Будуним!

— Хайр! — демас. — Салом! — дер, —  
Салом, набирам!

1981

## МЕН ДАРАХТГА АЙЛАНДИМ ТУНДА...

Мен дарахтга айландим тунда  
ва аксимни кўрдим осмонда.

Юлдузларни шохимга ўраб  
боқдим: наво оқди ялтираб.

Капалақдай ухлади дунё,  
ухламади мен каби дарё.

Мен дарахтга айландим тунда —  
тонгга қараб ўсди шохларим.

1979

## ЭРИБ КЕТАР ХИРА ТУМАНЛАР...

Эриб кетар хира туманлар,  
капалақдек уйғонар ялпиз.  
Осмон дарё бўлиб туюлар,  
ўтлар узра чопқиллайди кўз.

Қайрағочнинг гули — митти жом —  
жаранглайди — таралар атир.  
Ва тушларга кирар бу оқшом  
майсаларни қучоқлаб адир.

Шамол елар эркин, қутуриб,  
қурий бошлар томлар тўсини.  
Гуллаётган олчани кўриб  
деразалар очар кўксини.

Ёритганча то юрак ичин  
сабза ўтлар шабнамга қонар.  
Ватанини соғинмоқ учун  
ер остида жангчи уйғонар.

1980

## БОТИР НАМОЗ ЎЛИМИ

*(1907 йил 3 июнь)*

Қоронги тун мастона  
аёл каби қучоқлар.  
Ошиқлардек учрашар  
тун қўйнида пичоқлар.

Даҳшат сочиб таралар  
қоннинг алвон садоси.  
Димоқларга урилар  
ёвшангуллар нидоси.

Эркаклар гул — аёлни  
ҳидлаб ётган кечада,  
ботир Намоз ўлимни  
излаб чиқди кўчага.

Осмонда оқ маржонлар,  
узилгандек иплари,  
Келар Намоз ортидан  
хиёнатнинг итлари.

О, жавзо қучоқлаган  
қоронғи тун — сокин юрт!  
Юртим дея тинмаган  
Чавандозни яшир, ют!

Яшир маржон ипларин  
яширган шум судхўрдек.  
Оқ подшонинг итларин  
тишларини суғургин...

Ботир Намоз қиличин  
тигида ой рақс тушар —  
Синдирилди қиличи,  
бошини эзди тошлар.

Унинг титроқ лаблари  
айтар жон чиқар они:  
«Унутманг, тун итлари,  
менинг қоним — халқ қони».

*1980*

## ХУАН ГОЙТИСОЛО МАВЗУИДА

Нега шоир бўлдинг? — дейман мен,  
Нега ялпиз тушимга кирди?  
...Қўшним ўгли, менинг тенгдошим  
Миршабликка ўқишга кирди...

Нега шоир бўлдим? — дейман, оҳ...  
Чунтак қуруқ, келажак — жумбоқ.  
Миршаб қўшним янги уй солди,  
Сотиб олди қишлоқдан чорбоғ.

Нега шоир бўлдим-а, дейман,  
Қогозларни кўмиб ёшимга.  
Узимни зўр шоир санардим,  
Шеър ёзолсам қўшним бошига.

Фақат боши жуда қаттиқ-да,  
Икки қўли икки милтиқдай.  
Мен бир куни ўлишим тайин  
Шу милтиқдан отилган ўқдан...

1982

\* \* \*

Кечқурун йўл босиб далага чиқдим,  
Кетдим сўнг тентираб, хаёлга ботиб.  
Юдузли осмонга ҳайрат-ла боқдим,  
Чинор ости — барра ўтлоқда ётиб.

Ой жуда ярақлаб ёнарди кўқда,  
Порларди ёнида бир парча булут.  
Уйғониб келарди бир ҳис юракда  
Мана шу булутдай нурли ва парқут.

Эй, ошнам, ёлғиз ой, бормисан омон,  
Сени соғингандим, сени деб келдим.  
Бир дам ҳамдамим бўл, тугасин армон,  
Бир дам нурларингда чўмилсин кўнглим.

Устимга сочилиб тушарди шуъла,  
Устимда шовиллаб турарди дарахт.  
Ой кетар... Тинади ойдин ашула,  
Қолар ой тортиги — кўксимдаги бахт...

1982

\* \* \*

Бир чолни учратдим,  
Қўли қон эди,  
«Нима бўлди?» — дея сўрадим ҳайрон.  
«Дўстимни душманга сотгандим... —  
деди, —  
Икки қўлим қондир ўшандан буён».

Бир чолни учратдим,  
Тили йўқ эди,  
«Нима бўлди?» — дедим ёнига келиб.  
Гулдираб нимадир деди, хўрланган  
Боболар қабрига ишора қилиб.

Бир чолни учратдим,  
Кузи кўр эди.  
«Нима бўлди?» — дея сўрадим ҳайрон.  
«Ҳийнат қилгандим имонга... — деди, —  
Ўзимни излайман ўшандан бўён».

1982

\* \* \*

Кун совида,  
Барглар саргайди,  
Йулакларда шилдирар хазон.  
Ой — беванинг чорасиз дарди,  
Болакайнинг кир кўйлаги — тонг...

Кучларини  
Тутиб бўхчага  
Ниманидир кутади борлиқ.  
Қоп-қорайган,  
Ғариб боғчага  
Чинор сигмас — ер қилар торлик.

Баргихазон,  
Видо фасли бу!  
«Хайр!» дейман шичирлаб мен ҳам.  
Аммо кетмас  
Кўксимдан қайгу,  
Учмас қушлар ортидан алам...

1982

\* \* \*

Боғларни кўр зулмат  
Кучган паллада  
Бир ўзим турардим  
Чексиз далада.

Менинг кўзларимга  
Боқарди маҳзун  
Олис-олислардан  
Оқиб келган тун.



Тоғларнинг қизарган  
Елкаси узра  
Булутдек кўпчирди  
Бир вақший узлат.

Шу узлат қўйнида  
Бир Юлдуз порлар,  
У менинг дилимни  
Ёнига чорлар.

Мен унга индамай,  
Қулиб турардим,  
У қайғум эканин  
Билиб турардим...

1983

\* \* \*

Кўклам. Дала.  
Тиниқ кўк. Шамол...  
Сўқмоқ йўлдан қайтмоқда аёл.

Ариқчадан ҳатласа, тутлар  
Қувонч билан унга қўл тутар.

О, аёлнинг сочлари исин  
Искар, оғар шамолнинг эси.

Дала бўйлаб аёл утмоқда,  
Тебранади қоқи утлоқда.

У аёлга тўймай термилар —  
Томирлари сут билан тўлар...

1983

**БИЗ СЕН БИЛАН ЯШАЙМИЗ УЗОҚ**

Биз сен билан яшаймиз узоқ,  
Айтсалар ҳам: «Умр — оқизоқ...»

Парво қилмай асло бу сўзга,  
Қушлар каби ёш олмай кўзга,

Биз сен билан яшаймиз узоқ,  
Айтсалар ҳам: «Муҳаббат — тузоқ,

У ҳеч кимга қилмайди шафқат,  
Ўз домига тортади фақат».

Кечалари порларкан осмон,  
Биз осмонга боқурмиз шодмон.

Богимизнинг четида ўсган,  
Биздан бутун борлиқни тўсган

Настаринга деймиз: «Эй, кўкат,  
Яшамоқни сен бизга ўргат.

Биз сен билан яшаймиз узоқ,  
Қувончга ёр, аламдан йироқ».

Богни кезсак, қўлда тутиб гул,  
Елкамизга қўнади булбул.

Сочимизга қўнар қорлар — оқ,  
Биз сен билан яшаймиз узоқ...

Ҳатто тупроқ айирмас,  
Мангу  
Бирлаштириб турар бизни у.

1983

## ҲОЖИ АБДУЛАЗИЗ ҲАҚИДА ҚҶШИҚ

Қўшиқ — бу юрак байти  
ва сўзларнинг фарёди.  
Қоп-қора оқшом пайти  
янгради «Ушшоқ» доди.  
Фонуснинг тиллари ҳам  
жўр бўлар бу қўшиққа  
ва титраб етиб борар  
ҳилол — тилла бошоққа.  
Қора шохли дарахтлар  
силкинар куй авжида.  
Юлдузчалар чўмилар  
ойдин қайгу мавжида.

О, Ҳожи бобо саси,  
қалқир ҳоргин минорлар,  
бир-бирининг кўксига  
бош қўяди чинорлар.  
Гури Мир даҳмасида  
ўкиради оппоқ тош,  
тош остида Улугбек  
кўзида қалқдими ёш?  
Титратар гумбаз аро  
қотиб қолган ҳавони  
ва ранглар ташна саҳро  
каби ютар навони.  
О, Ҳожи бобо саси,  
девордан оқади ранг  
ва ранг билан юракни  
бўяр мусаввир оҳанг.  
Бу қўшиқнинг дардидан  
мойчечаклар сарғаяр,  
уларнинг баргида жим  
тош кўз ёши сирғалар.  
Тун қучган ҳовлиларда  
ухлатиб неварасин,  
Кампирлар уйғотмоқда  
юрақдаги ярасин.  
Расадхона шаҳардан  
қирлар томон югурар  
ва унинг нафасига  
ёвшаннинг ҳиди урар.  
Шоҳизинда бағрида  
янграр қирқ зина сози —  
қирқ пардага бўлинар  
Ҳожи бобо овози.  
Бу қўшиқнинг сасидан  
ҳаво дардга қорилди,  
бўғзимдаги гунчалар  
анор каби ёрилди.  
О, Ҳожи бобо саси,  
нақадар гамгин, маҳзун.  
Бу овознинг нафаси  
ҳофиз умридан узун.

О, Ҳожи бобо саси —  
ёвшангуллар нафаси...

1980

\* \* \*

Уйғон қишнинг хира тонгида  
Ва энтикиб қулоқ тут —  
Сўнги бўри увиллар тонгда.

Қўрқма. Қўрқма.  
Қоронги йўлга —  
Бўри улишидек бу узун йўлга  
Отлан. Садоқатли милтиқни олма.  
Қўрқма. Қўрқма.  
У — сўнги бўри.

Ўзининг товуши каби у ёлғиз,  
Ёлғиздир мана шу хира тонг каби.  
Сенга эса ёрдамга келишар,  
Бўйнингни ғажиса бўри.

Чунки сен энг сўнги  
одам эмассан.  
Отлан. Бу йўл сўнги йўл эмас.  
Отлан. Тонг ҳам сўнги тонг эмас.  
Отлан. Болаларингни ўпиш шарт эмас.  
Шарт эмас хотин билан хайрлашмоқ ҳам...

Қўрқдингми?  
Қўрқдингми? Қўрқ...  
Энди тингла, қўрқиб қулоқ тут —  
Увиллайди яна бир бўри...  
Увиллайди буриллар...

1980

## МЕРОС

Улар менга бир умр  
Унитишга уриниб,  
Аммо, унитолмаган  
Сўзларни қолдирдилар...

1984

\* \* \*

Энди қайгу кўксимда йўқдир,  
Энди йўқдир кўксимда қайгу.  
У бамисли занглаган ўқдир,  
Вужудимда битиб кетган у...

1984

КУЗ

Нималарни ўйлар одамлар  
Уйларида қолганда ёлғиз?  
Нималарни ўйлар то саҳар  
Зулмат аро, ҳув, танҳо юлдуз?

1984

\* \* \*

Мен мозийга  
Тикилдим ўзоқ —  
Келажакни англамоқ учун,  
Шунда кўриб  
Қолдим мен ногоҳ  
Ёғий тутган найзанинг учин.

Қора бахмал  
Узра зумраддай —  
Найза учи ёниб турарди,  
Гуё бир чўғ  
Ёниб зулматда  
Кеча билан суҳбат қурарди.

Бирдан ёғий найзани отди  
Ва у бобом кўксига ботди:  
Мен инградим  
Алам, ўксикдан,  
Қонлар оқди менинг кўксимдан.

1984

\* \* \*

Оқиб ётар қадимий дарё,  
Боқсанг, юрак ҳайратга тўлар.  
Сархуш бўлиб, мудрар бесадо  
Қиргоқдаги навқирон толлар.

Поёни йўқ пахтазор дала  
Икки қиргоқ бўйлаб югурар.  
Бунда ҳар тонг икки қиз бола  
Сув қўйнига оҳудек кирар.

Сув бўйида жуфт кетмон қуёш —  
Кўзларини қамаштиради.  
Икки қизнинг хаёли қари —  
Дарёни ҳам адаштиради.

Фақат шу ер яқин юракка,  
Фақат шунда қувонар кўзлар.  
Фақат шунда лўппи кўкракка  
Эрк беради кетмончи қизлар.

Улар сузар оққушдек яйраб,  
Чумилишар бирга тонг билан.  
Кейин қушлар мисоли қувнаб  
Артинишар саратон билан.

1980

## ҲОЗИҚ

Бир эмас, уч тахтнинг пойида туриб  
Умринг кечди...  
Бугун сен тахтдан йироқ,  
Аммо, огоҳ бўлгин  
Қотил от суриб  
Келмоқда — қўлида қонга ўч яроқ.

Дилда Нодиранинг ўчмас сийрати,  
«Оҳ», дейсан гоҳ унга кўзларинг тушиб,  
Аммо, огоҳ бўлгин:  
Қотил от суриб  
Келмоқда Бухоро томондан шошиб.

Тигланган,  
Бичилган,  
Сўйилган шоир  
Халқининг сафида борсан-да, ахир!  
Жаҳолат даврида яшамоқ мушкул,  
Шоир бўлиб яшаш —  
Минг чандон оғир!

Сен айтдинг,  
Қўрқмадинг...  
Эзгу йўлингдан  
Қайтмадинг, ҳақ сўздан кечолмадинг воз.  
Мангулик байтидир асли ўлимдан  
Тап тортмай янграган ҳар қандай овоз.

Қуёшга,  
Заминга  
Алвидо айтиб,  
Кўксингда жўш уриб эзгу туйғулар,  
Қассоб Насруллонинг изнидан қайтиб,  
Ҳайқирдинг —  
Чекинди қора қутқулар!

Ахир, шоир зоти фақат ҳақ сўзни  
Айтмоқ учун келар қадим дунёга,  
Ўйлама: «Хас бўлиб ихтиёр этдим  
Тўғон бўлмоқликни ўжар дарёга».

Ҳақиқат тан олмас хону подшоҳни,  
Ундан ҳукуматлар, тузумлар қўрқар,  
Чунки улар билар: ёруғ дунёни  
Тебратар сочи оқ она — Ҳақиқат.

Огоҳ бўл!  
Бухоро томондан бу дам  
Амир зах зиндондан чиқарган қотил  
Тиг тутиб,  
От суриб келмоқда илдам —  
Сен эса бу қора хатардан гофил.

— Огоҳ бўл! —  
Огоҳ бўл! — Ҳайқираман мен,  
Ахир, юрак сезар, яқину йироқ  
Юртлардаям бугун ҳақ деган шоир  
Жонига қасд этиб чархланур яроқ.

— Огоҳ бўл!  
Огоҳ бўл! — Ҳайқираман мен,  
Боқаман — Юрт гофил,  
Оломон гофил —  
От суриб келмоқда қора тун аро  
Ҳақиқат жонига қасд этган қотил.

Чунки ҳақиқатнинг сўзи ўлмаган,  
Ундан ҳукмдорлар қўрқади ҳамон.  
Чунки улар билар, ерга ташланган  
Бир дона уруғ, бу — эртанги ўрмон.

...Қотил қилич серпар...  
Думалайди бош,  
Қонли қўллар уни халтага солар.  
Сунг тоғлар ортидан кўринмай қуёш,  
У олис Бухоро томон йўл олар.

От елар...  
От елар...  
Халтадан чак-чак  
Томчилар йўлларга, майсаларга қон.  
Қуёш ҳам ҳарсиллаб шу издан борар,  
Қўлида уст-боши қонли бола — тонг...

1984

\* \* \*

Атлантида чўқди.  
Сув ютди уни,  
Сўнди неча дилнинг орзу-хаёли.  
Денгиз кўпигида илиниб қолиб  
Фақат тирик қолди битта чумоли.

У жангу жадалда елган кемалар  
Эшгагига чиқиб заминга етди.  
Қиличлар қинидан чиқди ва шаҳар  
Пойида совутлар жаранглаб кетди.

Қаттол Ҳераклни кўриб қўрқувга  
Тушганда Троя эркак-аёли,  
Ахей кемасидан бир ушоқ донни  
Елкалаб соҳилга чиқди чумоли.



Троя қулади  
Ҳеракл ўлди,  
Қонига булғанди мард Агамемнон.  
Аммо ушоқ донни елкалаб олган  
Чумоли манзилга етмасди ҳамон.

Чилвирни бир зарб-ла қирқди Искандар —  
Жаҳон ҳам тиз чўқди унинг пойига.  
Осиё устига қўзғалди хатар,  
Ўқлар учди Шарқнинг тўлин ойига.

Парфия қулади.  
Бақтрия яксон,  
Тупроққа қоришди Турон камоли.  
Аммо ушоқ донни елкалаб ҳамон  
Сафари қаримай борар чумоли.  
Учди инсоният қора мўридан —  
Освенцим.  
Майданек,  
Заксенхаузен.  
Мен ҳамон эшитиб қоламан бирдан  
Хиросиманинг фарёд солган овозин.

Мен ҳамон эшитиб қоламан... Бирдан  
Олисда совутлар жаранглаб кетар...  
Донни елкалаган чумоли эса  
Ўрмалар... У қачон манзилга етар?!

1984

.. . .

«Девонул луғатит-турк»ни ўқийман...  
Ва деразам Алпомиш тутган  
Совут мисол товланар шомда...

Остонамнинг олдидан ерни  
Титратганча, ғамни унутган  
Алп йигитлар ўтар оқ отда...

Қоғозларнинг шитирлашимас,  
Туқайларнинг саси теграмада  
Янграр — уни тинглар коинот.

Манжаниқлар харсанг отади,  
Ҳилол чиқиб, қуёш ботади,  
Юрагимда тинар коинот...

«Девонул лугатит-турк»ни  
Маҳкам босиб кўксимга, гуруб  
Томон бўзлаб чопиб борурман.

Шопмўйловли бадмаст саллотлар  
Тинмай қувиб келар ортимдан, —  
«Девон»нимас, жонни берурман...

Бобом боқар қабридан туриб,  
Чақмоқ порлар зулматни ёриб,  
Варақлайман ҳар порлаганда

Ва оний нур ёритган сўзни  
Ўқирканман қадимий тилда,  
Буюк бир ҳис уйғонар дилда...

1984

\* \* \*

Дўстим деди: «Кўрдим галат туш,  
Куйиб кетган чексиз далалар  
Бўйлаб кечмиш судралиб хомуш,  
Уст-боши қон чоллар, болалар.

Найзаларин қисганча, чайир,  
Отларини ниқтаб беармон,  
Ҳайдар эмиш ёв — маккор, гайир —  
Асирларни гурбатга томон.

Фақат улар ортидан қолмай  
Чопар эмиш бир гўдак йиглаб,  
Чопар эмиш тўхташни билмай,  
Чопар эмиш кимнидир йўқлаб.

Ногоҳ тўхтаб қайрилиб боқди:  
Мен болани, дўстим, танидим,  
Танидиму кўздан ёш оқди...  
Ўша бола мен ўзим эдим...»

1984

## ЭРК ГУЛИ

— Эрк гули бор, дерлар, бувижон,  
Шу гул ҳақда менга сўйлаб бер.  
У гул қайда ўсар шодумон,  
Айтгин, гулнинг макони қаер?

— О, болажон, бу сирни билсанг  
Гам келару дилинг қисади —  
У гул эрк деб жон берган эрлар  
Мозорлари узра ўсади.

1984

## ОРЗУ ҲАҚИДА РИВОЯТ

Бир одам яшарди ғариб, хокисор,  
Кўзин ердан узмай яшарди...  
Аммо  
Ҳар бир одамзотнинг ўз тақдири бор:  
Уни асир этди бир куни само.

У қанот ясади,  
Дил тўла орзу,  
Юксак қоялардан талпинди кўкка.  
Бироқ қулайверди қора ерга у  
Худди қуш дуч келиб қолгандек ўққа.

Худога сизинди —  
Ерга қулади.  
Худодан воз кечди —  
Қулади яна.  
Аммо осмонга у талпинаверди  
Худди шамга қараб учган парвона.

Уни ташлаб кетди хотини йиғлаб,  
Уни ташлаб кетди, телба, деб дўсти.  
У бўлса, тунлари дилини тиглаб  
Қуёшга интилган дарахтдек ўсди.

Охири даҳрий деб тутдилар уни,  
Қўларин бурашди, ташлашди горга  
Ва осмон чарақлаб турган бир куни  
Уни келтирдилар осмоққа дорга.

Илондек чирмашди арқон буйнига,  
Бир зарб билан кейин тортилди таранг.  
Ё раб!

Энг сўнгги дам  
учди у кўкка —

Оёғи  
заминдан  
узилди,  
қаранг!

1985

## БИБИХОНИМ

### 1. УСТА.

Мен шовқинга тўла бозордан  
ҳайрат тўлиб тану жонимга  
термиламан кўқда порлаган  
улуғ хаёл — Бибихонимга.

Термиламан, топаман излаб —  
ҳув, хароба кўк гумбаз узра  
эртак қаддин тикламоқ истаб  
ўй суради мункайган уста.

У қовжироқ, титроқ қўлларнинг  
бўйсундириб иродасини,  
Тинглар қадим гиштлар куйлаган  
рангин гуллар ҳикоясини.

Олисларда гувилларкан бог  
учиб кетмоқ бўлгандай ердан,  
Уста тикар самога нигоҳ  
ва кўзлари қамашар нурдан.

Бироқ бирдан кўк тилга кирар,  
сукут синар нақ шишасимон,  
Хира кўзлар қаърига чўқар,  
гумбазнамо шаклда осмон.

Шунда ёниб шиддатдан қалби  
пастга, ерга ташлайди назар.

Унда оний дақиқа каби  
учиб ўтар баҳорлар, кузлар.

Пастда қолди шарафу олқиш,  
пастда қолди қарилик — хаста.  
Фисқу фасод, гийбату ташвиш —  
қолиб кетди барчаси пастда.

Пастда бўғиқ суронга тўлиб  
оқиб ётар гавжум кўчалар.  
Пастда нуқра сочин силкитиб  
сўкинади маст ёрдамчилар.

Пастда қолиб кетди ўқлардан  
яраланган гишглар, нақшлар.  
Пастда қолиб кетди устанинг  
кўзларидан тўкилган ёшлар.

Бунда эса гумбаз ва осмон  
бир-бирига қоришиб ётар.  
Ботаётган қуёш осмоннинг  
ва гумбазнинг бағрига ботар.

Бунда дилда парвознинг ҳисси  
уйғонади... Ё раббим! Наҳот?!  
Кўкни қумсар занжирлар қисиб  
оддий қулга айланган қанот.

## 2. БОЛА

Бола ҳар кун келар оқшомда,  
тут тагига бориб ўтирар  
Ва сарҳадсиз нилий осмонга —  
кўк гумбазга боқиб ўй сурар.

Офтоб акси тушиб нақшларга  
бўгилади бақироқ бозор.  
Сукут чўқар улкан шаҳарга,  
тиниб қолар мисоли мозор.

Бу сукунат болага ёқар  
ва сукутни у тинглаган дам,  
Боши узра силкинган шохлар  
қора тортиб борар хотиржам.

Сунг ичкари кирар у сармаст  
ва тепага боқар бахтиёр.  
Ташқарида шитир этган сас  
янграр бунда жомдек улугвор.

Ташқаридан ҳар бир товушни  
ютар бунда уч эшик — қулоқ.  
Ютади-ю дарахтнинг, қушнинг  
қўшигини такрорлар узоқ.

«Мен тепага чиқишим керак», —  
деган бир ўй чуллаган они,  
Бежо тела бошлайди юрак,  
гупуради согинчдан қони.

Илк қувончи, илк қўшиқлари  
ва илк ғаму қайғуси билан  
Юксақдаги кўк гумбаз сари  
кўтарилар бола хаёлан...

Мана, осмон елканга тегар,  
мана, қолди пастликда шаҳар.  
Ана, гарбда қуёш ҳам чўқар,  
ана, шарқда кўринар саҳар.

...У умрида ҳали ҳеч қачон  
чиқмагандир бундай юксақка.  
Шунинг учун оловлар қон  
ва юраги сигмас кўкракка.

Ҳали унинг кўксида тирик  
эртаклари олмоқда нафас.  
Кўзларини асраган киприк  
билмас ёшни, қайғуни билмас.

Ҳали унинг қўшиқларига  
ситилмаган ғамгин садолар.  
Ҳали унинг қўшиқларига  
жўр бўлмаган ёлгон наволар.

Бироқ, соқов, гунг бўлган бола  
тўлдиргандек ерни овозга,  
Кўзлари кўр ва хаста бола  
чизганидек нурни қоғозга,

Оёқлари шол бўлган бола  
учганидай қушдек осмонда  
Ва санашни билмаган бола  
санагандек юлдузни тунда,

Бу бола ҳам ҳар кун такрор  
орзусини кўради аён:  
Кўтарилиб борармиш тонгда  
юксақдаги кўк гумбаз томон.

1980

### КЕЧИР, АСРИМ

Кечир, асрим,  
Сенга инонмай  
Сен топтаган дилга инондим.  
Сен фалакка қуёш ўрнида  
Олиб чиққан зотлардан тондим.

Тондим дилни, элни кўр қилган,  
Заҳарлаган пуч гоялардан,  
Юрагимга мадад изладим  
Кунга боқиб тик қоялардан.

Аmmo, не-не ёру дўстларим  
Юрагини ваҳима босди.  
Топталганда эзгу ҳислари  
Чидолмасдан ўзини осди.

Сенинг совуқ кўзингга боқиб,  
Сўлди неча дилларнинг гули,  
Асл эрлар эсидан оғиб,  
Омон қолди нокас, доғули.

Қаттол аср,  
Кимки «нур» деса  
Зулмат аро қолди, бўғилди  
Ва ҳеч кимга керак бўлмаган  
Меҳрдан кўр қаҳр туғилди.  
Ҳей, сен аср,  
Сен ҳам улардан  
Энди кутма шафқат, диёнат.

Инон, сотқин, хоин-қулардан  
Кутмоқ мумкин фақат хиёнат.  
Қурқув кетмас экан диллардан,  
Киролмаскан то дилга қувонч,  
Куршапалак учган хонада  
Қандай учсин, ахир, қалдиргоч?!

1985

## ОПА

Опа, жаллод кундасида қон  
Курмоқ учун бизларни сотдинг,  
Қабрин бузиб,  
Неча эрларнинг  
Яна қайтиб кўксидан отдинг.

Унут, дединг, онанг тилини,  
Ёт тил дединг, ёт элни дединг.  
Оталарни тиз буктирай, деб  
Болаларнинг дилини единг...

1985

## ОЙБЕК

### I

Ойбекнинг шеърини далага чиқиб,  
Майсага аганаб ўқимоқ керак  
Ва сокин шивирни — оҳангни ўқиб,  
Ойбекми? Майсами? — деб толсин юрак.

Ойбекнинг шеърини бедазор аро  
Сой саси аралаш тингламоқ зарур,  
Билмай қолсин юрак сув узрами, ё  
Ойбекнинг шеърида ўйнайди бу нур?

Ойбекнинг шеърлари бамисли нигоҳ,  
Бу нигоҳ асрорин йўқдир поёни.



Худди бўлмагандек майсага изоҳ,  
Йўқ Ойбек шеърининг тўла баёни.

Ойбек — бу майсага чўккан бужур тош,  
Ҳайратдан ёрилиб-ёрилиб кетган.  
Ойбек — бу дарахтзор устида қуёш,  
Нури то чумоли кўзига етган.

Ойбек — бу улкан бир чорбоғ остида  
Ёввойи узумзор оралаб, титроқ  
Қуёш тангалари ўйнаб сиртида,  
Бирдан ёругликка чиққан шўх ирмоқ.

Ойбек — бу огриқни қари тол каби  
Юракнинг тубида асраган сўзлар,  
Барча ҳасратини, жим туриб лаби,  
Энг яқин дўстига сўзлаган кўзлар.

## II

Шеър — фақат қуш тили, деганди шоир  
Қулоқ тутиб қувноқ, шўх товушларга.  
Бошида рутубат қилганда қаҳр,  
У тилин қайтариб берди қушларга.

Шеър — юлдуз килриги, деганди Ойбек,  
Ўзи киприк эди Ўзбекистонга.  
Сўнгги дам бошида сўнаркан осмон,  
Шоир кўзларини берди осмонга.

1982

## ШОИРНИНГ ОНАСИ

Она келиб олис қишлоқдан  
Ўғли билан яшай бошлади  
Ва дастурхон ёзилган чоқда  
Ширмой ноннинг четин тишлади.

Ювиб берди бир бозор кирни,  
Сувлар қуйди сўлган гулларга.  
Неваралар богчадан қайтгач,  
Эртак айтиб берди уларга.

Авайларди хонадон тинчин,  
Суйган ўгли уйнинг бурчида  
Қогоз узра эгилганча жим  
Шеър ёзган пайт тутун ичида.

Қадам босиб хавотир билан,  
Қўрқар эди нафас олишга.  
Тунлар хуррак тортмай дея у  
Бош қўярди тонгда болишга.

Аmmo бир кун мазаси қочиб,  
Кўз олдида ёруглик сўнди,  
Қўлларидан тушиб кетди-ю,  
Чил-чил бўлиб пиёла синди.

Ўша заҳот ҳушига қайтди,  
Чайқаларди ўнгида олам.  
У югуриб чиққан ўглига  
Шивирлади: «Кетайми, болам?»

1985

\* \* \*

Сен қизингнинг сочини силаб  
Турган пайтда, бахтдан бўлиб кўр,  
Ернинг олис бурчида, йиглаб  
Кимдир қазир ўгли учун гўр.

Артаркансан ўглиннинг араз —  
Қилиб тўккан шўр кўзёшини,  
Қайлардадир йиғлайди она  
Ўгли узра эгиб бошини.

Бунча лоқайд бўлмасди кўнглинг,  
Кўзларингда порламасди нур,  
Ўша гўдак ўрнида ўглинг  
Ётганини қилсанг тасаввур.

Турмас эдинг шодумон кулиб,  
Боқмас эдинг бунчалар сен шўх,  
Бир кун сенинг боланга келиб  
Тегишини, билсанг, ўша ўқ...

1985

★ ★ ★

Ҳали куртак бўртгани йўқ,  
Ҳали узоқдир баҳор,  
Эпкинлар елмайди шўх,  
Пастқамларда ётар қор.

Ҳали юксак тоғларнинг  
Оппоқ қордан салласи.  
Уйғотмаган боғларни  
Ҳали қуёш яллasi.

Қорлар эрир барибир,  
Тарқалади туманлар,  
Очилади мисли сир  
Гулга тўла чаманлар.

Шарқдан келган шабода  
Баҳорни олиб келар,  
Юракларни ўша он  
Қувнатади шўх еллар.

Жамолини кўрсатар  
Тиниқлашиб ҳур осмон,  
Гунча ёзиб чечаклар  
Яшнайдди алвон-алвон.

Ўсиб чиққан майсалар  
Чўзар ердан тилини,  
Толларни япроқ босиб  
Букар адил белини.

Аммо ҳеч ким буларни  
Сезмагайдир ҳеч қачон,  
Агар дилда севгининг  
Очилмаса гуллари.

1985

★ ★ ★

Мен бу боққа келаман ёлғиз,  
Айланаман йўлкаларда жим.  
Гулга қўнган қоп-қора қўнғиз  
Каби дилда танҳо ҳасратим.

Мени олиб келган симпоезд  
Шовқин солиб қайтар шаҳарга,  
Мен бу боғда қоламан ёлғиз  
Боқмоқ учун ойдин саҳарга.

Мен бу боғда қоламан ёлғиз,  
Дилда тутиб унут ҳисларни.  
Такрорлайман маънос ва унсиз  
Сенга бир пайт айтган сўзларни.

1985

### БОЙСУН ТОҒЛАРИ

Бойсун тоғларига  
Боқаман ҳайрон,  
Тумандай тарқалар дилдаги гуссам.  
Тепасига чиқсам,  
Кўрингай жаҳон —  
Қани чиқолсаму баҳралар олсам.

Бунда оқ булутлар  
Сузар ёнимда,  
Шамол йўқ уларни олиб кетгани.  
О, бир қудрат сезсам  
Шу дам қонимда  
Шу тоғлар бошига қўшдай етгани.

Жарликлар қорайиб  
Боқар олисдан,  
Девлар кўрпасига ўранган тоғлар,  
У ёқда қасдини  
Олганча муздан  
Ёзнинг қўшигини куйлар ирмоқлар.

У ёқда бургутлар  
Тиглар устида  
Қўнганча газаб-ла боқар йироққа,  
Қарар олисларда  
Оний нафасдай  
Тафти етар-етмас ёнган чироққа.

Шу чироқни қўршаб  
Дўстларим билан

Сўзлашиб турибман маънос ва уйчан,  
Деразадан боқар  
Пок кўзлар билан  
Болалар — оёқланг, кўйлакчан.

Улар бу тоғларга  
Боқмагай ҳайрон,  
Улар бу тоғларни сезмай ҳам қолар,  
Шунчаки эрмакка,  
Ё оқшом, ё тонг  
Тепасига чиқиб баҳралар олар.

Улар тоғларгамас,  
Менгадир ҳайрон —  
Кўз узмай туришим тоғлардан масрур.  
Уларга бу ҳолат  
Ғалат, ноаён,  
Уларга бегона кўзимдаги нур.

Фақат бу тоғлардан  
Кетганда, бироқ  
Уларнинг кўксини кемирар алам:  
«Тепасига чиқсам,  
Кўрингай йироқ —  
Қани чиқолсаму баҳралар олсам...»

1985

\* \* \*

Шамол эсар, аёз кесар, гупиллар қор,  
Кеча қора. Кўринмас ой. Саҳар йироқ.  
Севдим дема. Сўзинг ёлгон. Сўлди япроқ.  
Севги сиғмас. Бу дунё тор. Бу дунё тор.

Гупиллар қор. Шамол эсар. Аёз кесар.  
Дарвоза зич. Тиргак қаттиқ. Занжир совуқ.  
Чироқ ўчган. Кўзлар ўчган. Ўлим ёвуқ.  
Йўлга чиқсанг, йўлларингни бўрон тўсар.

Аёз кесар. Гупиллар қор. Шамол эсар.  
Қисирлар тол. Қушлар қулар. Бўрилар оч.  
Қайда алам? Қайда ором? Қайда қувонч?  
Муҳаббат, кел. Юрагимда хазон ўсар.

1985

## БЕШ АСР — БЕШ ЛАҲЗА

### «ХАМСА»НИНГ 500 ЙИЛЛИГИГА

Беш аср — беш лаҳза мангулик учун,  
Даҳо сўзи вақтга қилмас эътибор.  
Улимдан олар у ҳаётнинг учин,  
Бало-ю қазолар унга қилмас кор.

Гар ўзбек умримни қандай яшадим,  
Деб кечган йўлига назар ташласа,  
Қуёшлар макони Асқартоғдайин  
Уфқни тўсганча юксалар «Хамса».

«Хамса» — бу, Навоий панжаси эрур,  
Халқини зулматдан тўсиб тургувчи,  
«Хамса» — бу, Навоий кўзидаги нур,  
Чўглари дилларга тушиб тургувчи.

У — Навоий кўкси, халқини хундор,  
Қора қисматлардан тўсгувчи қалқон,  
«Хамса» сўзларида телба олов бор,  
Ўқисанг, кўксингдан томчилайди қон.

Беш аср, ун аср — мезон эмас Вақт,  
Мезон тирикликдир,  
Мезон — шу ҳаёт.  
Бу қадим сўзлардан қурққан ёғийлар  
Токи тирик экан, «Хамса» барҳаёт.

Ҳамон кўзларимни тиксам қоғозга,  
Занжирни узар-да озод бўлар шер.  
Менинг ҳасратимга ҳайрат қўшади.  
Навоий қалбидан қалқиб чиққан шеър.

Ҳамон ҳаяжонга тўла тунлари  
Аччиқ изтиробга беролмасдан дош,  
Ўт каби куйдириб ўтар юзимни  
Навоий кузидан қалқиб чиққан ёш.

«Хамса» — бу, бамисли биз тушган кема,  
Олисдан олисга бормоқда сузиб,  
У — қўшин, Навоий келажак дея  
Бормоқда сўзлардан беш черик тузиб.

Бугун Навоийнинг меҳрга тўла  
Кафти бўлиб силар бошимизни у,  
Шу сабаб олдинга юрмоққа далда  
Берар у — кўзларни чулғаса қайгу.

Шу сабаб сўзфуруш, юртфурушларга  
Қарши одил жангга ҳаёт чорласа,  
Тап тортмай чиққан чоқ жангтоҳларга биз,  
Ортада қўшиндайин юксалар «Хамса».

Қаршимда кўраман ёдгорларни ман,  
Кўраман макрли ёсуманларни,  
Токи сен борсан-ки, «Хамса», енгаман,  
Енгаман жанг чоги мен душманларни.

Жангда чекинмоқ ёт!  
Жангга киргин, шеър!  
Бу жангда голиб бўл, ё бўлгин қурбон.  
Ахир, тингла, ортдан эшитилмоқда  
Навоий нафаси — толгин, паришон.

Сен ортга қайрилиб қарама, токи  
Сени қийнамасин бобомнинг кўзи.  
Сен олдга интилгин, олдинда янграп  
Мангулик тимсоли — Шоирнинг сўзи!

1985

\* \* \*

Баҳор. Қир. Транзистор.  
Янграйди: «Қорақўзим...»  
Олисларда боши қор  
Қоялар тизим-тизим.

Баҳор. Қир. Тиниқ кўкда  
Оппоқ булут муаллақ.  
Бу лаҳза сўра, айтай:  
«Ҳаёт — ҳақ, ўлим ҳам ҳақ...»

Чеки йўқ қирлар аро  
Янграйди: «Қорақўзим...»  
Гуё бутун дунёда  
Қолгандайман бир ўзим...

1985

Тогдан оқиб келар қора тун,  
Сунг чүзилар далага...  
Мен ҳам  
Самовотга термилмоқ учун  
Чүзилгайман ажриққа шу дам.

Юлдуз акси товланган кимхоб  
Чодир бошим узра товланар,  
Қонимдаги афсунгар шароб  
Уйготган дард дилда товланар.

«Нега жимсан?» — шивирлар гиёҳ,  
Бошим узра эгилиб аста.  
«Нега жимсан?» — шивирлар дарё,  
Жилваланиб адир пастида.

Эркалайман гиёҳни, гулни —  
Ўйларимни, аммо, бузганча,  
Ёниқ ҳислар титратар дилни —  
Эркаланар бағримда кеча...

1985

### СОТҚИН ҲАҚИДА БАЛЛАДА

Бу кеча бобомни кўрдим тушимда —  
Худди ўқ егандек бургут қанотдан,  
У кўкраги қон, айру ҳушидан,  
Остонам олдида қулади отдан.

Майсаларни силкиб, шитирлаб бирдан  
Югуриб ўтди ел — безовта, сергак.  
Кўтарилди эгик чечаклар ердан,  
Бешигида йиғлаб юборди гўдак.

Изидан ёгийлар еларди отда,  
Жаранглаб етарди туёқлар саси.  
Юракда гулгула ва сукунатда  
Кезади хатарнинг совуқ шарпаси.

Уни опичлаб мен, елкамда туйдим  
Оқаётган қоннинг ёнар тафтини.  
Ойнинг ёруғида, янтоқдек куйдим,  
Манглайига босгач совуқ кафтимни.



Уни опичладим, гуё ўша дам  
Елкамга олгандим учган юлдузни.  
...Кейин дарвозани ёпаётганда  
Кўрдим қўшни уйдан боққан шум кўзни.

Бўгилиб уйгондим қўрқинчли уйдан,  
Югуриб ҳовлига чиқдим мен бесўз,  
Дарвозани очдим ва қўшни уйдан  
Қадалиб турарди ҳамон ўша кўз.

1981

\* \* \*

Тушларимга  
Ханжар киради:  
Совуқ, тунни қўрқитган ханжар.  
У шивирлар:  
«Ҳамма нарса тахт,  
Бизни кутар зулмат ила жар».

Ханжар ушлаб  
Чиқаман йўлга,  
Эмаклайман, писиб бораман.  
Мана, ҳозир  
Уни ҳадиксиз  
Тун кўксига боплаб ураман.

Жиноятни  
Яширмақ учун  
Мен ханжарни отаман кўкка.  
Зулмат қочар,  
Қочар қора жар,  
Қайтиб тушар кўксимга ханжар...

1985

\* \* \*

Деразамга ёнма-ён ўсган,  
Дарахт кирмоқ бўлар уйимга.  
Мен эса бу тинчимни бузган,  
Аммо сира-сира ўйига  
«Одам тинчин бузаяпман-ку!»  
Деган бир сўз сира келмаган

Дарахт билан хонада эмас —  
Хув, чечаклар қийгос гуллаган  
Далаларда кезгим келади,  
Ялпиз излаб, бинафша ҳидлаб,  
Ялпизларни оралаб ўтган  
Ариқчалар устидан ҳатлаб...

Дарахт эса уйимга кириб —  
Олмоқ учун тинмай ўсади,  
Ҳатто мени ранжитиб, бутун  
Мавжудотни кўздан тўсади.  
«Ҳей, эси паст, — дейман, — ҳовлида  
Яшасанг-чи, бу ўйингдан қайт!  
Сени ахир шундай ҳолингда  
Уйга қандай сигдираман, айт?»  
«Тушунсанг-чи, — дейди у кулиб,  
Шеър қийноққа солмоқда мени,  
Хонтахтангга ўтириб олиб  
Туширсам бас қогозга уни!»

«Қуй, — дейман, — қуй, ахир, сигмайсан,  
Айтиб тургин, ўзим ёзаман».  
Дарахт йўқ, деб бошини чайқар,  
«Ранжима» деб қўлим чўзаман.  
У охири кўнар гапимга,  
Бироқ, маънос энтикиб сўзлар:  
«Эҳ, барибир ёзганим билан  
Тушунмайсиз у шеърни сизлар!..»

1986

### ҚОДИРИЙНИ ЎҚИБ

Йиллар ўтиб борса-да, ҳамон  
Қўмсаб-қўмсаб ўқиймиз сизни.  
Сиз бамисли зангори осмон,  
Биз қўмсаймиз осмонимизни.

Олис чағир тошли йўллардан  
Отда елиб ўтамиз бирга,  
Айлантириб Кумушнинг оддий  
Сўзларини бокира шеърга.

Яна ортта қайтамиз кейин,  
Келажакка боқамиз мафтун.  
Нимадандир ичкиб, қийин  
Ўйлар ичра қоламиз беун.

Кейин яна уй деразасин  
Очган каби соф ҳаволарга,  
Бўтриққан, дим уй деразасин  
Очган каби шўх наволарга —

Туйиб дилда масъум унларни,  
Титраб-титраб дил ларзасидан,  
Биз очамиз «Ўтган кунлар»ни  
Юрагимиз деразасидай...

1983

### ЛОРКА ҲЛИМИ

Уни тонгга тираб отдилар...  
У йиқилди,  
Сўнг яна турди  
Ва ёшгина,  
Букри бир аскар  
Қўндоқ билан бошига урди.

У жон берди...  
Аскарлар эса  
Шоша-пиша ортта қайтдилар,  
Шароб ичиб мунгли қўшиқни  
Тун сукутин бузиб айтдилар.

Бу қўшиқда булутни ёрган  
Ҳилол чўққи узра порларди,  
Бу қўшиқ қор остида ётган  
Чечакларни бўзлаб чорларди.

Бу қўшиқда қора кийинган  
Тул кампирлар эртак тўқирди,  
Уларнинг олдида кўзи кўр бола  
Зулмат аро китоб ўқирди.

Қушиқ куйлаб,  
Туйиб аламни,  
Ёш аскарлар сармаст эдилар,  
Шу қушиқни ёзган одамни  
Отганларин билмас эдилар...

1986

\* \* \*

Онам қариб қолган. Тушида  
Сўзлашади у отам билан.  
Кўзларидан оққан ёшида  
Мен отамнинг аксин кўраман.

Онам қариб қолган. Қўрқаман,  
Баъзан азоб бўғзимни қисар.  
Кўзим юсам уни кўраман,  
Шундан ёшга тўлади кўзлар.

Хат ёзмайман. Баъзан сим қоқиб  
Ҳол-аҳволин сўрайман... Аммо  
Ярим тунлар уйғониб гоҳо  
Ҳй сураман шифтга жим боқиб.

Далаларда кўнаркан шударинг,  
Тонгни қарши оламан титраб,  
«Она, — дейман, — мани кечиргин»,  
«Она», — дейман лабим пирпираб.

1986

\* \* \*

Бор экан-да, дединг — ишондим,  
Йўқ экан-да, дединг — ишондим.  
Қирга чиқдим қиличим олиб:  
Мен ҳеч кимни аммо кўрмадим.

Чумчуқ чақимчи, дединг — кўрқмадим,  
Қарга қақимчи, дединг — кўрқмадим.  
Қирга чиқдим совутим олиб,  
Мен ҳеч кимни аммо кўрмадим.

Оч экан-да, дединг — нон тутдим,  
Ялангоч экан-да, дединг — жон тутдим,

Қирга чиқдим найзамни олиб  
Ва дев билан юзма-юз келдим....

Қонлар оқди дарё-дарё...  
Бор эканлар йўқолди,  
Тўқ эканлар бор бўлди,  
Чақимчилар чақилди,  
Қақимчилар қоқилди,  
Очлар эса тўқ бўлди,  
Яланғочлар шоҳ бўлди...

Мурод-мақсадимга етмадим...

1986

## МЕНИНГ УҒЛИМ ҚЎРҚМАЙДИ ИТДАН

Менинг уғлим қўрқмайди итдан,  
Менинг уғлим қўрқар фашистдан.

Кинодан сўнг йиғлайди ҳадеб:  
«Нега отди кампирни, айт?» — деб.

Савол берар лаби буришиб,  
Йиғлар узоқ, юзи тиришиб.

Менинг уғлим тунлари бирдан  
Сўраб қолар шивирлаб мендан:

«Келмайдими фашистлар, дада,  
Келиб бизни отмасми, дада?»

«Йўқ, келмайди» — дейману бироқ  
Уғлим ўйлар суради узоқ.

Ухлолмайман мен ҳам то саҳар,  
Юрагимни кемирар хатар.

Атрофда тун, увиллар итлар,  
Деразамдан боқар фашистлар...

1986

Жанг тугади. Отлар кишнамас.  
Уқлар учмас. Найзалар учмас.  
Тиглар синган. Уқдонлар бум-бўш.  
Эшитилмас бирор бир нафас.

Нафас тинган. Қолгандир шафқат.  
Видо қолган. Тингандир юрак.  
Билмай қайга қўнмоқни фақат  
Жангтоҳ узра учар капалак.

Марду номард мурдаси тўла  
Бу муқаддас, қон шимган дала  
Аро ханжар кўксида ётар  
Ватан учун жон берган бола.

Қони қотиб ерга ёпишган,  
Уни ердан бўлмайти узиб.  
Унинг очиқ қолган кўзида  
Оқ булутлар ўтади сузиб.

1983

## БАҲОР КАПАЛАКЛАРИ

### 1

Ол чечаклар уйғонган чоқда  
Капалакка айланган қалбим,  
Учиб юрар яшил ўтлоқда  
Болаларнинг қўшиги каби.

### 2

Эрта тонгда бизларни қуёш  
Чорлар баҳор қучоғи томон.  
Унут бўлар алам ва кўзёш,  
Жо бўлади дилимга осмон.

### 3

Гуллар чала бошлар қўнгироқ,  
Бу сас дилни қитиқлаб учар.  
Олисларда қуш сайраган бог —  
Болалигим ёдимга тушар.

Юлдузларни оралаб учар  
 Капалагим — порлоқ тўлин ой.  
 Уйқусираб қичқирар қушлар,  
 Фақат бедор шарқирайди сой.

1986

## ИККИ ҚЎШИҚ

### 1

Бу дунёда айри бизлар,  
 Мен куздирман, сен — баҳор —  
 Ўртамизда ётар музлар,  
 Ўртамизда қорлар бор.

Бу дунёда айри бизлар,  
 Сен қувончсан, мен — алам.  
 Ўртамизда булбул сўзлар,  
 Куйи гоҳ бахт, гоҳо ғам.

Бу дунёда айри бизлар,  
 Мен — чинор, сен — мажнунтол.  
 Япрогимиз тинмай узар  
 Хат ташувчи — шўх шамол.

Бу дунёда айри бизлар,  
 Сен ҳилолсан, мен — қуёш.  
 Ўртамизда тунлар сўзар,  
 Шабнам — ошиқ тўккан ёш.

Бу дунёда айри бизлар,  
 Гарчи ошиқ ва шайдо.  
 Аммо оҳанг ва шеър каби  
 Сен меңда, мен сенда жо.

### 2

Ой юзинг акс этмайин  
 Бушаб қолди кўзим энди.  
 Икки қадам, уч қадаммас,  
 Орамиз хўб узун энди.

Жафо бўлди иккимизга,  
Маржон эдик, узилдик биз,  
Юк қушилди юкимизга,  
Карвон эдик, бузилдик биз.

Сўзим кўпу айтай десам,  
Йўқдир сенга сўзим энди.  
Икки қадам, уч қадаммас,  
Орамиз хўб узун энди.

Шамолларга сирим очдим,  
Тошга дўнди шамоллар ҳам.  
Хаёлларга сирим очдим,  
Ёшга чўмди хаёллар ҳам.

Сен ёқларга бегонаман,  
Бегонадир изим энди,  
Икки қадам, уч қадаммас,  
Орамиз хўб узун энди.

Баҳор келмас, хазон бўлмас,  
Юлдуз сўнмас самоларда,  
Вожиб бўлмас — умид йўқдир  
Биз бўзлаган дуоларда.

Сўзим кўпу айтай десам,  
Йўқдир сенга сўзим энди.  
«Мен севаман» деган сўздек  
Орамиз хўб узун энди.

1986

## ЮНУС ЭМРО ОҲАНГЛАРИДА

### 1

Аввал манам, охир манам,  
Ҳар жон ичида бор манам.  
Ёв чорласа, мен дўст бўлиб,  
Дўст сотса гар, ночор манам,

Агёр учун қилич манам,  
Дилдор учун севинч манам.



Бемор учун илинж манам,  
Гоҳ гиря, гоҳ алёр манам.

Гоҳо кезиб гуллар аро  
Соҳибдили дилдор манам.  
Гоҳо ёниб қуллар аро,  
О, ёздиги Ўтрор манам.

Тунлар самода ой бўлиб,  
Ой чўмилган бир сой бўлиб,  
Гоҳо фақир, гоҳ бой бўлиб,  
Диллар аро ашғор манам.

Карлар аро ҳофиз бўлиб,  
Кўрлар аро юлдуз бўлиб,  
Гунглар аро бир Сўз бўлиб  
Тақдири хўб душвор манам.

Ўлсам агар йиллар ўтиб,  
Тобутда жим ётсам қотиб,  
Ул тобутни даст тутиб  
Борган манам, хунхор манам.

## II

Ишқ бор, тириқдир жонимиз,  
Ишққа бахшида қонимиз,  
Ишқ — кечамиз, ишқ — тонгимиз,  
Ишқдир бизнинг султонимиз.

Ишқ бирла дил бийрон эрур,  
Ишқ бирла дил вайрон эрур,  
Ишқ бирла дил ҳайрон эрур,  
Ишқдир бизнинг султонимиз.

Ишқ бирла дил булбул бўлур,  
Қумлар аро бир гул бўлур,  
Дунё надир, бир пул бўлур,  
Ишқдир бизнинг султонимиз.

Қайгу надир, ёр севса бас,  
Дилдор ила кўшқдир қафас,  
Қайс мандайин севган эмас,  
Ишқдир бизнинг султонимиз.

Ишқ бирла кўнгил ёш бўлур,  
Дилга бахт йўлдош бўлур,  
Ишқ бўлмаса, дил тош бўлур,  
Ишқдир бизнинг султонимиз.

1986

\* \* \*

Кечаси... Олисда қичқирар бир қуш —  
Бўғзидан чиқиб тун қулфларин очар  
Бир олов... Кўзлари қамашаркан, туш  
Ёшарган юзларни қаритиб қочар.

Кечаси олисда қичқирар бир қуш —  
Юлдузлар тўкилар кўзлар қаърига.  
Бу олов тиллари таратган товуш  
Ўхшайди зобитнинг совуқ қаҳрига.

Англамоқ оғирдир кеча сўзини,  
У кимни чақирар кундуз ичидан,  
У кимга бермоқчи, ахир, ўзини —  
Сув ичирган каби бўш ҳовучидан.

Ҳей, кўксим асири, қушча, алданма,  
Бу олов ўзгадир,  
Бу сас ўзгадир.  
Сен уни тинглама, унга тиланма,  
Сен қора дунёни чиқиб ўзгартир.

1986

\* \* \*

Дала...  
Ҳоргин бўз туман  
Сузиб юради  
Жарликларнинг ичида  
Қалқиб туради.

Юзиб чиқиб тумандан  
Дарахт турар ҳўл.  
Ўтиб борар даладан  
Тоғлар томон йўл.

Унда — жуда узоқда  
Қорлар буралар,  
Асрий тоғлар елкаси  
Тўнга ўралар.

Мен далада турганча  
Сезаман бу он:  
Тоғлар аро бу кеча  
Уйғонар бўрон.

Сўзлашгим келар менинг  
Бўрон ила шўх.  
Осмонлари очиқ қалбимнинг,  
Унда қўрқув йўқ!

1986

### БОЛАЛИҚДАН БИР ЛАВҲА

Деразадан кўринар боғлар —  
Куча совуқ, ёнар ичимиз.  
Мен ўн бирда. Ҳали Ойбекни  
Ўқитмаган ўқитувчимиз.  
Синф жим-жит. Қари муаллим  
Китобдан бош кўтармай ўқир,  
Аммо уни уқмайди қалбим,  
Юрагимда Ойбек шеър тўқир:  
«Қиш кечаси гувиллар шамол,  
Далада қор, қуш инида қор.  
Инграр оғриқ каби қари тол,  
Ойналарни безар қиш — гулкор».  
Муаллим бош кўтарар ҳайрон,  
Сўнг ўрнидан турар шиддаткор,  
Деразани зарб билан очиб  
Бизга қараб шивирлайди: — Қор!..

1986

\* \* \*

*«...Кийикларни чорланг, йиғлатинг»*

Олтинкўл битиктошидаги ёзув

Олтинкўлда бир битиктош бор,  
Кўрмаганман уни ҳеч қачон.

- Битигидан бўлиб хабардор  
Зирқирайди ҳамон тилсиз жон.

Мен билмайман унда ким ётар:  
Ўғлонми ё мункайган бир чол?  
Қуршаб олган заъфарон ўтлар,  
Сомонларин силайди шамол.

Гар бу тошда ўйилган сўзга  
Тенг келгувчи Сўзни топардим,  
Мен армонсиз, ёш олмай кўзга  
Бу дунёдан ўтиб кетардим...

1986

### ВЕРЕШЧАГИН

Сатанг хонимларнинг давраси аро  
У олис Туркистон эртагин сўзлар.  
Теграда шукуҳли, бегам бир садо,  
Башанг қувончларга ўрганган кўзлар.

У сўйлар Тошканду Жиззах, Самарқанд  
Пойида қандай жон берганин сартлар.  
Қувончдан шивирлар: (Хонимлар тингланг!)  
«Эҳ, бизнинг солдатлар, чинакам мардлар!»

Кўп йиллар ўтади, англар бир куни  
Бошқача сўзлаши керак эди у  
Ва ўша бешафқат лаҳзадан уни  
Тарк этмас ҳеч қачон ярадор қайғу.

Ахир, ёдида-ку: Тошканд ёнида  
Сармаст казакларни жарга бошлашар...  
Гўдакка ўқ уза олмаган битта  
Ёшгина солдатни чопиб ташлашар.

Бешафқат ҳақиқат қайтади қалбга,  
У шунда англайди, англатар ранглар;  
Милтиқ ўқталганлар — бошқа Россия,  
Бошқа Россиядир ўқ узмаганлар.

Кўзларин олдида қотар абадий:  
(бу балки виждоннинг ўлмас муждаси)

Милтиқлар тигига санчилган митти —  
Қонларга бўялган гўдак мурдаси.

Балки шунинг учун тунлар Исога  
Ёлвориб, сизиниб, ёш тўлиб кўзга,  
Уруш майдонларин эгаллаб олган  
Кўзгунлар тўдасин чизар у бўзга.

Қонли кунлар ҳаққи энди у бедор,  
Кўзини юмишга қўрқади, ҳайҳот.  
Тигларга санчилган гўдаклар такрор  
Қичқирар кўзини юмгани заҳот.

Уша кунлар ҳаққи, қўрқув, гам ичра  
Зулмат бандалари қилган шум, басир,  
Қонли гуноҳларни жон чиқаргача  
Юволмай дунёдан ўтди мусаввир.

1982

#### ОСМОНДА БИР ПИЧОҚ УЧИБ ЮРИБДИ

Осмонда бир пичоқ учиб юрибди —  
Булултарни кесар — булултар ўлмас,  
Нурларни кесади — нурлар кесилмас,  
Осмонда бир пичоқ учиб юрибди.

Ёғдулар, булултар  
Кўкда оқарлар...  
«Осмонда бир пичоқ учиб юрибди?!»  
«Осмонда бир пичоқ учиб юрибди!» —  
Ёқаларин ушлаб унга боқарлар.

Бу пичоқ шоирнинг қанотин қирққан —  
Шундан учиб юрар осмонда ўзи,  
Осмонда бир пичоқ учиб юрибди —  
Кимнидир аланглаб излайди кўзи...

1986

\*\*\*

Бу одам уйида китоб асрамас,  
Чунки у китобдан жуда қўрқади.  
Бу одам китобнинг ўзидан эмас,  
Китобда битилган Сўздан қўрқади.

Ҳамон тирноғининг остида лов-лов  
Ёнган китобларнинг қора кули бор.  
Қўлин иситади ҳамон ул олов —  
О, қандай ёқимли бу илиқ губор.

Аммо ярим тунда,  
Осмонда шодмон  
Ой ўлчаб юрганда ерни қаричлаб,  
Бола-чақасидан яширин, пинҳон,  
Қўшқават эшикни занжирлаб, зичлаб,

Варақлари куйган китобни олиб  
Уқийди — кўзидан ёш оқа бошлар  
Ва ҳасад тошлари бўғзига тўлиб  
Уқиган варагин оловга ташлар.

1986

\*\*\*

Бу ерда кўп узоқ йиллардан буён  
Уруш бўлмаган — тинч, сокин қишлоқлар.  
Бу ерда кўп вақтдир тўкилмаган қон,  
Тинчликда яшайди бунда қашшоқлар.

Бунда куз келганда, тайёра саси  
Келаркан, оталар боласин қучиб,  
Панага қочмайди тиниб нафаси,  
Парвоям қилмайди кўк чойни ичиб.

Бу ерда ўқ учмас,  
Бомба портламас —  
Аммо юракларда жўшар аламлар.  
Бу ерда ўқлардан ярадор бўлмай,  
Қонлари тўкилмай ўлар одамлар.

1986

ЭЙ, ТИЛИМ, ЭЙ, ЭЛИМ, ЭЙ, ОНА ТУПРОҚ

(Сонетлар туркуми)

1. МАҲМУД ҚОШҒАРИЙ

Дашту ёвшан иси анқиган тилим,  
Сени тинглаб дилда севги кучаюр,  
Сен борсан, ҳеч қачон ўлмагай элим,  
Сен борсан, ҳеч қачон кўздан йитмас нур.

Битиктошинг бўлай, бағримга ўйил,  
Ўйил, қонларимга докадай бўял.  
Қонларим бахш этсин сенга бийрон тил,  
Яловлар кўксимда товлансин ял-ял.

Сен ила йиглайин, сен ила кулай,  
Сен унут бўлмасанг, унут бўлмасман,  
Сен агар ўлмасанг, мен ҳам ўлмасман.

Гулга эгилгандек сенга эгилай,  
Чорласанг, чиқарман мамот жангига,  
Уйқашсан жангдаги тиг жарангига...

2. АЛИШЕР НАВОИЙ

Дил суви, кўзимни сўқир қилсанг ҳам,  
Дилимни кўр қилма, дунёни кўрай.  
Саҳродан ўтурман, ташна қилди гам,  
Олисдан бўлсаям дарёни кўрай.

Қачон жаҳонгирнинг муждаси ўлди,  
Қачон мушукларга айланди шерлар?  
Қачон аламлару дардларга тўлди  
Мен ҳали қогозга битмаган шеърлар?

Шафқат тиладиму тиг тутди қўлим!  
Жанггоҳга чиқдим ман — ишқ фуқароси,  
Кетсин, дедим, юртдан жаҳолат — ўлим.

Тилим, кўзим оқи, кўзим қароси,  
Сен белим мадори — ирғай ҳассамсан,  
Авлодларга мерос ўтли қиссамсан.

### 3. ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР

Сен борсан, чидайман дилим оҳига,  
Панипатмас, армон қўзгатар титроқ.  
Бир умр зордирман юртим хокига,  
Мени олиб кетгин, эй. она тупроқ.

Қайдадир ҳасратим битилган тош бор,  
Қайдадир бузилган хонақом бордир.  
Ул тош бардошимдир, ул тош ёшимдир,  
Хонақоҳ — бузилган она диёрдир.

Ўлим паймол этди дил ниятимни,  
Лекин дунёда сен борсан-ки, тилим,  
Умидим тириқдир, тириқдир дилим.

Алишардим бутун салтанатимни  
Юртимнинг бир чимдим хоку хасига,  
Туркистон боғларин хуш нафасига.

### 4. БОБОРАҲИМ МАШРАБ

Умримнинг йўлидир муҳаббат йўли,  
Ишқ тоти айирди мени ҳушимдан.  
Вужудим қафасдир, тақдирнинг қўли  
Айирди жонимдан — сайроқ қушимдан.

Ўпсам-ки, қонингга бўялсин лабим,  
Ўпсам-ки, ўлимнинг юзи оқарса.  
Эй, ишқим, сен эрксан, ёлғиз матлабим,  
Тигинг санч, яшайман тиг дилга кирса.

Бу недир, қани айт, дорми ё ёрнинг  
Бутзимни қисгувчи қора сочими?  
Ҳаёт — ишқ усти-ю, ўлим — ичими?

Ишқим берай, шудир дунёда борим,  
Эй, Маҳмуд Қатагон, эй, сен қаттол дор,  
Дунёда ўлиммас, абадият бор...

### 5. ТУРДИ ФАРОҒИЙ

Сени енголмади, қилмади абгор,  
Юрак, на сазойи, на тахт сояси.



Мен сени уйладим, эй она диёр,  
Сен булдинг, умримнинг асл гоёси.

Адашиб киргандек тўйга гирианда,  
Адашиб келдим мен қаттол замонга.  
О, қандай истадим, эркин парранда  
Каби учмоқликни ёруғ осмонга.

«Бирлашинг!» дедиму ютдим лахта қон,  
Кўзимни юдиму тилимни ютдим,  
Аммо, сен тилимни қайтардинг, юртим.

Мен сени севардим, ҳай, она макон,  
Шунданми ўладим, ҳамон ўлмайман,  
Ҳамон «бирлашинг!» деб элга сўйлайман.

## 6. НОДИРА

Алам тунларининг қонли зардоби  
Қора сочларимни бўяди оққа,  
Ёнганда ўлимнинг қора офтоби  
Мен фақат ишондим она тупроққа.

Ишондим умидим унитилмас деб,  
Дилимдан тилимга чиққан овозга.  
Тупроққа ишондим қолган шеъримни,  
Худди ишонгандек оппоқ қоғозга.

Совуқ қабр аро бағримни ўйиб  
Навбаҳор чоғида унди шеърларим —  
Менинг айтилмасдан қолган сирларим.

Ҳар баҳор осмонга боқурман тўйиб,  
Майсаларнинг кўзлари билан,  
Она тупроқ сўзлари билан.

## 7. ФУРҚАТ

Мен шуур деганим экан жар коми,  
Қўл чўздим, итарди «сарт» деб кўксимдан.  
Истибод бор нурни ичди кўзимдан —  
Фурқат — бу умрнинг қаро каломии...

Адашган ит каби заҳил тонгларда  
Кездим қувончларсиз, ҳасрат-аламсиз.

Ватан — қувонч эмас... Ёруғ дунёда  
Яшаб бўлмас экан аммо Ватансиз.

Отаси ўлганда ичиккан гўдак  
Кўзлари тўлгандек бесўз нидога,  
Қалбим тўлди: «Ватан» — деган садога.

Аммо орзуларим бўлди-ю эрмак,  
Қўл чўзсам, қўйдилар қўлларимга тош,  
Бу тошни эритди кўздан томган ёш...

#### 8. ОГАҲИЙ

Сени енгмоқликка бўлиб талабгор  
Неча ҳукмдорлар кек ила боқди.  
Неча бор кўксингни қилдилар абгор,  
Қогозгамас, ерга қонларинг оқди.

Сен эса ўлмадинг, айтмадинг видо,  
Тилингни кесдилар, ўйдилар кўзинг.  
Қайтиб келаверди мисли акс-садо,  
Эркин қуш сингари қанотли сўзинг.

Дилим, тилим, элим дарди овозим,  
Шу дардни чеқдиму бир қудрат топдим,  
Шу дардни чеқдиму муҳаббат топдим.

Кун келиб набирам қидирса сўзим,  
Қабримга келса гар адашиб, тентиб,  
«Кимсан?» деб сўраса, айтаман: «Сен!» — деб.

#### 9. АВАЗ УТАР УҒЛИ

Нур дея юмилган хира кўзларга  
Тунни кўрсатдилар: «Ана, тонг!» — дея,  
Нур излаб зулматдан чиққан сўзларга  
Занглаган кишанни этдилар ҳадя.

«Миллат» деб бўғилса кимки жонҳалак,  
Унга «жинни» дея тамга босдилар,  
«Бизга илм керак — кўзга нур керак!»  
Деганни аямай дорга осдилар.

Боболардан мерос муқаддас богни  
Минг бўлиб, тўқдилар лахта-лахта қон,

Донолар суҳбатин бошқарди нодон.

Ватанни, миллатни, дарёю тоғни  
Душманга сотдилар, фақат сотдилар,  
«Ҳурлик» деганларни эса отдилар...

#### 10. ЧЎЛПОН

Унут, тупурилган қутлуғ сўзларга  
Макон бўлган тупроқ аро мен борман.  
Бўғзимда қотган сўз, бўйнимда арқон,  
Бу арқон ёдгор мен осилган дордан.

Кўксимда — қўрғошин, қулоқда — симоб,  
Елкам — маматалоқ, калтак излари...  
Юракда муҳаббат, газаб, изтироб,  
Тилимда халқимнинг қутлуғ сўзлари.

Осмонда булутмас, йиртиб ташланган  
Менинг шеър дафтарим учиб бормоқда,  
Сўзлари тўкилиб она тупроққа...

Бу сўзлар таланган, ёнган, тишланган —  
Униб чиқар баҳор келса ҳар бир сўз:  
Бу — анғиз, бу — ялғиз, бу-чи, бўтақўз...

#### 11. УСМОН НОСИР

Сен ўзинг жон бердинг, ўзинг бердинг тан,  
Ўзгалар келтирди ўлимни фақат.  
Мен сени қизимдай севаман, Ватан,  
Ватаним, мен сенга қиламан шафқат.

Жуда оз яшадим, ҳаққим бор, сўрай:  
Яшаб улгурмаган кунларим ҳақи,  
Ўчимни, ишқимни, меҳримни берай  
Берай юрагимни сенга, эй, халқим!

Юракнинг покиза найи синмади,  
Сочилди безовта садо тўла байт,  
Ватан, юрагингни берақол, деб айт...

Бу юрак тинганмас, мангу тинмайди,  
Учишга талпинар у мисли учоқ,  
Фақат ушлаб турар қанотин пичоқ...

## 12. ОЙБЕК

Ноҳақ зарбалардан бўлдинг минг тилим,  
Ҳаётга қайтарди ям-яшил ўтлар.  
Йўлингни тўсмоқчи бўлди зобитлар,  
Сени енголмади хиёнат, дилим.

Тунлари юракни ҳовучлаган дам,  
Алам дафтаримга битганида шеър,  
Олис-олислардан келдилар пургам  
Таскин бермоқ учун ҳазрат Алишер.

Этакларин ўпдим шивирлаб: «Пирим...»  
Ва сездим билакда пайдо бўлди куч,  
Англадим, Сен бор-ки, бошқа нарса — пуч...

Шундан қоғоз ёнди — ёндирди шеърим...  
Куйди, кул бўлмади, чиқмади жоним,  
Ўчмади овозим, сўнмади қоним...

## 13. МИРТЕМИР

Ҳеч қачон ўлмайсан, ўлмайсан, тилим,  
Эрка шоирингнинг юрак сўзи бу.  
Сен деб яшайди-ку дунёда элим,  
Сен деб йиғлайди-ку, йиғласа Тошбу...

Бир пайтлар онам ўт ёққан ўчоқда  
Чўғни излагандек, дилим титаман.  
Мен сени туярман ҳар дам қучоқда,  
Сен мангу қоласан, мен-ку кетаман...

Йўқ, йўқ, алам чекмам, сен ҳам қайгурма,  
Ўлим нима бўпти — шундоқ бош узра  
Мажнунтол шовиллар — масту бокира.

Сен мени бекорга излаб ҳам юрма,  
Ҳув, анов болага сен ҳам бир қара,  
Тилини чиқариб қилар масхара...

## 14. МАҚСУД ШАЙХЗОДА

Токи тирик экан фарзандинг, Ватан,  
Улугбек юдузи токи осмонда —

Сен сохта ҳисларни олмагайсан тан,  
Ўзбек номи мангу яшар жаҳонда.

Навоий байтини эшитган ўзбек  
Етти юрт наридан йиглаб қайтади,  
Шунча жабр, зулм, изтироб оздек,  
Келиб Мирзо Бобур байтин айтади.

Бу қутлуг заминда жарангла, янгра,  
Қушигим, карнайим, гижжак, рубобим,  
Ҳасратим, қувончим, гам, изтиробим.

Дунёда бор бўлса неча хил ранглар  
Келсин, кўрсин, сенда юз карра кўпроқ...  
Эй, тилим, эй, элим, эй, она тупроқ...

1985

### ВАТАНИГА ҚУРБОНЛАР ҚАЙТСА

Ватанига қурбонлар қайтиб  
Қотиларга эълон қилса жанг,  
Қурбонларнинг номини айтиб,  
Қотиларнинг номин яширманг.

«Сен ким билан?» сўраса давр,  
«Сен ким билан?» сўраса йиллар,  
Жавоб беринг қурқмай бирма-бир,  
Тошдек қотиб қолмасин тиллар.

Улар келар йироқ-йироқдан,  
Занг чалганча қўл кишанлари,  
Уларни «Халқ душмани» дея  
Ўлдирганди халқ душманлари.

Қотиларнинг остонасида  
Кишанларни битталаб узинг,  
Фароғатда ётган нокаслар  
Оромини аямай бузинг.

Халқ номидан ким ҳукм этган  
Халқ ҳам билсин,  
халқ ҳам англасин.

Ё у ёлгон, қора бўҳтонни,  
Ёки Чулпон шеърин тингласин.

Гар айтмасак қотиллар номин  
Эрта уят, гамдан ўламиз,  
Қотилларнинг жиноятига  
Биз ҳаммамиз шерик бўламиз.

Гар айтмасак қотиллар номин,  
Соқов каби жим юраверсак,  
Гар унутсак қурбонлар қонин,  
Юзимизни улардан бурсак,

Кун келади, қаттол кун келар  
Юз ўтирар биздан болалар,  
Ва «Қотил» деб, «Сотқин» деб бизни —  
Ҳа, бизларни кўрсатар улар.

Китоб этинг Чулпон шеърларин —  
Қотилларга ҳукм шу бўлур.  
Асл шеърлар, ҳақиқий шеърлар  
Айтилганда ёлгонлар ўлур.

НКВД қоғозларини  
Титиб чиқинг, топиб қайтаринг  
Усмон Носир овозларини,  
Домла Фитрат баёзларини.

Қодирийнинг терговчиларин  
Айтиб беринг номма-ном халққа,  
Йиқинг ёлгон тирговичларин,  
Токи халқим етишсин ҳаққа.

Токи силқиб куймасин багир,  
Токи шодмон кутайлик тонгни,  
Токи олиб бормайлик, ахир,  
Келажакка қонни, ёлгонни.

1986

\* \* \*

Гўё чегарасиз,  
Бепоён қумда  
Адашиб юргандек кўзи кўр гадо,

Бир фикр йўл излаб  
Юрар онгимда —  
У мени бир куни қилади адо.

Адо бўлгунимча  
Уни ўйлайман,  
Адо бўлгунимча уни сўйлайман.  
Уни қулоғи кар  
Одамлар аро  
Ҳар куни энтикиб, бўзлаб куйлайман.

Сўйласам азобдир,  
Сўйламасам — ғам,  
Ярадек эслатар ўйламасам ҳам.  
Тонгда қулоғи кар  
Одамлар келиб  
Чайқалиб туришар куйламасам ҳам...

1986

## ГУЛ ҲАҚИДА ҚЎШИҚ

*(Николас Гильен мавзuida)*

Биласизми, баъзан тунлари  
согинаман сизни жудаям...  
Истайман мен шунда:  
Тун каби  
Сизни маҳкам бағримга боссам.

Истайман мен: томчи  
ёш бўлиб  
Юзингиздан ўтсам сирғалиб.  
Рашк қиламан сизни: қанчалар  
Чиройингиз очар сирғалар.

Шамол сочган сочларингизнинг  
Оловида кетсайдим куйиб.  
Кечалари босиб бағримга,  
Умр қисқа эканин туйиб —

Далли, телба бўлгим келади  
Ишқингиздан, ҳасратингиздан.

Ва соғинчдан ўлгим келади  
Кўзим узмай суратингиздан.

Бола бўлиб қолсаму сизни  
Йиғлай дейман маҳкам қучоқлаб,  
Ўлгим,  
Ўлгим,  
Ўлгим келади  
Ўз-ўзимни тиглаб, пичоқлаб.

Қонимдан-да бир гул ундириб  
(Баҳорнингмас, бўлсин кузники)  
Шивирлагим келади аста:  
«Олинг, олинг...  
Бу гул сизники!..»

1986

\* \* \*

— Бунча қўрқоқ бўлмасанг, дўстим?  
— Нетай, ахир, мен эркисиз ўсдим.

— Нега ёлгон сўзлайсан, айтгин?  
— Хўрлаганлар болалик пайтим.

— Болаларинг сотарсан нечун?  
— Отам мени сотгани учун.

— Нега сен воз кечдинг элингдан?  
— Айирганлар она тилимдан!..

1987

\* \* \*

Тарихда  
Келажак кунлар яширин,  
Қайтган сайин ўтган кунларга  
Келажакка яқинлашарсан...

Имонда  
Дилларнинг қудрати пинҳон,  
Бу қудрат Мақдуний қиличи каби  
Тугунларни кесар беомон...



Одамда жо эрур  
Бу сирли олам,  
Дувёни забт этгани сайин  
Ўз дилини йўқотар одам...

1987

\* \* \*

Сиз учун Ватан йўқ...  
Ватан йўқ... Ватан йўқ...  
Яшайсиз доим шўх,  
Нафс оч, қорин тўқ.

Элик йил, олтмиш йил  
Орадан кетсаям,  
Ҳаттоки тоғларнинг  
Яраси битсаям.

Сиз ҳамон ҳаётсиз,  
Сиз ҳамон бахтлисиз,  
Сиз ҳамон озодсиз,  
Сиз ҳамон тахтлисиз!

Ва ҳамон китоблар  
Оқмоқда дарёда,  
Отадан тонмоқда  
Болалар дунёда.

Кўзи кўр болалар  
Топтайди китобни —  
Кўзини очгувчи  
Муқаддас офтобни.

Имон йўқ дилларда,  
Жаҳолат, куфр бор.  
Пичоқсиз қўллардан  
Қон оқар шашқатор.

Эрк нима? Жавоб йўқ,  
Қорин тўқ, дил беғам.  
Қорни тўқ қўллардан  
Қўрқмайди аёл ҳам.

Чирийдди зах тортиб  
Қадимий қўлёзма.  
Қул билмас: кўтарар  
Қаддини қўлёзма.

Қул билмас, кўзини  
Очади шу сўзлар,  
Тафаккур исини  
Сочади шу сўзлар.

Шу сўзлар жангларга  
Бошлагай уларни —  
Шу сўзлар қайтарар  
Ватанга қулларни.

Ватанга қайтганлар  
Қуликни тан олмас.  
«Эрк» болин тотганлар  
Ҳеч қачон қул бўлмас.

Қул бўлмас ҳеч қачон  
Жаҳолат, хўрликка:  
Ҳеч кимга ишонманг,  
Ишонинг ҳурликка!

1987

\* \* \*

Ҳали қиш келмаган менинг боғимга,  
Ҳали куз ҳукмрон. Боғим сап-сариқ.  
Анор арқон билан маҳкам боғланган,  
Хазонлар остида жилдирар ариқ.

Кейин қиш келади. Гупиллайди қор.  
Боққаям чиқмайман, бироқ чиқсам ҳам  
Мен уни сезмайман,  
Фақат мафтункор  
Қор менинг кўнглимни қилади хуррам.

Кейин-чи бутунлай эсдан чиқар боғ,  
Гуё боғим йўқдек... Аммо бир куни  
Бир қушча чирқиллар тонг чоғи титроқ,  
Бир қушча боғимга чақирар мени.

Мен ҳайрон қоламан. Ҳайрон қоламан,  
Богимнинг олдида тураман узоқ —  
Ва бирдан титрайман, билиб оламан:  
Мени унутмаган бир лаҳзаям бог.

1987

\* \* \*

«Қандай огир сиздан айрилмоқ!»  
Жилмаясиз, кўзимга боқиб.  
Тоқатимни қилдингиз-ку тоқ,  
Эрмак учун қалбимни ёқиб.

Мен бамисли қора қоғоздай  
Сўзингизни дилга ўткардим,  
Шунча қайгу ва азоб оздай  
Тушларимда сизни ўпардим.

Ўнгимдаги аламлар камдек  
Тушларимда ўйлардим сизни,  
Кўкрагимда бамисли ғамдек  
Об юраман суратингизни.

Ва дўстларим устимдан кулиб,  
Ачинганда менга душманам,  
Сизни кўрсам, ёдга тушарди  
Қўлимдаги қулфсиз кишаним.

Кечалари термилиб кўкка  
Излаганда юлдузингизни,  
Мен кўраман ғамгин юракка  
Қамаб кетган шўх кўзингизни.

Эрмак учун қалбимни ёқиб  
Тоқатимни қилдингиз-ку тоқ,  
Шивирлайсиз кўзимга боқиб:  
«Қандай огир сиздан айрилмоқ!»

1987

\* \* \*

Қадим қурғон харобасини  
Кеза-кеза чарчадим, толдим  
Ва тупроқнинг ичидан қадим  
Бир ханжарни мен топиб олдим.

Занглаб кетган тигидан тупроқ  
Кетсин, дея силтаганим он,  
Вужудимда қўзғатиб титроқ,  
Ерга томди уч-тўрт томчи қон.

1987

\* \* \*

Бу, жужуқ қизалоқ  
Куйлаги эмас,  
Ҳилпираган  
Ям-яшил байроқ.  
Аммо байроқ остида  
Ҳеч ким йўқ эди —  
Қизалоқ куйлаги  
Ҳилпирар эди.

1987

\* \* \*

Болалар капалакмас,  
Болалар гиёҳ эмас,  
Қуш эмас — ўзини ҳимоя қила олмаган.  
Болалар ханжардир,  
Қилич булар келажакда.  
Болалар байроқдир,  
Ёйилиб, очилиб ҳилпирар ҳали.  
Болалар ўч эрур,  
Улар дунёдан  
Барча гуноҳларнинг учини олар.  
Худди иддиз қолгани каби  
Кузда гулларга,  
Қувонч қолмас,  
Изтироблар қолар уларга...

1987

\* \* \*

Сен келган кун  
Юрагимда бир гул унади,  
Сочи ёзиқ савр ҳилоли  
Гул баргида келиб тунайди.  
Сен келган кун  
Байрам бошланар  
«Кўклам» аталган  
Ва қушчалар  
Кўкрак аталган  
Қафасларга кирар бемалол...  
Сен келган кун  
Гул исли шамол  
Капалак қанотин туғдек силкитар  
Кириб келган гуллар устида...

1987

\* \* \*

Болта ятилмайди  
Завқдан маст, карахт.  
Гурсиллаб қулайди  
Заминга дарахт.

Кесилган дарахтлар  
Сўлмоқда боғда,  
Барг чиқара бошлар  
Чарчаган болта.

1987

\* \* \*

Бир гўзал аёлга  
«Севаман» дедим —  
Тошлар уйғонди.

Бир жабр кўрганга  
«Дўстимсан» дедим —  
Тоғлар уйғонди.

Бир жужуқ етимнинг  
Куз ёшин артдим —  
Дунё уйғонди.

1987

Воҳ, умримиз бекорга ўтди,  
 Тутилгандан алдандик фақат.  
 Энди билсак, ҳамма нарса пуч:  
 На ҳақиқат,  
 На эрк,  
 На шафқат...

Болаликдан билиш шарт бўлган  
 Нарсаларни қаригач билдик.  
 Энди дилда туйгулар ўлган,  
 Ўлгач, умр сўнгтига келдик.

Бир зўр шоир айтгани каби  
 Уй тиклаймиз дея пурвиқор,  
 Қамоқхона тикламоқ билан  
 Ўтказибмиз умрни бекор.

Биз чарчадик ҳеч нима қилмай,  
 Жангга кирмай биз мағлуб бўлдик.  
 Бирор марта қувончдан кулмай,  
 Бирор марта севмасдан ўлдик.

1987

## БОБОН БОТИРНИНГ ЎЛИМИ ОЛДИДАН

### АЙТГАНЛАРИ. 1869 ЙИЛ.

Демак ҳали кун кун эмас,  
 Қуёш эса қуёшмас,  
 Кузларимиз қуриб битди,  
 Куздан оққан кўёшмас.

Демак ҳали халқ ҳам халқмас,  
 Эрк учун шайланмаса,  
 Демак ҳали сут ҳам ҳақмас,  
 Гар қонга айланмаса.

Демак ҳали осмон узоқ,  
 Замин қаттиқ, сув — олов.  
 Демак ҳали қонимизга  
 Буялмаган оқ ялов.

Демак ҳали мусаввир кўр,  
Олим соқов, шоир кар,  
Бобо қўрқоқ, ота сотқин,  
Она золим, ака гар.

Демак ҳали сўз — фоҳиша,  
Имон йўқдир, дил вайрон.  
Кўз — ёгдуси ўчган шиша,  
Алдоқлардан эл ҳайрон.

Демак ҳали тўлқинлари  
Гувлаб ётган сойлармас,  
Қуриб битар бу ўлкада  
Ҳар бир гиёҳ, ҳар бир хас.

Демак ҳали тугилмаган  
Болалар ўлдирилар,  
Қуриб қолган сувсиз денгиз  
Мурдага тўлдирилар.

Демак суви заҳарланар,  
Ҳаволари ичилар.  
Оналари таҳқирланар,  
Эркаклари бичилар.

Демак ҳали боболарнинг  
Китоблари хор бўлгай,  
Ўлаётган ҳар бир ўзбек  
Бир-бирига зор бўлгай.

Демак ҳали ўз юртида  
Азобларга тўлар халқ,  
Ҳар зарраси олтин бўлган  
Юртда гадо бўлар халқ.

Демак ҳали пахта кетган  
Ўлкаларни сўроқлаб,  
Ёлворамиз: — Пахта беринг,  
Тўқиш учун байроқлар!

Демак ҳали келажақдан  
Ўлдирилган болалар  
Бизни излаб келажақлар  
Ва ер қонга бўялар.

Демак ҳали...  
Демак ҳали...  
Демак ҳали кеч эмас,  
Қонимизни тўксак, яшнар  
Қуриётган ҳар бир хас.

Демак ҳали жанглар бордир,  
Худо шоҳид, сўзим ҳақ:  
Денгиз, боғлар кўтариламас,  
Кўтариламас экан халқ.

Демак ҳали ҳар томчи қон  
Ер кўксига тафт бўлгай,  
Тирик қолган гўдак мушти  
Элга қалқон-кафт бўлгай.

Демак ҳали...  
Ҳали эрта —  
Зулм йўлин тўсайлик,  
Тоғлар бўлиб юксалайлик,  
Боғлар бўлиб ўсайлик.

Демак ҳали кўчаларга  
Чиқайлик кеч бўлмасдан,  
Она юртни сақлаб бўлмас  
Жанггоҳларда ўлмасдан.

1987

\* \* \*

Намозни ёв ўлдирган тунда  
Етти юлдуз сўнди осмонда.  
Намозни ёв ўлдирган тунда  
Қонга ботиб кун балқди тонгда.  
Намозни ёв ўлдирган тунда  
Амир сутдек ошпоқ тўшақда  
Қиз маммасин сўриб ётарди,  
Кўқда мунгли ҳилол ёнарди.  
Намозни ёв ўлдирган тунда —  
Чойхонада ош еб, бўкканча,  
Гуручларни ҳарён тўкканча —  
Пишиллаб ухларди қишлоқлар —  
Намозни ёв ўлдирган тунда.  
Намозни ёв ўлдирган тунда —



Ухлаб ётган ота-онанинг  
Уртасида турган бешиқда  
Чақалоқлар йиғлаб юборди —  
Гуё бир халқ тунги суқмоқдан  
Кишанлари жаранглаб ўтди.  
Ва оналар кўксини тутгач  
Жужуқлар сут эма бошлар он,  
Ҳар қултумга қўшилиб турди  
Эр кўксидан томчилаган қон.  
Бу дунёдан кетганда Намоз  
Бизга мерос қолганди қасос.

1985

### АММО МЕНГА ДУЧ КЕЛДИ ФАҚАТ

— Йўқ, — дедим, — йўқ,  
Чидашим қийин —  
Ерда гам кўп, ерда кўп фироқ.  
Учиб кетдим осмонга кейин,  
Ҳасратлардан бўлай деб йироқ.

Учай, дедим,  
Куч берар, дедим,  
Юрагимга самовий тушлар,  
Аммо менга дуч келди фақат  
Кўзи ёшга лим тўла қушлар.

1987

### ЖУДА ЭРТА БИЛДИК

Жуда эрта билдик қатагон  
Нималарга қодир бўлишин,  
Агар ишқ деб ёнмас экан қон  
Ҳар қандайин юрак ўлишин.

Жуда эрта билдик: одамни  
Бадном қилмоқ осон иш экан,  
Жуда эрта билдик: оламни  
Худди гулдек қуршаркан тикан.

Жуда эрта англадик: шуҳрат  
Тавозе-ю, қуллуқ эканин,

Чин шоирлик фақат Ватанга,  
Халққа, эрка куллик эканин.

Жудаям кеч англадик: сўзни  
Юрак ёрдек суйиши керак.  
Ҳар бир лаҳза абадияти  
Учун юрак куйиши керак.

Жудаям кеч англадик, бизлар:  
Энг даҳшати эмаскан ўлим.  
Энг даҳшати, сен битган сўзлар  
Ёритмаса одамлар дилин.

Энг даҳшати, ҳар битта сўзинг  
Уйғотмаса мудроқ ҳисларни,  
Ўлмай туриб, халқинг унутса  
Сен қогозга битган сўзларни.

Энг даҳшати, номим абадий  
Қолсин, дея қанча тиришсанг,  
Шунча тезроқ унутаркан халқ,  
Унутмаскан, фақат курашсанг.

Унутмаскан,  
Сўзларни эмас —  
Дардларингни дилларга сочсанг.  
Ҳар бир шеърда тутқун қушчанинг  
Музлаб ётган қанотин очсанг...

1987

## ШОИР, ҚУШ ВА ҚИШ

Кимсасиз боғ,  
Қорга чўмган боғ,  
Деразадан қарасам — оппоқ...  
«Чирқ-чирқ» этар  
Қайдадир бир қуш —  
Дилим бежо қилар бу товуш.

Ташқарига  
Чиқиб боқаман —  
Боғим бўм-бўш, бўм-бўшидир само.  
«Чирқ-чирқ» этар

Қайдадир бир қуш —  
Кузларимга кўринмас, аммо.

Қайта-қайта  
Чиқаман яна,  
«Чирқ-чирқ» этар қайдадир бир қуш.  
Чорбоғ совуқ,  
Совуқдир хона,  
Бу йил жуда совуқ келди қиш.

«Чирқ-чирқ» этиб  
Янграб маънос сас  
Ва кўксимда уйғонар титроқ.  
Мен совуқдан  
«Қалт-қалт» титрайман,  
Ёполмайман эшикни бироқ...

1987

## ҚОДИРИЙНИ ОЛИБ КЕТГАНЛАРИ ҲАҚИДА ШЕЪР

Кимсасиз, тинч боғ четидаги  
Ўриндиққа ўтирган бу чол,  
Кўксидаги — сир ичидаги  
Сирларини очди мисли фол:

«...Қишми, ёзми, ёки кузмиди —  
Эсимда йўқ, фақат ёдимда:  
Икки девдек йигит турарди  
Қодирийнинг икки ёнида.

Унинг сўзи битик қоғозлар  
Учиб юрар эди осмонда,  
Таратарди ажиб овозлар,  
Уйғотарди қўрқувни қонда.

Ортада қолиб борарди Тошканд,  
Маҳбус унга маънос боқарди —  
Самарқандни ташлаб кетаётган  
Бобур каби ранги оқарди.

Панжаранинг орқасидан у  
Кўрарди: куз, ёз, қиш ва баҳор...

Дарахтларда бўртарди туйгу,  
Хазон учар, ёгиларди қор.

Унинг кўзи осмонга қараб  
Кимнидир жим сиқтаб чақирди,  
Самарқандни ташлаб кетаётган  
Бобур кўзи каби боқарди.

«Нон» деб ёзув битилган мошин  
Туйнутидан унинг кўзлари  
Бу дунёда ҳурлик ва Ватан  
Буюк бахтдир, дея сўзларди.

«Ўтган кунлар» варақларини  
Шундан кейин ўқиди олов,  
Шундан буён олов телбадир,  
Ялов бўлай, дер энди, ялов!»

Чол шундай деб бошини эгди.  
Деди: «Қандай одамлар ўтган!»  
Сўнг у маъюс кўзини тикди  
Яшнаб турган бир тутам ўтга.

Яшил эди, ёш эди бу ўт,  
Ўйнашарди баргларида нур.  
Балки бу ўт «Ўтган кунлар»нинг  
Ёниб кетган варағи эрур.

Мен жим эдим: оғрирди кўксим,  
Теграмда-чи: ёз, куз, қиш, баҳор...  
Дарахтларда бўртарди куртак,  
Хазон учар, бўраларди қор.

Кўкка боқсам: осмон йўқ эди,  
Ер йўқ эди ўрнимдан турсам.  
Бир ўқ мени таъқиб қиларди  
Ўша кунни қаёққа борсам.

Кўкрагимни тутмоқчи бўлиб  
Йўлин тўссам, тўхтар эди у.  
Шивирлардим қайгуга тўлиб:  
«Бу дунёга қайтмас энди у!»

Шивирлардим дилимда алам,  
Боқиб ўша... ўша Тошкандга  
Ва осмондан кимдир ушбу дам  
Маҳзун боқиб турарди менга...

1987

### ЖАНГЧИ ҲАҚИДА РИВОЯТ

Ёв лашкари қадим тепадан  
Ўққа тутар экан шаҳарни,  
Жангчи қулаб тушди жанггоҳда  
Қонга бўяб яшил утларни.

Кўзи хира тортиб борарди  
Айри тушиб ёруғ оламдан.  
Шунда кимдир эгилиб деди:  
— Ўғлим, тургин, бу мен — онангман!

Қора тортиб бормоқда само,  
Тургин, ёвдан айлагин халос.  
Жангчи жавоб бермади, аммо,  
Куч бермади унга бу овоз.

Хира кўздан чекинарди нур,  
Майсаларга оқар эди қон.  
Кимдир титраб шивирлади: — Тур!  
Мен ёрингман, бул менга қалқон!

Аммо совиб борарди сийна,  
Совир эди, совир эди тан.  
Кимдир унга эгилиб яна:  
— Тургин, — деди, — бу мен — отангман!

Ҳеч ким жавоб бермади унга...  
Жангчи сўнг бор очаркан кўзин,  
Сўнгги марта боқаркан кунга,  
Бирдан туйди ўглининг сўзин:

— Ота, сағир қолишим эмас,  
Қўрқув эмас — дилни қийнаган.  
Ҳали ёшман, ҳали вужудим  
Ҳатто бир бор совут киймаган.

Ҳали қўлда қилич дастасин  
Маҳкам қисиб елмадим отда.  
Ҳали бир бор ўлим нафасин  
Туймаганман юзимда, ота.

Тургин, ота, қара, нақ туман  
Душман келар сарҳадма-сарҳад.  
Сен кетишдан олдин халқ, Ватан  
Учун жангга кирмоқни ўргат...

Шунда жанггоҳ узра қоп-қора  
Булутларни шамол чорлади.  
Улар кетиб, борлиқда яна  
Қуёшнинг шан нури порлади.

Яна тиниқ тортди ҳар сарҳад,  
Тиниқ тортди душман галаси  
Топтаётган она тупроқнинг  
Майсалари, боғу даласи.

Жангчи — ота кўзини очди,  
Юрак тўлди яна нидога.  
У ўглини бошлаб, қиличин  
Балад тутиб кирди жанггоҳга.

1983

\* \* \*

Меҳрга зор гадога ўхшаб,  
Шаҳар кезиб дилхун ва тинсиз,  
Деразалар қошига келиб  
Узоқ қулоқ тутади денгиз.

Узоқ-узоқ қулоқ тутади  
Йиглармикан, дея одамлар,  
Дили ёниб, зор-зор кутади  
Кўзларида бўртиб аламлар.

Чарақларкан юдузлар кўкда,  
Сузаркан ой — ҳуснда тенгсиз,  
Йиглармикан юдузлар, дея  
Кўкка узоқ боқади денгиз.

Тилагандек осмондан ҳадя  
Булут қотса кўкда эпкинсиз,  
Йиғлармикан булутлар, дея  
Ёмғирларни кутади денгиз.

Ўтар экан тунги боғлардан  
Япроқларга қулогин тутар,  
Йиғлармикан, дея япроқлар  
Дарахтларга тикилиб кутар.

Билар: замон дийдаси қотган —  
Аммо ерга зулмат тушган кез  
Деразалар қошига келиб  
Ниманидир кутади денгиз...

1987

## САМАРҚАҢД

### 1. КУҢДУЗ

Кўчалари бир-бирин тинмай  
такрорлайди мисли акс-садо.  
Олислардан келган кемадай  
қалқиб турар Регистон танҳо.

Шу кемада келгандай, тушиб  
эмаклайди ташна тонготар.  
Унга асрий ўйларин қўшиб  
Тошҳовуз бир ҳовуч сув тутар.

Кўкда мовий дарё сузади,  
оқиб ётар мовий бир кадар,  
Алплар отган пўлат найзадек  
кўкка ботиб турар минорлар.

Олислардан келиб зиёрат  
қилган каби армон мозорин,  
Бибихоним масжида узра  
янграр Улуғ Қушлар Бозори.

Олиб чиқар нурга кўмилиб,  
боболарга қирқ қари зина

Ва эртакнинг нуқтаси бўлиб  
қотиб турар тунд Шоҳизинда.

Шоҳизинда қабрларида  
ухлаб ётар юз-юзлаб шаҳар.  
Бироқ, унда энди ҳеч қачон  
тун чўкмайди, оқармас саҳар.

## 2. ТУН

Юлдузларга боқиб сармаст  
шовиллайди чорбоғлари,  
Шаҳар томон оқиб тушар  
Афросиёб сўқмоқлари.

Улар ойдин, улар сархуш,  
ичгандек куз шаробидан,  
Ерга қўнар мисоли қуш  
хазонлар — ол, зардобиранг.

Мункиллаган кампирлар жим  
шам ёқади мозорларда,  
Саратоннинг иси ҳоким  
мудраб ётган бозорларда.

Ачиган май иси кезган  
ҳовлиларда шамол-дайди,  
Ниманидир гўё излаб  
хумлар гирдин айланади...

Ҳамма ухлар, фақат шамол  
дарахтларнинг сочин тарар.  
Ухламасдан қўриқлайди  
Самарқандни миноралар.

## 3. ТОНГ

Туш кўрдим мен бугун саҳарда —  
титраб ёниб дил ларзасидан,  
Кирармишман мовий шаҳарга  
мен Навбаҳор дарвозасидан.

Ва юлдузлар чанги қошланган  
майсаларнинг яшил қогозин



Ўқиб турсам, ернинг қаъридан  
янграг эмиш инсон овози:

— Мен опичлаб Афросиёбни  
олиб келдим, чиққин югуриб.  
Тушда кўриб ҳар кун офтобни  
сочим кетди қордек оқариб.

...Уйғондим чикдим кўчага —  
шаршарадек ойдин эди тун.  
Қиздек ухлаб ётган кечага  
мен меҳримни бердим ўша кун.

Кўзим тиниб осмонга боқдим,  
у шишадек порларди совуқ.  
Ёр яшаган равоқдан оқиб  
тушар эди пастга чирмовиқ.

Ва куз меҳри чуллаган боғда,  
она шаҳрим, сени ўйладим.  
Кекса боғлар уйғонган чоғда  
тонгга сингиб кетди ўйларим.

1980

\* \* \*

*Иккинчи жаҳон урушида бедарак*

*йўқолган Нуриддин тоғамга*

...Совуқ шамол мени қувади  
Сокин шаҳар кўчаларида,  
Қизлар эса мени севади  
Олис баҳор кечаларида.

Сизни суйган у қиз тирикми,  
Қийнайдим хотира расми?  
Тунлар унинг боши эгикми,  
Нуриддинми ўглининг исми?

1977

*Шухрат Абдурашид хотирасига*

Тўққиз йил орадан ўтди шамолдек,  
Тўққиз йил сен дилда маҳзун хаёлдек.

Баҳорлар келдилар, кузлар келдилар.  
Сени сўроқлаган сўзлар келдилар.

Ўтлар уйгондилар, сен уйгонмадинг,  
Наҳотки уйқуга, дўстим, қонмадинг?

Ўтлар чиқиб келди, чиқиб келмадинг,  
Бирга йиғламадинг, бирга кулмадинг.

Яна ўттиз йил, ё қирқ йил ўтади,  
Сен-ла туғилганлар мангу кетади.

Уларга изма-из мен ҳам кетарман,  
Югурмай, қошинга мен ҳам етарман.

Баҳорлар келарлар, кузлар келарлар,  
Бизни сўроқлаган сўзлар келарлар.

Ўтлар уйғонарлар, биз уйғонмаймиз,  
Мангулик уйқуга сира қонмаймиз.

Ўтлар чиқиб келар, бизлар келмаймиз,  
Невара исмини бизлар билмаймиз.

Аммо буюёқ бўлиб, бир кун қайтамиз,  
Шеър бўлиб мангулик сўзин айтамиз.

1987

Қулогимга  
Юксақдан такрор  
Қуюларкан безовта унлар,  
Мен қаламни  
Бекордан-бекор  
Пичоқ олиб йўнмадим тунлар.

Кўзларимга  
Ёш келса, пинҳон  
Рўмолчани олиб артмайман —  
Мен уларни  
Жанг байрогига  
Артмоқ учун дилда асрайман.

Мен шеъримни  
Бекордан-бекор  
Завқ берар деб мунглиг кўнглимга  
Ёзганим йўқ!  
Бобом сўзларин  
Етказайин дедим ўғлимга.

Шу сабабдан  
Юксақдан такрор  
Қуюларкан безовта унлар,  
Мен қаламни  
Қаламдай эмас,  
Қилич каби ушлайман тунлар...

1987

\* \* \*

Айтинг нима қилсин бу ночор одам?  
Бир сўз дейишгаям чораси етмас.  
Ёлгон сўзласа у — ҳамма фош этар,  
Тўғри сўзни айтса — ҳеч ким чидамас.

Нима қилсин, ахир — ёки то сўнги  
Куни келгунича жим яшасинми —  
Ҳақиқат топталган қадим юртдаги  
Шоирларга уям ё ўхшасинми?!

Айтаверсинми ё ҳақиқатни у,  
Номусу газабга тўлганча қалби —  
Ҳақиқат топталган ва қоп-қоронғу  
Юртнинг қад букмаган шоири каби?!

1987

## ЯНА ҰША КУНЛАР ҚАЙТАР ДЕБ

Яна ұша кунлар қайтар, деб  
Құрқитма, бас, жонимдан туйдим.  
Ҳамма құрқиб яшаган юртада  
Мен ҳеч кимдан құрқмасдан қуйдим.

Етар, етар, менга, ўғлимга  
Құрқувингни қолдирма мерос.  
Кўр ҳассасин тутма қўлимга,  
Дема: «Билиб қадамингни бос!»

Нақл этма қиргин-баротдан,  
Боқиб кўча-кўйга туйнуқдан  
Ва титраган қўлларинг билан  
Кўзларимни тўсма ёругдан.

Элим, десам, оғзимни ёпма,  
Тилим, десам, қочма ёнимдан.  
Дилим, десам, титрама, кўзинг  
Узмай дилдан оққан қонимдан.

Қурқма, ахир...  
Қурқув ариқдир —  
Ҳатлаб ўтмоқ гарчи кўп қийин —  
Дарёлардан ҳатлашинг мумкин  
Уни ҳатлаб ўтгандан кейин.

Ҳатла, бир дам бўлсин муаллақ  
Ер билан кўк аро юрагинг  
Ва ўша он англаб олгин сен  
Бу дунёга борми керагинг...

Фидомисан шу она халққа  
Ватан дея жангта кирганда —  
Ўйла шуни дилинг муаллақ  
Ер билан кўк аро турганда...

1987

## ЎРХУН-ЭНАСОЙ ТОШЛАРИ

Ўтлар ўқийвериб неча саргарган,  
Саводсиз ёмгирлар,  
Соқов бўронлар  
Ҳарфларин мангуга ўчирмоқ бўлган —  
Ҳар гал қутқаргандир қуёшли тонглар.

Улар бизни топиб келгунича то  
Кўрган неча тўфон,  
Босқину хатар —  
Ёзилмасдан қолган неча юз худо,  
Неча ботир номин унутган хатлар.

Тошлар эса қаттол, кўр асрларнинг  
Қонли йўлларидан келаверганлар,  
Мармардан тикланган чўнг қасрларни  
Емирган шамоллар елаверганлар.

Энди бу тошларга ўйиқ саволлар  
Бизни ўртаётир — совир дил қони:  
«Элим будун эрди,  
Элим энди қани?  
Ботирли будун эрди,  
Ботирлари қани?..»

1986

## ТАРОБИЙ МАҚБАРИН БУЗМАДИЛАР, ЙЎҚ...

Бухоро Аркимас қулаб тушган, бу —  
Бизнинг хотирамиз,  
Бизнинг ёдимиз.  
Бу қора зулматга қулаган ёғду,  
Вайрона остида бизлар ётибмиз.

Таробий мақбарин бузмадилар, йўқ,  
Имону номуснинг уйин буздилар.  
Буздилар исмсиз,  
Қоринлари тўқ,  
Ватансиз, онасиз қуллар буздилар.

Орол қуримоқда, дема, алдама,  
Айттин: — Қуримоқда юртимнинг боги!

Айтгин: — Чукаётир биз тушган кема!  
Ҳайқиргин: — Сунмоқда ҳурлик чироги!

Бу олам кар бўлгай менинг ноламдан,  
Бу нолам куйдиргай бутун оламини:  
— Она тарих, сенинг етим ноламанман,  
Шербудинни эмас, буздилар мани!

Мен тунлар фалакка  
Маъюс боқарман,  
Аламдан огриган дилим овутиб  
Ва шунда кесилиб кетган боғлардан  
Бир шамол эсади кўксим совутиб.

Шамолни қучоқлаб,  
Бағримга босиб  
Олис юлдузларга тикиламан зор,  
Фалак — орзуларим  
Бир-бир кўмилган  
Ҳар орзум бошида шам ёнган мозор.

Бухоро Аркимас қулаб тушган, бу —  
Бизнинг имонимиз,  
Бизнинг ўзимиз,  
Бу жону қонимизда сарғайган орзу,  
Бу ўйиб ташланган бизнинг кўзимиз.

Муқаддас хоклари чангдай тўздилар  
Бузганда боболар мақбарасини,  
Буздилар, буздилар,  
Фақат буздилар —  
Тинимсиз тилдилар дил ярасини.

Орол қуримоқда, дема, алдама,  
Айтгин: — Қуримоқда имоннинг боғи.  
Айтгин: — Чукаётир биз тушган кема,  
Ҳайқиргин: — Сунмоқда ҳаёт чироги!..

Мен баъзан имондек тоза қоғозга  
Боққан пайт битай деб ҳасрат сўзини,  
Даҳшатта тушаман кўриб ўғлимнинг  
Минг битта сўроққа тўла кўзини.

Мен уни нима деб,  
Ахир, алдайман?

Нега? Нега алдай, ахир, мен уни?  
Тилимга ұзга сўз келмаса, нетай,  
Нетай шивирласам: «Буздилар мени!».

Ўғлим, қўлларингни бергин, бир кўрай,  
Сенинг қўлларингда нажотни кўрай.  
Худойим куч берсин,  
Темир қопқани  
Бузишни мана шу қўллардан сўрай.

Сўрай ихтиёрим топширган каби,  
Сўрай кўзларимдан тошган ёш қуриб,  
Сўрай гуноҳларим яширган каби  
Титроқ қўлларимни ундан яшириб...

1987

## МОЗИЙ ҚУШЛАРИ

*20—30-йиллар шоирлари хотирасига*

Мозийнинг қушлари  
Учиб келарлар,  
Олисдан келарлар  
Толиқиб чанқоқ.  
Мени-да кўрарлар,  
Хаңдон куларлар.  
Чақмоққа қўнарлар —  
Сўнади чақмоқ.

Мозийнинг қушлари  
Айланар гирён,  
Қўнмоққа бехатар  
Масканни кутиб.  
Мен эса кутарман  
Бош эгиб ҳайрон,  
Қўлимни тиглардан  
Баландроқ тутиб.

1987

## КАРЛУША

Қўшнимнинг Карлуша исми зағизғони бор.

«Кар-лу-ша» — деб чақирар  
Қизчам ҳар куни тонгда  
Богчасига кетаётганда...  
Карлуша шақиллаб қўяр қанотларини ёйиб.

Сигарет тутатиб,  
Чалкаштириб оёқларини,  
Синиқ бир курсида ўтирганича  
Қўшним зағизғонга донишмандларга  
Қарагандек узоқ қарайди...

Қўшним ўз она тилида гапиролмайди.

Карлуша бўлса, лаънати, баъзан шунақаям  
Ўзбекчалаб сўкинади-ки,  
Ўғлимга қарайман хавотир билан.

«Бекорга узоқ яшамайди, бу аҳмоқ!»  
Деб кулади қаҳ-қаҳлаб қўшним,  
Кўзларимга тик қаролмасдан...

1987

\* \* \*

Баъзан оддий қуриган хасга  
Ўт тушса бас,  
Ёнади ўрмон.  
Муҳтож бўлар бир огиз сасга  
Баъзан жангга чиққан қаҳрамон.

Баъзан бир сўз гадони подшоҳ,  
Шоҳни эса гадо этади.  
Баъзан битта хато инсонни  
Умр бўйи адо этади.

Бир ҳис дилга солади ларза,  
Бир учқундан бошланар исён.  
Лаҳзани кут  
Ва ўша лаҳза  
Асрларни кўрарсан аён!

1988



\* \* \*

Ҳей, менинг кўзимни дунёдан  
Тўсган қиз, айтингиз, ишқ надири?!  
(Ишқ менинг кўксимни дуодай  
Илитган, ёритган шишадир!)

Ул менинг кўксимни ханжарсиз  
Тилдирган, қонимни ичган гул.  
Ул менинг кўксимда хатарсиз  
Гул узра сайраган маст булбул.

Ҳей, менинг қонимни ўзимга  
Ичирган, гуноҳга ботган қиз,  
Сиз нега боқмайсиз кўзимга,  
Хайр, десам, нега ҳам чекмайсиз?!

Тунлар тилим-тилим тилинган  
Кўксимни силайсиз тонггача,  
Ўпасиз дилимдан тилимга  
Неча бор талпинган жонгача.

Ҳей, мени тунлари ўлдирган,  
Тонглари булбулдек кулдирган,  
Бинафша исми хуб ярашган,  
Айёр қиз, айтингиз, ишқ надири?!

1986

\* \* \*

Қўрқмай кир қора тунга,  
Гарчи ўтмогинг қийин...  
Ҳеч ким бас келмас сенга  
Тундан ўтгандан кейин.

Тундан ўтганлар эркни  
Авайлайди қуш каби,  
Дил тўрида сақларлар  
Эркни қутлуғ туш каби.

Тундан ўтганлар жангга  
Қўрқмай кириб борурлар,  
Ерни бўяр ол рангга  
Тундан ўтган ботирлар.

Тундан ўтган одамлар  
Кундуз учун яшарлар,  
Кечалари қуёшдан  
Улар шамшир ясарлар.

1988

## МЕНИ ҚУВОНТИРАР БУ КУН, БУ ЁМГИР

Мени қувонтирар бу кун, бу ёмгир,  
Тарновдан шарқираб оққан жилгалар.  
Новдаларда бўртган куртаклар билан  
Ёнма-ён осилиб турган сиргалар.

Мени қувонтирар дилимдаги ғам,  
Дунёнинг қувончин унутиб қўйиб,  
Деразани очиб ёмгирли бу дам  
Олис-олисларга боқаман тўйиб.

Мени қувонтирар сени кутишим —  
Хонамга сен ногоҳ кириб келганда  
Ва менга уялиб, мунгли кулганда  
Қўлингни кафтимда қушдек тутишим.

Соябонинг силкиб,  
Ёзиб қўярман  
Дея уйлашим ҳам қувонтиради.  
Сени кўрмайману мунгли кўзларинг  
Қаршимда чўғдайин ёниб туради.

Сени кутаману  
Биламан, аммо  
Сен бугун келмайсан, менга кулмайсан.  
Сен баҳор қувончин кўнгилга солган  
Қуллалар бошида ёнган гулдайсан.

Баҳорда кутаман,  
Ёзда кутаман,  
Кутаман хазонлар тўкилган дамлар.  
Учқунлаган қорга қўлим тутаман,  
Мени қувонтирар шундай пайт ғамлар.

Кел, ахир, сочларинг ювсин бу ёмгир,  
Кулгин, кулган каби тоғда жилгалар.  
Мени қувонтирар ёмгирлар илган  
Қулогингда порлаб турган сиргалар.

1988

\* \* \*

Қўй, мени қўрқитма, қўрқитма, ўлим,  
Қара, яшнаб турар боғимда гулим.

Унинг япроғида капалак ухлар,  
Уни излаб учар кўкда семурғлар.

Унинг япроқлари гурубдан алвон,  
Алвондир, алвондир бамисли армон.

Бу гулни искасанг уйғонар дилинг,  
Танглайингдан бирдан кўчади тилинг.

Уни қорлар кўммас, еллар узолмас,  
Унинг қўшигини ҳеч ким бузолмас.

Фақат сен ҳар куни оқараркан тонг,  
Остига томизсанг басдир томчи қон...

1988

СУЯМАН ҚАДИМИЙ КИТОБ ВАРАҒИ...

Суяман қадимий китоб варағи  
Сокин шитирласа сукунат аро...  
Уларда жо эрур ўтмиш дарағи,  
Уларда «қора»мас, ёзилар «қаро».

Улардан даштларнинг иси келади,  
Сўлган райҳонларнинг келар нафаси.  
Улар сайроқ булбул яшаб, ғам чекиб  
Кейин ташлаб кетган тилла қафасдир.

Суяман печакка ўхшаш имлони,  
Уларда сир пинҳон, жумбоқлар бордек.

Улар дилдан суяр ёлгиз олони,  
Менинг дилимдаям шу меҳр бордек.

Суяман қадимий қулёзмаларни  
Варақлаб, олислаб кетмоқни, бироқ  
Қаршимда ҳар сафар нақшин эшиқдек  
Ёпилар, келганда энг сўнги вароқ...

1988

### УСМОН НОСИР ХОКИ УСТИДА

Сукут қучган қабристон узра  
Тукилади барглар бесадо.  
Илк бор қабринг устига бўзлаб  
Келиб, мана, турибман танҳо.

Бунча пинҳон тутдинг сирларинг,  
Бунча суйдинг совуқ элларни.  
Уйғонмадинг, ҳатто шеърларинг  
Уйғотганда бизнинг дилларни.

Сени сотган одамлар тирик,  
Ҳамон улар сотиб юрарлар.  
Балки улар яширин, пинҳон  
Мозорингга келиб турарлар.

Мен уларни танийман... Гарчи  
Хоинларни қилишмас ошкор.  
Чунки улар энди бизларни  
Ўлдирмоққа, сотмоққа даркор.

Яқинлашиб келаётир тун,  
Ёдинг каби изтиробли дам,  
Юрагимни эритмоқ учун  
Ёндираман қабринг узра шам.

1988

## ЁВВОЙИ УТЛАР АРО

Ёввойи ўтлар аро  
Кезар бошяланг одам.  
Дилида мунгли наво,  
Кузида бир дарё гам.

Ёввойи ўтлар аро  
Овунч излаб юрар у,  
Ҳар чечакнинг бошида  
Уйга ботиб турар у.

Ёввойи ўтлар аро  
Дилига қайтар қувонч.  
Зулқарнайндек боқади  
— Бу дунёга кўзи оч.

Чалқанча ётиб узоқ  
Нилий кўкка тикилар.  
Кузларига дунёнинг  
Бор нурлари тўкилар.

Қайтаркан,  
Дилин чорлаб  
Ёнгач кент чироқлари,  
Куйлагига қон каби  
Порлар лола доғлари...

1988

\* \* \*

Қуёш қайтди.  
Ғуруб палласи  
Эриётир қоронгиликда.  
Қиров тушган кузак даласи  
Ухлаб ётар қора уйқуда.

Сиеҳ кўкни қамраб олганча  
Юддузларни тўсар булутлар.  
Алп чинорлар уйга толганча  
Бир-бирини сўроққа тутар.

Энди кўнгил узаман куздан —  
Унинг изин қор кўмган пайти,  
Оппоқ тоғлар тараф — ангиздан  
Ёлғизлигим ёнимга қайтди...

1988

Унитилган богчани кездим,  
Баргихазон фасли, оқшом чоғ.  
Кезиб юриб бир сирни сездим:  
Мени интиқ кутган экан бог.

Кутган экан бу қари гужум,  
Япроқларин тўкаркан маъюс.  
Кутган экан шивирлаш учун:  
«Мени ташлаб кетаётир куз...»

Кутган экан сўлган чечаклар,  
Қиров қоплаб олган тонгларда.  
Кутган экан бир ҳамдард излаб  
Кўқдан совуқ тушган онларда.

Кутган экан дилдан ичикиб,  
Бу барглари саргайган гиёҳ.  
«Нега келдинг, — дея, — кечикиб?»  
У мўлтираб шивирлар гўё.

Кутган экан мени бу чексиз  
Худуди йўқ бепоён фалак.  
Мен-чи, келдим... гуллар устидан  
Учмоқ учун бир маст капалак...

1988

### ОТАМ ХОТИРАСИГА

Деразамнинг остида тонгда  
Сайраган қуш сизмасми, ота?

Ё тунимга кўклам, мозорда  
Ёпишган гул сизмасми, ота?

Ўн йилдирки дунёда йўқсиз.  
Юрагимда қолган фироқсиз.

Курмагансиз менинг ўғлимни,  
Эркатойим, шўхим, тўқлимни.

Мен ҳам ёшим ошгани сайин,  
Сочимга оқ тушгани сайин,

Баъзан қумсаб сизни ич-ичдан,  
Юрак титраб сўнги илинждан,

Отам дея алқаб ўғлимни,  
Кутараман ўзим кўнглимни.

1982

\* \* \*

Уйқусизлик. Алам. Сукунат. Қоғоз.  
Ҳей, зулмат ичидан берсанг-чи овоз,  
Юрагим...  
Мени уйғотсанг-чи, ахир, тун кетар,  
Уям эрта тонгда юдуздек йитар,  
Юрагим...  
У кетса, сени ким... Ким сени тинглаар?  
Сени тингламайди ҳеч қачон тонглаар,  
Юрагим...  
Оҳинг тинглагувчи ёлғиз тунлардир,  
Фақат беиз сингар унга унларинг,  
Юрагим...

1988

### ЛИ БО ВА ДУ ФУ СУҲБАТИ

— Нега гулга боқиб  
Қалбинг тиглайсан?  
— Дилимдан ғам кетди,  
Қувончим тошар...  
— Бўлмаса, айтақол,  
Нега йиглайсан,  
Кўзингдан куртақдек  
Бўртиб кўзёшлар?

— Нетай, олис тоғлар,  
Олчалар гули  
Шод этиб тураркан  
Чарчоқ кўнглимни,  
Йўқлик салтанатин  
Энг содиқ қули —  
Улим ушлаб турса  
Титроқ қўлимни...

1988

\* \* \*

Роса уч кун тинмай гувлаган ёмгир,  
Мана бугун тонгда, ниҳоят, тинди.  
Қуёш чиқаётган лаҳзада адир  
Пойида қилтириқ бир чечак унди.

Гуё уч кун ёққан ёмгир фақат шу  
Чечак тугилиши учун ёққандек,  
Гуё қуёш кўқдан фақат шу чечак  
Ўзунини кўрай деб кулиб боққандек.

Гуёки мен ҳам нақ ўттиз олти йил  
Чопиб келгандайман шу он томон тик;  
Шу чечак олдида очмоқ учун дил,  
Ўзимга тилай деб ундан омонлик...

1988

\* \* \*

Энди фақат соғинаман мен,  
Ўтган кунлар,  
Ўтган тунларни.  
Соғинчимга сигинаман мен,  
Қўмсаб дилдан кетган унларни.

Мен ҳеч кимни кутмайман интиқ,  
На меҳрга, на ўчга зорман.  
Ҳали ёшман,  
Аммо орзу йўқ —  
Мен орзулар кўмик мозорман.

Дилда ишонч бўлмаса, нетай,  
Ишонмайман ҳатто ўзимга.  
Орзуларни қандай унутай,  
Ёшлар оқур боқсам изимга.

Ўғлим, энди ўзинга ишон,  
Сен ўзингни қилгин ҳимоя.  
Жанг тугайди — лашкар омону  
Аммо ўлса дилларда гоя...

1988



Сизга ишонардим,  
Сизни севардим,  
Севардим севгандек бугун оламини.  
Сизчи, алдадингиз...  
Тошдек совидим —  
Бугун эса урдим мен ўз боламини.

Қуралай кўзларни жовдиратганча,  
Боламов, йигладинг,  
Гуноҳинг билмай.  
Мен ҳушсиз ётардим —  
Теграмда кеча...  
Дунёдан кетганча ётардим, ўлмай...

Юрагим ўрнида музлаб ётган тош,  
Йигладим, кўзларим оқиб кетмади.  
Мажолим йўқ эди,  
Йўқ эди бардош...  
Кучим унга етди — сизга етмади...

1988

### ЯЛПИЗ ШОХИ

Кабира туйгулар солиб кўнглимга  
Капалак ҳавога учди чечакдан,  
Мен ялпиз шохини олиб қўлимга  
Далада турибман — танҳо, кўйлакчан.

Ҳадемай тун чўқар,  
Гуруб қизарар,  
Ҳадемай чирогин ёқар ёнарқурт.  
Тоғларнинг ортида осмон бўзарар,  
Тоғларнинг устида қирмизи булут.

Ҳадемай жодугар тун сон-саноксиз  
Чўтдайин кўзлар-ла менга боқади,  
Томиримда қонмас,  
Мен искар ялпиз  
Ҳидлари кўнглим маст қилиб оқади.

Ҳадемай кўнглимда силқиган дардлар  
Девона шеърларга айлана бошлар,  
Уларни тинглай, деб уфқда тоғлар  
Оловнинг устига аста ёнбошлар...

1988

### ҚУМРИ

Мени тингла,  
Йироқ-йироқдан  
Чорласам гар мен сени бузлаб.  
Бу воҳага келганман тоғдан  
Сенинг маънос дилингни излаб.

Мени тингла,  
Менга қулоқ сол,  
Гуллар иси маст қилган дамлар,  
Хазонларни учирса шамол,  
Юрагингни қийнаса гамлар.

Мени тингла,  
Тингла, мен сени  
Олисларга кетаман бошлаб.  
Фақат тингла,  
Тинглагин мени,  
Кўзларингни аламдан ёшлаб.

Мен дилингда бахш этгум ором,  
Қўлларингни қанот этаман.  
Сени олис-олис юрт томон  
Ўзим билан олиб кетаман.

Фақат мени тингла, тинглагин,  
Гар чорласам овлоқда бузлаб.  
Олиб кетиб ўзинг билмаган  
Умр ҳақида бераман сўзлаб...

1988

«Қайси уйда,  
 Қайси майдонда,  
 Қайси куйда,  
 Қайси дostonда  
 «Хурлик» сўзни эшитдим бугун?»  
 Ҳамма соқов,  
 Тиллари тутун.

«О Хурлик!» деб қай юрак йиглар,  
 Қайси юрак ўзини тиглар,  
 «Хурлик!» — дея қачон уйгонди  
 Юракдаги толгин огриқлар?

Хурлик — фақат инқилоб эмас,  
 Хурлик — Ватан!  
 Ватан ҳурликдир!  
 Ватансиз ҳар қандай озодлик  
 Дилни хўрлар,  
 Қуллик, зорликдир!

Хурлик — меҳнат!  
 Хурлик — бирликдир!  
 Хурлик — севги!  
 Хурлик — борликдир!  
 Хурлик — меҳр!  
 Хурлик — қувончдир!  
 Хурлик — дилда жўшган ишончдир!

Дўкон тўла нон бўлса, етмас,  
 Омбор тўла дон бўлса, етмас,  
 Етмас сўзлаш она тилингда,  
 Гар бўлмаса ҳурлик дилингда!  
 Гар бўлмаса ҳурлик дилингда  
 Дастурхонинг мўл бўлса — етмас.  
 Шодмон сўзлар бўлсин тилингда,  
 Дилингда эрк бўлмаса — етмас.

Хурлик — осмон!  
 Хурлик — қуёшдир!  
 Хурлик — бахтдан оққан кўзёшдир!  
 Хурлик — боғинг,  
 Хурлик — болангдир!

Хурлик — сени боққан далангдир!  
Хурлик эмас хирмонлар уймоқ!  
Хурлик — халқ деб, ватан деб куймоқ!

Шундай экан, куй, токи борсан,  
Фақат шунда сен эркака ёрсан,  
Фақат шунда чекинар қуллик  
Ва дилингадга уйғонар ҳурлик!

1988

## УЛУҒБЕКНИНГ ҚАСОСИ

*(1449 йил 27 октябрь)*

Учар қора айгирлар... Тун  
сукунати синади.  
Мўрилардан учган тутун  
совуқ тунга сингади.  
Кўзлари қон билан тўлиб  
учиб борар ўн сарбоз.  
Отлар туёғида бўзлар  
Эзилган ўт беовоз.  
Самарқанднинг минорлари  
кўзин узмай ўн отдан,  
Кузатади даҳшат билан  
қора ўлим ортидан.  
Йўл четига тисарилар  
дарахтлари чорбоғлар,  
Отлар билан учиб борар  
қонга ташна пичоқлар.  
Олисларда ўлим сасин  
сезиб қолган оч бўри  
увиллайди, қон мазасин  
туяй деб шомдан бери.

...Мана, манзил. Отлар боғлаб  
қуйилмайди. Тез! Тезроқ!  
Гувиллайди тунги боғлар,  
дукиллайди дил бежо.  
Қўлларини қайиришар,  
қуйишади сўнг боғлаб.  
Дукиллайди юрак бежо,  
гувиллайди чорбоғлар.  
Ёнар хира фонус танҳо,

йўқдир умида, йўқ илинж.  
Шивирлар лаб: — Ё бисмиллоҳ...  
Бош эгилар ва қилич  
ой нурида ялт этару  
хуштак чалар ҳавода.  
Қон отилар... Қон оқади  
тиниқ ариқ сувида.

...Қамчиларни тишда қисиб  
от сурганда қотиллар,  
чиқар улар йўлин тўсиб  
мажақланган ўт, гуллар.  
Қора уйга киргач титраб  
қотиллар паноҳ излаб,  
тўрт томондан уйни ўраб  
ола бошлар юлдузлар.  
Яширмасдан дил ларзасин  
айни хира, тинч саҳар  
қоронги уй деразасин  
учган юлдуз синдирар...  
Беш асрким, кўқда музлаб  
хоҳ қиш, хоҳ ёз, куз пайти  
қотилларнинг боши узра  
ой қиличдек порлайди.

1980

### МУНАВВАР ҚОРИ ВА ЎЛИМ

Халқ кўр бўлса,  
Унутар асл  
Уни суйиб, куйган эрларни.  
Мана, ўтди  
Неча бор фасл  
Ерга тўкиб хазон, гулларни.

Уни тилга олмади биров,  
Олганлар ҳам дилида ёдлар.  
Пинҳон эрур  
Дилларда номи,  
Пинҳон бўлган каби исёнлар.

Қайда ўлди?  
Қаерда сўлди?

Васиятин кимлар тинглади?  
Кимлар унинг  
Мурдаси учун  
Овоқ ердан бир жой танлади?

Кўз унгимда  
Жонланар гоҳо:  
Ўтирганча ертўлада жим,  
Зўрга илиб турган тўтиё —  
Олов узра тутар ҳовучин,

Ўлим кириб  
Келганин кўриб  
Ўз ёнидан бўшатади жой.  
Ойнаси йўқ туйнуқдан унга  
Боқар маҳзун диллар дўсти — ой.

«Ўлим, — дейди, —  
Мен жуда толдим,  
Олиб кетгин бу ердан тезроқ.  
Фақатгина  
Кетишдан олдин  
Сен исиниб олақол озроқ.

Ҳурлик учун,  
Ҳур Ватан учун  
Куйдим, буни бахт деб биларман.  
Эрк дегандим,  
Маҳбус этдилар —  
Балки ўлсам, озод бўларман...»

1988

### ҚОРОНГИДА УЧАР ҲОРҒИН ҚУШ

Гулхандек товланган  
Гуруб томонга  
Учиб бораётир ҳорғин, ёлғиз қуш.  
Гулхан учқунлари  
Учиб осмонга  
Жимирлар — нақ сўниб боргучи товуш.

Мен қушга боқаман:  
Аниқ кўраман,

Порлар кўзларида гурубнинг акси:  
Дарахтлар учига  
Тегар-тегмасдан  
Оқиб бораётган кунботар рақси.

Кўкимтир булутлар  
Теварагида  
Чинни лагандаги зарҳалдек ёғду —  
Қўрқувни билмаган  
Қуш юрагида  
Қандай ҳавасларни уйготмоқда у?

Қандай сеҳрлардан  
Ром бўлиб кўзи  
Учиб бораётир зулматга бу қуш?  
Ё қайга учишни  
Билмасми ўзи,  
Ё унга барчаси туюларми туш?

Ё балки кундузни  
Қувиб етмоқчи,  
Қуёшни кўрмоқчи қайтадан яна.  
Учиб бораётир  
Толиққан бир қуш  
Замину осмонга ёт ва бегона.

Туннинг сарҳадида  
Кўринган шуур  
Дилини чорларми — ҳурликми чорлар?  
Булутлар қўйнида  
Яширинган нур  
Гоҳ ёниб, гоҳ ўчиб қуш узра порлар.

Унга боқарканман,  
Қўлимни силкиб  
Учиб кетай дейман бўлиб орқадош,  
Аммо вужудимни  
Кўтаролмайман —  
Оғирлик қилади кўксимдаги тош.

1988

## ҚАДИМ ҲИКМАТ ГУЛЛАРИ

Биз динсизмиз, дедилар,  
Мачитларни ёндириб.  
Китобларни ёқдилар,  
Жоҳил дилни қондириб.

Мачитлар ёнмадилар,  
Ёнди бизнинг дилимиз.  
Китоблар ёнмадилар,  
Ёнди она тилимиз.

Мақбаралар бузилди,  
Йиқитилди минорлар —  
Она тарих кўксига  
Ўсиб турган чинорлар.

Таланди мадрасалар,  
Таланди хонадонлар —  
Ўғирланган китобга  
Тўлди Масков, Лондонлар.

Учди кўкка ёнғинда  
Ёнган китоб куллари —  
Боболар биз деб эккан  
Қадим ҳикмат гуллари.

Ибн Сино ёқилди,  
Ёқилди ал-Фаробий.  
Ёлғон гаплар тўқилди,  
«Нодон» бўлди халқ номи.

Улугбек китобларин  
Излаб юришар ҳамон —  
Мен уларни ўйласам,  
Дилимда минг дард-армон.

У китоблар энди йўқ,  
Йўқ улар бу дунёда!  
Оқиб кетган Оқдарё,  
Оққан Қорадарёда.

Ўша олис,  
Биз қарғаб



Лаънатлаган ўтмишда  
Бизни ўйлаб боболар  
Ҳикмат шамъин ёқишган.

Ҳатто Мирзо Улугбек  
Ўддирилган чоғдаям,  
У яратган китобни  
Ёқишмаган, ўқишган.

Ахир буюк Қошғарий,  
Буюк Ибн Синони —  
Берган бу халқ китобда  
Қуриб турган худони.

Ерга тушган ушоқдек  
Хор булган ҳар вароқни  
Халқим кўзига суртган  
Туйиб дилда титроқни.

Фақат кейин,  
Оҳ, кейин  
Дилдан имон кетганда,  
Жаҳолат-ла дўст бўлиб,  
Қўлдан шайтон тутганда,

Янграганда ҳар ёқда  
Ҳайвонга хос хитоблар,  
Сувда оққан, кумилган,  
Ёқилган бу китоблар.

Кейин эса кўзи кўр,  
Саводсиз деб ном олдик,  
Мингта йўлнинг олдида,  
Йўлни тополмай қолдик.

Уйғот, Халқим, мудраган  
Ўғилларинг дилларин,  
Эккин қайта уларга  
Қадим ҳикмат гулларин...

*1988*

## ҚЎЛЁЗМАЛАР ИНСТИТУТИ

Бу захкаш хоналар ичида сукут,  
Одамлар нафаси уни илитмас.  
Бу ерда китоблар ётибди унут,  
Варақлар шитири қулоққа етмас.

Фақат кечалари,  
Фақат тунлари  
Қадим қўлёзмалар шитирлай бошлар.  
Улар бир-бирига алам унларин,  
Соғинч унларини шивирлай бошлар.

Уларда битилган ҳар бир дона ҳарф  
Аёлга,  
Болага,  
Гулга айланар.  
Боғларга айланар ва шу боғларда  
Булбулга — ошифта дилга айланар.

Саҳифа жангтоҳга,  
Сўзлар аскарга,  
Сафларга айланар бунда сатрлар.  
Ватанга айланар субҳи саҳарда  
Бу қадим ҳикматта бой асотирлар.

О, кошки шу юртнинг даштлари аро  
Бир чечақдай унсам,  
Бир қушдай қўнсам —  
Бўғзим кўйдирарди утли бир садо,  
Бўзлардим бир умр шу юртни қўмсаб.

Шу юртнинг баргхазон қучган боғлари,  
Қор босган тоғлари ороми учун  
Умримдан кечардим,  
Сенга берардим,  
Гарчи туймасам-да меҳрингни, очун!

Шу юрт тупроғига сингиб кетган қон,  
Кўзёши ҳикматин англайин, дея  
Сендан ҳам қўрқмасдим, ваҳший қатагон,  
Умримни шу юртга қилардим ҳадея.

О, улар ҳасрати озорим бўлғай,  
Уларнинг қувончи бўлғай алашим,

Улардан сўзларим нолалар қилгай,  
Қиличга айлана бошлар қаламим.

Навоий кўчасин четидаги бу  
Бинони зиёрат қилсам мен агар,  
Не учун дилимда ортади қайгу,  
Не учун дилимга ботади ханжар?!

Ва тунлар,  
Қоп-қора зулматли тунлар  
Қадим қўлёмалар шитирлаган он  
Ва бири-бирига ҳасратли унлар,  
Соғинчли унларни шивирлаган он,

Жаҳолат зулмати,  
Совуқ қўрғошин  
Қаби оғир ҳаво қаъридан юриб,  
Қўзимнинг ўнгида улкан бир қўшин  
Саф торта бошлайди туғлар кўтариб.

Улар кутар бурғу садосин, аммо  
Бурғуни тириклар чалмоғи лозим.  
Асрлар ўтмоқда,  
Йиллар ўтмоқда,  
Қўшин эса кутар бурғу овозин...

1988

\* \* \*

*Билмадим, кўнглимни юпатгай кимлар...*

Чўлпон

Билмадим, кўнглимни юпатгай кимлар,  
Дўстларми, ҳисларми ё мўнглиғ қизлар,  
Ёки саратонда келгувчи кузлар  
Ва ёки қалбимнинг дўсти — юдузлар?

Ё ўзи овунчга ташна аёллар,  
Ё улар кўксига ўлган хаёллар,  
Ёки пахта териб жон берган чоллар,  
Ё ўзи-ўзига ўт қўйган қизлар?

Ё этаги қорга тўлган болами,  
Бўгиб ўлдирилган сахий далами  
Ва ёки болалар кўксидан чиқиб  
Бўғзимга тош каби тиқилган ҳислар?

Билмадим, кўнглимни юпатгай кимлар  
Ва дилдан аригай бу аччиқ кинлар,  
Дилдан ювулгуси бу ифлос кирлар,  
Тагин дуч келгайми ё сўқир кўзлар?

Очилган дафтарга дардларим сочсам,  
Ҳар бир сўз тутган май — заҳарни ичсам,  
Дўст топмай, душманга кўнглимни очсам,  
Мени юпаттайми муқаддас сўзлар?

Ҳар кеча кўлимга олганда қалам,  
Уйғона бошлайди дилимда алам,  
Юпата олмагай шундай пайт болам,  
Юпатар ярамга сепилган тузлар!

Боболар тахтини сотди боболар,  
Юракни кўр қилди ўзга имлолар,  
Бизни омон сақлаб келди наволар —  
Боболар юраги куйлатган созлар!

Юраклар учса-ю, қафаслар синса,  
Юракнинг қонлари заминга сингса,  
Йўлдан адаштирган маёқлар сўнса,  
Балки юпатгуси эркин юлдузлар?

Ватан, деб шайланиб чиқса ўгиллар,  
Жаҳолат деворин йиқса ўгиллар,  
Қарахлик саройин ёқса ўгиллар,  
Балки юпатгуси очилган юзлар?

Бу дунё қародир, у дунё ёлгон,  
Ватан, деб жўшмаса томирларда қон,  
Ҳуррият кўёши қолмагай омон  
Дилни ёритмаса ўч тўла ҳислар!

1988

1937 ЙИЛ

Шоирларин ўлдирганда халқ  
Булар экан ўзи қонга гарқ.

Бутса агар, бугилар ўзи,  
Мил тортса, кўр бўлади кўзи.

Хор этса гар, ўзи хор бўлгай,  
Зор этса гар, ўзи зор бўлгай.

Қулогига қуйса қўрғошин,  
Ўзи уқмас ҳурлик товушин.

Шоир — байроқ, жанг қилар они,  
Шоир қони эрур халқ қони...

1988

\* \* \*

Бу чечакни қаердан уздинг?  
Нега дунё тошини буздинг?  
Энди сени ким қутқарар, айт,  
Хатар сенга қўлин чўзган пайт?!

1988

### ШЕЪР ЁЗГАНДА...

Қоғознинг қорларини  
Эритаман нафасим билан,  
Униб кўзга кўрина бошлар  
Қора рангли чечаклар бирдан.

1988

### КАПАЛАК

Гул баргини шабада узди...

1988

## ЭСТОНИЯ

Мовий — орзу,  
қора — қисмат,  
опшоқ — ишонч.  
Шовиллайди Болтиқ — сўнгсиз,  
маҳзун қувонч.

1987

\* \* \*

Ер эмас бирлаштирган,  
Юракдаги қайғудир.  
Ўлим эмас ўлдирган,  
Ўлдиргувчи уйғудир!

1988

## АБДУЛҲАМИД ЧЎЛПОН

### I

Совуқ, зах, тор хона. Бу қамоқхона.  
Бу ерга қуёшнинг нурлари етмас.  
Бу ерда абадий азобда сийна,  
Бу ердан зулумот шарпаси кетмас.

Бу ерга етмагай қушлар яласи,  
Кўклам адирларга сачратган бўёқ,  
Кўкда эркин сузган булут галаси  
Бу ердан кўринмас, бу ердан йироқ.

Фақат сўзлар келар, худодай танҳо,  
Фақат сўзлар келар пайгамбардай пок.  
У билар: Шу сўзлар ҳаққи яшар у,  
Шу сўзлар бир куни этишар ҳалок.

### II

Қамоқдан кўрқмас у. Очиқдан кўрқмас.  
Кўрқмагай миргазаб деган ёвзудан.  
Кўрқар: дилидаги ўчини ошкор  
Қила олмайдиган ожиза сўздан.

Қамоқдан қўрқмайди, ахир у билар:  
Вужуди зиндондир, вужуди — қамоқ.  
Шоирлик вужуддан — қора зиндондан  
Ҳасрат қушларини озод айламоқ.

Қора қамоқхона кўксини тилиб  
Ёғду қуялгандек деразалардан,  
Олис хотиралар юртидан келиб  
Нурдек ситилади ёш кўзларидан.

Фақат ой, фақат ой, эвоҳ, фақат ой  
Тунлар ёритади шеър қорозини,  
У шеърлар ёзади, тинглаб ой нурин —  
Топтаб ўтаётганлар овозини...

1988

\* \* \*

Сиёвуш қонидек  
Алвон япроқлар  
Бухоро боғлари аро тўкилур.  
Кузак қабри узра  
Ёнар чироқлар —  
Оқшомлар қўйнида жимирлар биллур.

Нураган деворда  
Ёмғир ёди бор —  
Чанг босган юздаги кўзёш изидек.  
Кимдир кезиб юрар  
Шаҳарда бедор,  
Кўкда сузган ҳилол — осмон қизидек.

Ҳамма ниманидир  
Юргандек излаб,  
Ҳамманинг кўксига титрар нимадир —  
Бухоро — қум узра  
Елкан кўтариб  
Шамол келишини қутган кемадир.

Шамол эса келмас,  
Жимирлаб елмас —  
Еттинчи осмонда балки эсмоқда.  
Кўзларни очишга  
Имкон йўқ эмас,  
Аммо шўр кўзларни тигдек кесмоқда...

1988

## КАМПИР ҲАҚИДА ШЕЪР

Тонгда жунар бозорга  
Дили тула аламга,  
Дили тула озорга  
Ҳеч кими йуқ бу кампир.

Уч-гурт ҳовуч қурт еган  
Олмасини уяди  
Ва кечгача саратон  
Офтобида куяди.

Ҳеч ким унга қарамас,  
Қарамас олмасига,  
Одамларга боқар у  
Боққандек боласига.

Баъзилар туқнашаркан  
Ногоҳ кампир кўзига,  
Чидолмасдан, қайрилиб  
Кета бошлар изига.

Ҳеч кимни яқинлатмас  
Кўзидаги дард-алам,  
Мултираб айтса ҳам-ки:  
«Олмадан олинг, болам...»

Шомда уйига қайтар  
Кутариб олмасини,  
Кўзидаги аламини,  
Дилдаги ноласини.

Аммо субҳи азонда  
Дили тула озорга,  
Ҳеч кими йуқ бу кампир  
Яна жунар бозорга...

1988



## БАСЁ КИТОБИНИНГ ВАРАҚЛАРИДА

Басё китобининг варақларида  
Саргайган япроқлар, алвон япроқлар,  
Қадим ибодатгоҳ... Ундан нарида  
Тоққа ўрмалаган дайди сўқмоқлар.

Улардан тепада,  
Тоғлар бошида  
Қор босган қоялар оқариб турар.  
Ҳассага суянган сочи оқ дарвиш  
Излаб тополмаган олхўри гуллар.

Ва совуқ гулларнинг дури осилган  
Новдада ёлғиз бир қарга ўлтирар.  
У чечаклари қор остида сўлган  
Водийлар томонга лоқайд мўлтирар...

*1988*

## XX АСР ОДАМИ

Бирдан ийиб кетди  
Меҳрдан дилим,  
Ҳовлиқиб ўтлоққа йўл олдим шу тоб.  
Гулдек яшнаиб берди  
Қувониб дилим,  
Нурини аямай қуяркан офтоб.

Борасолиб, ерга —  
Чўзала тушиб,  
Ўтларни қучоқлаб, бағримга босдим.  
Юмшаган кўксимнинг  
Бир четин тешиб  
Марварид гулларни шодалаб осдим.

«Мен сенинг болангман» —  
Дедим шивирлаб,  
Юзимга ўрмалаб чумоли чиқди  
Ва менга ишониб,  
Секин гимираб  
Бурнимнинг учини ногаҳон чақди.

Шу заҳот эзгилаб  
Ташладим уни,  
Шу заҳот газаб-ла боқдим қуёшга  
Ва эрта баҳорнинг  
Энг гўзал куни  
Газабдан қайтадан айландим тошга...

1988

## ШОМИЛ

Мадинада ётибди Шомил,  
Мадинада ётибди бедор.  
Қабр ичидан бақирар: «Ким бор,  
Затсанг-чи, қўлингни, гофил!»

Араб қуми қабртошдаги  
Ёзувни гоҳ кумар, гоҳ очар.  
Қабр узра доира ясаб  
Эрк қушлари — бургутлар учар.

Қилич ушлаб урганган қўллар  
Тимирскилар қабр ичини.  
Тушга кирар тоғдаги йўллар,  
Кўрар қорли тоғлар учини.

Шамол Хунзах богчаларидан  
Олиб келар олулар исин  
Ва Догистон тоғларидаги  
Қорлар билан совутар кўксин.

Ўн саккизта яраси эмас,  
Дили огрир,  
Зирқираб огрир.  
Кўксин эзган қабр тошимас,  
Армон тоши...  
У тоғдан огир.

Юз бир забон,  
Юз бир лаҳжада  
Сўзлашади Догистон, бироқ  
Шомил тилин унутган эрлар  
Бу ўлкада ҳаммадан кўпроқ.

Ўз юртида номи хор бўлиб,  
Ўз юртига бўлганича зор,  
Мадинада ётибди Шомил,  
Мадинада ётибди бедор.

Араб қуми қабртошдаги  
Ёзувни гоҳ очар, гоҳ кўмар.  
Гоҳо ойнинг учига келиб  
Ором учун бургутлар қўнар...

*1988*

### БОТИР ҚОНИ ВА ДАҲО СЎЗИ

Бобур қаламининг учида турган,  
Қайгуга ном топган бир томчи сиёҳ,  
Эрк учун жанггоҳда Таробий тўккан  
Қоннинг томчисидек эрур бебаҳо.

*1988*

### ШОИР

Сахро ўртасида кема ясаган  
Нуҳ пайгамбар каби яшайман.

*1988*

## ҚОРАТОҒ ДАФТАРИ

(Туркум)

\* \* \*

Тушимга кирар денгиз:  
Чағалай, тўлқин, қуёш...  
Қоратоғ ва кимсасиз  
Соҳилдаги улкан тош,

Ҳей, олис-олисларда  
Сўнган момақалдироқ,  
Ҳей, ел силкитган парда,  
Ҳей, сен шовиллаган боғ!

Мени уйғот, бўлмаса  
Олиб кетади денгиз,  
Оппоқ тўлқин, бекимса  
Соҳилдаги маънос ҳис.

Ҳув, олис-олисларда  
Милтиллаб ёнган чироқ,  
Денгиз олиб кетмасдан  
Мени уйғотгин тезроқ...

\* \* \*

Қараб турсам заранглар  
Гапира бошлар менга,  
Жилмая бошлар менга  
Соҳилдаги харсанглар.

Тирила бошлар руҳим  
Тоғларга қараб турсам,  
Фақат нега қочарлар  
Уларга қараб юрсам?

\* \* \*

Шоир, сен дарахтдан ўргангин доим,  
Қарагин, у қандай ҳайқириб турар.  
Ҳар қандай давлатда ва жамиятда  
Барг ёзар, гул очар ва мева туғар.

Фақат кесиб ташлаб қутилиш мумкин  
Бундай иродали метин вужуддан.  
Шоир, сен ҳам дилни — ҳақиқат мулкин  
Ҳимоя қилолсанг мангу мавжудсан!

\* \* \*

Ҳилол ёнди тоғ узра. Тоғ ҳам  
Бу дам ажиб суратга ухшар.  
Ҳилол нури тинчиган узлат —  
Денгиз узра пояндоз тўшар.

Ҳув, йироқда танҳо бир юлдуз  
Чақнаб турар бир томчи қондек.  
Мағриб ёққа қарасанг — кундуз  
Совиб борар худди вулқондек.

Туйгум олис гуллар атрини  
Гуё умрим сўнги етгандек,  
Ошиқ Умар бутун дардини  
Гуё менга ташлаб кетгандек,

Гуё бу дам ажиб бир қадар,  
Нажиб ҳасрат дилим уйғотар,  
Гуё олис мозийга қадар  
Умрим маним чўзилиб ётар...

\* \* \*

Шу тупроқда, қайдадир пинҳон  
Ошиқ Умар қабри бор... Бироқ,  
Бу сирни ҳеч очгиси келмас  
Душман келиб топтаган тупроқ.

Балки ётар Чатиртоғда у,  
Қоратоғда балки у ётар.  
Мен биламан, уни ҳар кўклам  
Ҳар бир чечак, ҳар бир ўт ёдлар.

Ёдлар уни кўқдаги ҳилол,  
Арча исли шамоллар ёдлар.  
Балки ётар Кўзлавида у,  
Балки Боғчасаройда ётар.

Қрим, Қрим, эй, мунгли маскан,  
Қучоғингни кезарканман жим  
Ҳар қадамда Ошиқ Умарнинг  
Шивирлашин эшитавердим.

Оч тўлқинлар гулаган чоғда,  
Боқчасарой вайронасида,  
Ёнарқуртлар учган ҳар боғда  
Ва денгизнинг нотинч сасида —

Қайда бўлмай, қаерда юрмай  
Дил ўксиди бамисли етим —  
Ҳар қадамда Ошиқ Умарнинг  
Шивирлашин эшитавердим.

Ўқий дея қабрида дуо  
Сўроқладим, айтмади ҳеч ким.  
«У шу ерда!» — деди далалар,  
«У шу ерда!» — деди юрагим.

«У шу ерда!» — деди Кўзлави,  
«У шу ерда!» — сўйлади Мисхор.  
«У шу ерда!» — деди заминга  
Етмай ҳали эриб кетган қор...

\* \* \*

Юлдузлари гужгон осмонга  
Кўзим тикиб чўзилиб ётдим.  
Денгиз орти — Ватан томонга  
Боқиб маҳзун ўйларга ботдим.

Ўйларимга ўйларин қўшиб  
Шовилларди пастликда денгиз,  
Шивирлардим бир сўзни жушиб:  
«Жуда қийин бўларкан сенсиз!»

Қанча гўзал бўлмасин бу юрт,  
Қанча яқин бўлмасин, бироқ  
Шамол ундар: — Қани кетдик, юр,  
Сени кутар ул она тупроқ.

Ҳисларимга тополмай баён  
Мен бораман денгиз ёнига,  
Ва у каби уфқи бепоён  
Она даштим тушар ёдимга.

Согинчимни ўзим овутиб  
Юрган пайтим бағримни тилиб,  
Согинч қули, қувгин Овидий  
Ўтиради ёнимга келиб.

Сунг шивирлар кукка боқаркан:  
«Оҳ, ҳасратинг менга куп таниш...  
Дилни согинч ўлдирмас экан,  
Ўлдиранкан дилни унутиш!»

### ҚРИМ ЭЛЕГИЯСИ

Қачон келдим? Нимага келдим?  
Ё шеър излаб келдимми бунга?  
Нега келиб бағримни тилдим,  
Нега дардим сўйладим тунга?

Мунгли Қрим боғлари аро  
Ўтар экан кунларим, нечун  
Ўз-ўзидан тундек қоп-қаро  
Ўйлар келиб таталар ичим?

Балки қувгин Овидий тунлар  
Согинганда мағрибга қараб,  
Ўғилларин исмини такрор  
Қилганими дардимга сабаб?

Тоғ устига тоғларни қўйиб  
Ишқ ўтида куйдириб сийна,  
Ошиқ Умар газаллари ё  
Ҳасратимга бўлмиш баҳона?

Сабаб бошқа, чангдайин тўзиб  
Ётган хира оқшом палласи  
Бошим узра оҳиста сузиб  
Ўтаётган булут галаси...

Улар сузар олис кунлардан,  
Сузиб ўтар қарвон ва қарвон.  
Сузиб борар йиғламоқ учун —  
Даштта эмас, денгизлар томон.

\* \* \*

Ой нурлари мудрайди  
Қоратоғ тошларида,  
Баъзан балқиб титрайди  
Кўздаги ёшларимдай.

Юлдузларга боқаман,  
Кенгаяди юрагим.  
Шамол билан оқаман,  
Елканим — юрак дардим.

Илиқ тошга суяниб  
Маъюс уйлар сураман,  
Кипригимга илинган  
Юлдузларни кўраман.

\*\*\*

Қоратоғни қора булут  
Чирмаб кела бошлади.  
Денгиз ёқдан муздек, бебурда  
Шамол ела бошлади.

Муқаддас тоғ, Шайтон тоғ ҳам  
Куринмай қолди кўзга.  
Бутун атроф, қайга боқма,  
Уралгандай оқ бўзга.

Фақат дилда ҳамон тонги  
Шуъла уйнар шодумон,  
Жилваланар ёруғ нурнинг  
Волидаси — кук осмон.

Майли, қора ёмгир ёгсин,  
У дилга бас келолмас.  
Дилимдаги ёруғликни  
Зулмат тортиб ололмас.

## ҚИЗИЛ

Сени қўмсаб, ичиккан олис  
Ўша сен туш кўрган манзилдан  
Олиб келдим сенга бир ҳовуч  
Боболаринг қони — қизилдан.

Ерга томган ҳар бир томчи қон  
Без кетмас, деганлари ҳақ.  
Мен келтирган бир ҳовуч маржон  
Меҳрингга зор, меҳрингга илҳақ.



Болаларинг тишлаб, юзларин  
Бужмайтирар ва четга қўяр.  
Сен булсанг жим... Унинг заҳари  
Куксинг тигдек аямай уяр.

Ва Тошкентни қучганида тун  
Изилларкан тунги кўр ёмгир,  
Шивирлайсан сен унга маҳзун:  
«Она, мени қошинга чақир!»

Ёдга тушар ўша дам қаро  
Тушларингга кирган ул маскан,  
Гуллаб ётган қизиллар аро  
Кезарсан жим, ўзни билмасдан.

Йироқдан сув товуши етиб,  
Сўнг кўринса кўзингга уммон,  
Дилинг учар куксинг тарк этиб,  
Аммо уни сигдирмас осмон.

Аммо хаёл ўша ерда... Тун.  
Осмон аро то тонгга қадар  
Сузиб юрар сендайин нигун,  
Қизил каби қип-қизил қамар.

Тунлар дарддан юрагинг қизиб  
Кетса, сенга берсин деб ёрдам,  
Олиб келдим бир ҳовуч қизил —  
Ўша сен туш кўрган диёрдан.

\* \* \*

Мен тунда борардим... Юдузлар менга  
Ҳаёт абадий, деб шивирлар эди.  
Қоядан келардим — қанотим синган,  
Орзумни шамоллар учуриб кетди.

Замин ажинлари —  
Адирлар аро  
Ўтардим кўзимни тикканча ерга,  
Мен ўтган йўлларнинг четида ўсган  
Гуллар йўл босарди мен билан бирга.

Мен маҳзун ўйлардим:  
Ҳеч ким билмайди,  
(Ахир зулмат аро ухлар бу фалак)  
Осмонга йўл излар осмон фарзанди —  
Одамлар ўқ узиб қулатган малак.

Аммо, етиб бормас... Ахир заминда  
Бир лаҳза кифоя — дил тўлар гамга.  
Дил гамга тўлса, бас, кўк ўғли — малак  
Айланиб қолади гариб одамга...

\* \* \*

Бу даштларни кўп бор кезганман,  
Гоҳо ёлғиз, гоҳо дўст ила.  
Неча марта кезган булсам ҳам,  
Мен қайтганман маҳзун ҳис ила.

Нураб ётган кулбаларга жим  
Боқиб юрак гамга тўлғуси,  
Қулогимга келиб чалинар  
Қувгин бўлган бола кулғуси.

Ҳеч ким мени овутмас, мен ҳам  
Овутмасман ҳеч кимни бунда.  
Фақат тинмай туйғуларимни  
Оқ қогозга тўкаман тунда.

Шеърларимга киради аста:  
Чексиз дашту тоғ, денгиз, қуёш,  
Қувгин бола исмин кўксида  
Сақлаётган ёлғиз бужур тош.

\* \* \*

Кўкда порлар юлдузлар,  
Дилда эса дард, армон.  
Юрак ила денгизда  
Кеча бўлмиш ҳукмрон.

Бу зулматнинг сарҳади  
Борми ўзи фалакда?  
Бу армоним, бу дардим  
Мангумикан юракда?

Юраман қиргоқ бұйлаб  
Зулматта тикиб нигоҳ,  
Коинот ҳақда ўйлаб  
Қўрқиб кетаман ногоҳ.

Сўнг чўзилиб гулларни  
Қучогимга босаман,  
Гўёки мен уларни  
Зулумотдан тўсаман...

\* \* \*

Икки тоғнинг орасидан  
Қукка ўрлайди қамар,  
Боққан сайин, нур сасидан  
Юракдан йитар кадар.

Ўз-ўзидан ошиқ диллар  
Ойдин қўшиқ тўқийди,  
Бўсадан маст, шайдо тиллар  
Тинмай дуо ўқийди.

Нурни ичар чексиз боғлар,  
Яшнаб абру найсонлар,  
Тукилади ерга шохлар  
Орасидан маржонлар.

Юракдай ол — ёниб турар  
Гулзор аро ағргул,  
Ёлғиз сени овутолмай  
Ой ялинар сиқтаб: Кул!

Сен эса жим... Боғ ичида  
Маҳзун-маҳзун кезарсан,  
Шундоқ ойдин шод кечада  
Ўзни танҳо сезарсан.

Ой қанчалар порлоқ ёнур,  
Нури дилинг ёритмас.  
Қувноқ ўйлар, шодумон нур  
Юрагингга ёр эмас.

Ой ожиздир  
Дил зулматин  
Ёритишга йўли берк.  
Инон, дилни ёритгуси  
Бу дунёда ёлғиз эрк.

\* \* \*

Ойсиз кеча. Зулумот,  
Сукунатда бутун боғ.  
Ухлар ҳаёт ва мамот,  
Ухлайди абадият.

Бир ҳовуч япроққа жо  
Бўлганча ухлар шамол.  
Ухлаб ётарди дунё,  
Ухлар Шарқ, ухлар Шимол.

Чайқалади ўксиган  
Дарахтларнинг сояси,  
Қораторнинг кўксига  
Сингар чигиртка саси.

Бўрон денгиз ичида,  
Ухлар ерни кўриб туш.  
Дарахтнинг уч-учида  
Ухлаб ётар митти қуш.

Кўҳиқоф томонларда  
Ухлаб ётар девлар ҳам,  
Орол ухлар, Сир ухлар,  
Ухлар заққум сувлар ҳам.

Ухлар виждон, ухлар эрк,  
Ухлаб ётар диёнат.  
Бўғизда тош — юрак берк,  
Алла айтар хиёнат.

Фақат юрак ичида  
Бир сўз тошни кемирар,  
У ҳали озода бўлиб  
Бу дунёни емирар...

\* \* \*

Азиз Қримнинг тоғларида  
Ҳаво тоза, яйрадим дилдан  
Ва кеч кузакнинг боғларида  
Сайр этаман мен ўғлим билан.

Шовилайди болутлар титраб,  
Боғдан ўтган ирмоқча куйлар.  
Гуё дилга азиз бу чорбоғ  
Маним ила ўғлимни қутлар.

Сайр тугар,  
Кулбага қайтган  
Ўғлим боқар дарчадан ўйчан,  
Ўғлим исмин олиб чақирар  
Қари дарахт боғнинг ичидан...

\* \* \*

Қора бўрон денгиз узра  
Гулаб-гулаб тинган чоқ,  
Ўғлим денгиз соҳилида  
Тоғиб олди чиганоқ.

Қулоғимга босиб уни  
Жуда узоқ тингладим.  
Ва юрагим соғинч ила  
Тулганини англадим.

Гуё олис-олисларда  
Мени кимдир чорларди,  
Гуё кимдир танҳо қолиб  
Маънос наво чаларди.

Гуё чўккан кемаларнинг  
Қўнгироғи бўзларди,  
Қирғоқдаги одамларнинг  
Исмин айтиб сўзларди.

Гуё бўзлаб учиб борар  
Дайди розлар зулматда,  
Бошларида ёлғиз порлар  
Митти юлдуз зумраддай.

Гуё чексиз тақир даштда  
Адашиб қолган бола,  
Тамоқлари қуриб, ташна,  
«Она» деб чекар нола.

Соҳил бўйлаб юрарканман  
Танҳоликда мен бесўз,  
Олисларда ниманидир  
Шивирларди бир юдуз...

\* \* \*

Эй, маним ёлғизим — ой!  
Кеча кирди. Кун сўнди.  
Шагиллаган жўшқин сой  
Сени кўрди-ю тинди.

Аммо тинмас юрагим,  
У безовта, у ҳалак,  
Худди чечакка қўнган  
Каби ўйноқ капалак.

Сен ила адирларни  
Кезаман қилиб сайр,  
Сўнгги юдуз қолганда  
Шивирлайсан: — Хўп, хайр!

Ва чечаклар устини  
Қоплаган шабнамларни  
Дур каби ерга тўкар  
Тонгдаги қадамларинг...

\* \* \*

Қуёш чиқиб келар,  
Кўзларим чақнаб  
Қояда турибман — тонгга юзма-юз.  
Пастда учаётган гулхандек чатнаб  
Кўзга ташланади эрта келган куз.

Пойимда тўлқинлар кўтарар сурон,  
Дилимда жўш урган ўйларим каби.  
Қайдадир денгизда ухлайди бўрон,  
Ҳали айтилмаган куйларим каби.

Ҳали дўстларим кўп, душманларим ҳам,  
Зулматга қасдма-қасд яшайман ҳали.  
Мени улгайтирар ҳар лаҳза алам,  
Энг ёруғ кунларни қўрқмай куттали.

Сахродай чеки йўқ сукунат аро  
Чўғ каби жимирлар кўксимда дардим.  
Энг сўнгги йўлбарсдек тоғларни ташлаб  
Мен пастга — водийга тушиб борардим...

## МАКСИМИЛИАН ВОЛОШИН

Қўлларидан ушлаб ўғлимни  
Тоққа қараб ўрладим пешин,  
Қўймоқ учун тонг гулларини  
Мозорингга келдим, Волошин.

Юрагимни овутмоқ учун  
Келганим йўқ сенинг қошингга,  
Ё келмадим бағри тўла хун,  
Кўзёш тўкмоқ учун тошингга.

Фақат шоир ҳурматин бажо  
Айлай дея келдим мен бу он,  
Агар тирик бўлсайдинг, ишон,  
Биз булардик дўсту қадрдон.

Умр буйи муҳаббат излаб,  
Сен яшадинг қон юта-юта,  
Энди тинчиб ухларсан бадбахт —  
Боболаринг топтаган юрта.

\* \* \*

Алвон гуруб — гуллаган савсан,  
Бўздек дока ёпинган осмон.  
«Қани, қани? Қаерда?» — дейсан,  
«Юлдузимни бир кўрсат!» — дейсан.

«Ана, — дейман, — уфқ томонда  
Балқиб турар шивирлаб унсиз,  
Бўздек дока устига томган  
Кабутарнинг қонидек — юлдуз...»

\* \* \*

Уйғониб тонг қоронгусида  
Куй мавжида сармаст сузаман.  
Ва чеки йўқ дунё ичида  
Мен ўзимни танҳо сезаман.

Най куйининг огушида жим  
Турар экан боғлар қорайиб,  
Кун отгани сайин коинот  
Бораётгандек бўлар торайиб.

Унутаман бутун фалакни  
Най ҳасрати ила қовушиб,  
Етиб келар денгиз ортидан  
Най товуши — ўзбек товуши...

## КУЗГИ ДЕНГИЗ ЁҚАСИДА

### I

Энди шодмон кунлар овозин  
Олиб учмас шамол йироққа,  
Энди қора, совуқ ва ҳазин  
Тўлқин ўзин урар қирғоққа.

Энди кузга тобе бўлмогинг,  
Ёмғирларга кўникмогинг шарт.  
Бундай кунда қийин ўлмогинг,  
Бундай кунда оғир, чексанг дард.

Изиллайди музлаган шамол  
Чорбоғларнинг баргини тўкиб,  
Бошинг узра барг топиб завол  
Учиб юрар дуолар ўқиб.

О, бўронда қутурган денгиз  
Узра бир ёш чағалай елар...  
Оч тўлқинлар гувларкан — тубсиз  
Денгиз қаърин товуши келар...

### II

Кузги совуқ тушди денгизга,  
Энди қучмас, энди совуқ у.  
Бирдан ёздан у узоқлашди,  
Энди фақат қишга ёвуқ у.



Қадимий сак даштлари томон  
Елиб борар қора булутлар,  
Бирпасда тунд бўлади осмон  
Ва ёмғирлар шивалаб ўтар.

Овидий, ҳей Рим қувгиндиси,  
Қоя узра турган чоғимда  
Юрагингнинг ўтинчали сасин,  
Шивирлайди ел қулогимга.

Мен қувгинди эмасман, бироқ  
Юрагимни барибир қийнар  
Бўм-бўш, тўлқин урилган қирроқ,  
Бу мунгли, бу қадимий куйлар...

\* \* \*

Куз ёмғири турар томчилаб  
Баргихазон боғда учмоқда,  
Яноғимдан совуқ томчилар  
Күзёшимдек оқиб тушмоқда.

Ёноғимдан оқиб лабимни  
Совитмоқда, аммо ёмғир ҳам  
Совутолмас менинг қалбимни —  
Унда чўғдек ёниб турар гам.

Гўё мажруҳ тутқун қушчани  
Билмагандек қутқармоқ йўлин,  
Ёниб турган шам узра узоқ  
Қотиб турар титраган қўлим...

\* \* \*

Уч кун бўлди қуёш кўринмас,  
Гарчи кузнинг боши... Қиш йироқ —  
Гўё парда ортида элас  
Ёниб турган каби шамчироқ.

Денгиз ҳам тинч,  
Тўлқинлар ухлар.  
Мен қувониб юрарман шодмон.  
О, ниҳоят бу ерни ташлаб  
Мен жўнайман ватаним томон.

Унда қуёш қаршилар мени,  
Унда осмон тиниқ, беғубор.  
Унда мени овутадиган  
Қайгуларим, қувончларим бор.

Унда боғлар ҳали хазонсиз,  
Ҳали қушлар жанубга учмас.  
Унда менинг юрагимдаги  
Қувончимни соғинчим ичмас.

Унда оқшом пардасига ўт  
Тушиб ёнар ва секин ўчар.  
Ва дунёнинг бутун ҳасрати  
Унда менинг дилимга кўчар.

*1986—1988*

## ШОИРЛАРНИ ОТГАН ЖАЛЛОДЛАР

Шоирларни отган жаллодлар  
Бугун яшар нафақасин еб.  
Ўлган шоҳга содиқ соллотлар  
Хат битишар: «Биз тайёرمىз!» деб.

Ўша кунлар ҳақида улар  
Сўзлар экан силаб соқолин,  
Ҳар гацдан сўнг таъкидлаб қўяр:  
«Тўғри қилган ўртоқ Сталин!»

...Шоир — исён.  
Исёнлар эса  
Подшоҳларни қўрқувга солар,  
Шунинг учун улар энг аввал  
Шоирларнинг бошини олар.

Агар подшоҳ шоирни суйса,  
Демак шоир тезда ўлади —  
Ўзи суйган шоирни суйса  
Подшоҳ дили лаззат олади.

Мангу ёвдир шоиру подшоҳ,  
Мангу жангдир шоирлик йўли.  
Ўлса ҳамки, подшоҳга ҳукм  
Битар ўлган шоирнинг қўли.

Подшоҳларга шоирмас, қуллар —  
Қуллар керак, жаллодлар керак,  
Шоир эса дилларга гуллар,  
Мажақловчи саллотлар керак.

Подшоҳ битта,  
Қуллар эса кўп —  
Ҳатто подшоҳ ўлсаям, улар  
Қул ота-ю қул оналарнинг  
Қўрқувидан тугилаверар.

Шоир эса жасорат ва ишқ  
Фарзандидир!  
Ўхшар дарёга —  
Қулларгамас, ҳурларга қўшиқ  
Айтмоқ учун келар дунёга.  
Шоирларни отган жаллодлар  
Бугун тирик, тўқир ақида  
Подшоҳ амри ила саллотлар  
Ўқ узган ул кунлар ҳақида.

Улар билмас, ҳеч бир замонда  
Шоирларни ўлдириб бўлмас —  
Ўқ узсаям, бошин узсаям  
Асл шоир ҳеч қачон ўлмас.

Балки билар...  
Билиб чиқмайди  
На кўчага ва на майдонга —  
Дуч келишдан қўрқади балки  
Қодирийга ёки Чўлпонга.

1988

## САРОБ

Булутларнинг қуюқ қатидан  
Ой чарақлар юксақда танҳо,  
Паноҳ излаб муҳаббатингдан  
Мен қошингга келдим, Бухоро!

Сени ўраб турган деворлар  
Энди турар бамисли сароб —  
Улар тўлқин иргитган хутнинг  
Суягидек чирик ва хароб.

Энди улар ҳифз этолмас  
На душмандан ва на офатдан.  
Энди улар тутдек тўкилар  
Ҳолимизни кўриб уятдан.

Ситораи Моҳи Хоссада  
Асир этмас ҳовуздаги ой,  
Қайга боқмай дуч келар менга  
Юзларини шўр босган чирой.

Кезарканман дилим безовта  
Қилар аччиқ дарду аламлар —  
Гўё келар олдимга зада,  
Туғилгандан маҳзун одамлар.

Музаффарнинг жаллоди гўё  
Бунда юрар қонга бўлиб тўқ,  
Кимга боқмай,  
Кўзлари сиёҳ,  
Кимга боқмай, юзида қон йўқ.

Тўй кечаси  
Севгани қолиб  
Амир қучган ёш, бахти қаро  
Келинчақдек таҳқирлангансан,  
Эй, дилимнинг исми — Бухоро!

Дўстларимга бермасдан хабар,  
Учиб келдим қошинга ўзим —  
На дўст ва на душманим кўрсин,  
Дедим ёшга тулганин кўзим.

Ў, Бухоро,  
Душман тигидан  
Яраланган қонли бардошсан,  
Сен мозийнинг юксак тоғидан  
Қулаб тушган рангин бир тошсан.

Бир-бирига уланиб кетган  
Кўчаларинг тонгтача кездим.  
Ва кун чиқар маҳали бирдан  
Мен адашиб қолганим сездим.

Юрарканман шаҳарда тентиб,  
Йул сўрадим, кўксим тўла гам,  
«Биз ўзимиз адашганмиз!» — деб  
Айтди, аммо дуч келган одам.

Сўнг қуёшнинг ортидан бордим  
Ва қаршимда ястанди саҳро.  
Бухородан чиқдиму... эвоҳ  
Олда яна турар Бухоро...

1988

### МИРКАРИМ ОСИМ ЕДИ

...Сўнгги дам кўзига  
Кўринди бирдан  
Олис-олисларга сингиб кетган йўл  
Ва қабогини ёпди эҳтиром билан  
Ғойибдан қанотдек пайдо бўлган қўл.

...Миркарим Осимни  
Хор этган дамлар  
Билдикми дилимиз хор бўлганини,  
Тунлари кўксини  
Тилганда гамлар  
Бир огиз овунчга зор бўлганини?!

Қибланамо бўлиб  
Ҳотиф туйгулар  
Юрагини олиб кетаркан йироқ,  
Йилларнинг кўксини  
Босган уйқулар  
Узра Тарих ёқиб қўярди чироқ.

Ҳасратлар чулгаса  
Куйгич кўксини  
Тунлари Тумарис келиб овутди.  
Оҳ тортса, Навоий артди кўзини,  
Инолчиқ совути дилин совутди.

Боғларни зулумот  
Қуршаб олган чоқ  
Жўнарди — сезмасди буни тириклар.  
Уни қўриқларди тунлари Широқ,  
Уни қўриқларди Темурмаликлар.

Куйиб кул бўлмаган  
Ўтрор тошини  
Қулига оларкан ўйга ботарди  
Ва секин томизиб  
Кўзин ёшини  
Тошдаги ҳикматни у ўйготарди.

Кекса Ўкуз узра  
Сузган булутлар  
Ичра жанг қиларкан зулмат ила нур,  
Карвон йўлларидан утиб борарди  
Манглайига тушиб фалақдан шуур.

Аммо қуёш чиқиб  
Оқарганда тун —  
У яна қайтарди, ҳорғин қайтарди.  
Юрарди гапдонлар  
Ичра худди гунг,  
Ҳамдарди бўлмаса кимга айтарди?!

Кимгаям айтарди  
Ҳамма кар бўлса,  
Уқмаса мозийнинг муқаддас куйин.  
...Бу қандай ватанким,  
Одамни фақат  
Кимлигин англаймиз ўлгандан кейин...

1988

## ТАРИХ КИТОБЛАРИН КЎП ВАРАҚЛАДИМ

Тарих китобларин  
Кўп варақладим,  
Қонли сўқмоқларни айландим такрор.  
Қоралаб йўл босдим,  
Жарлар ҳатладим,  
Кўзим хира тортди, сочим босди қор.

Боравердим тарих ичкарисига,  
Нақшин эшикларни тақиллатдим жим.  
Гоҳо қулоқ тутдим  
Зафар сасига,  
Гоҳо ёшга тўлди аламдан ичим.

Анлардим: ҳеч қачон қутқаролмайман  
На Қурбон момомни,  
На Таробийни.  
Анлардим: қутқара оламан фақат  
Ишончсиз ёғдуга тўлган қалбимни.

Гоҳо Афросиёб адирларида  
Енгилган алп каби ётдим ўксиниб,  
Абубакр мирзо сатрларида  
Гоҳо от ёлига босдим кўксимни.

Искандар Мақдуний  
Кўзига мағрур  
Боқдим боболарим кўзлари билан,  
Гоҳо ўз дилимни  
Ўзим овутдим  
Мавлонозоданинг сўзлари билан.

Гоҳо Утрор ила  
Ёндим чўлларда,  
Тошқанд томларидан ёвга тош отдим,  
Темура аскарлари  
Ўтган йўлларда  
Кўксим ерга бериб мен узоқ ётдим.

Зобит Искобел ут сочган Намангон  
Тутуни кўзимдан ёш оқизган дам,  
Англадим:  
Ёвга қул бўлиши осон  
Унутса Ватан — эрк эканин одам.

Англадим: тили бир,  
Дини бир бўлиб  
Дили бир бўлмаса ўлар экан халқ.  
Бир-бирин қул қилмоқ учун жанг қилиб  
Охири ёвга қул бўлар экан халқ.

Англадим: ҳеч кимни қутқаролмайман,  
На Бобон ботир, на Намоз ўғрини.  
Анлардим, қутқара оларман фақат  
Зулматга тикилган ўйчан ўғлимни...

1988

## ПАДАРКУШ

Самарқанд шаҳрининг бир чеккасида  
Қабр бор — одамлар юз буриб утар.  
Унда Абдуллатиф ётар, дейдилар,  
Дейдилар: «Бу ерда падаркуш ётар».

Билмайман, ростми бу,  
Билмайман, ёлгон.  
Аммо бу қабрнинг қошига келсам,  
Бирдан совий бошлар томиримда қон,  
Бирдан тикилади бўғзимга гуссам.

Гудаклар ўйнаса бу ерга келиб,  
Оталар қувади,  
Оналар қарғар.  
Бу ер тинч, чечаклар ўсади кулиб,  
Қиш келса тўпланар бунда қарғалар.

Йўлчилар ўтаркан баъзан ярим тун  
Дуолар айтади қўрқувдан абгор.  
Мен бўлсам кимлигим англамоқ учун  
Шу қабр бошига келаман такрор.

Мен уни ёдламоқ учун келмайман,  
Келмайман ёдига ўқий деб оят,  
Бу ғариб қабрнинг қошига мени  
Етаклаб келади ўзга ҳикоят.

...Уч кеча Улугбек тушимга кирди,  
Бир қўлда китобу бир қўлда шамшир.  
«Ўғлим қани? — деди. — Китоб келтирдим...»  
«Ўғлим қани? — деди. — Оҳ, уни яшир...»

Яшир, ахир, ўғлим ўлдиролмайман,  
Ўз гулимни ўзим сўлдиролмайман.  
Ўз дилимни ўзим изтиробларга,  
Ғаму ҳасратларга тўлдиролмайман.

Сўрагин, қандай қўл урди бу ишга,  
Алдади қай худбин ўйлар дилини,  
«Отамни ўлдилинг», — дея айтишга  
Оҳ, у қандай мажбур этди тилини.



Сўра, билармиди: иши келмас ўнг  
Ким-ки отаси-ю оғасин сўяр.  
Низомий битгандек:  
Олти ойдан сўнг  
Салтанат тахтини бой бериб қўяр.

Сўра, билармиди: отасин сўйган  
Юртни ўлдирмоққа қодир бўлишин,  
Душманлар юборган жосусдан баттар  
Хўрланиб, зорланиб итдек ўлишин.

Сўра, билармиди: ҳамиша номард  
Отаси яратган боғни қуритар.  
Ботирни яратар доим ўч ва дард,  
Номардни ҳамиша қўрқув яратар.

Сўра, билармиди ўғлим: номардлар  
Отаси, онаси, боласин сотар,  
Дилини, тилини, элини сотар,  
Ё ортдан тиг санчар, ё ортдан отар.

Сўра, биладими эрка фарзандим,  
Билмаса билгани яхши, кеч эмас.  
Уни бу дунёда, у дунёдаям  
Отасидан бошқа ҳеч ким кечирмас.

Сўрагин, агар у жавоб бермаса,  
Ёшлар оқизмагин асло кўзингдан.  
Қабрнинг бошида чекмагин гусса,  
Ўзингдан сўрагин, сўра ўзингдан...»

Сўнг жимиб зулматнинг қўйнига кирди...  
Мен унинг ортидан чопдим ҳаприқиб,  
«Ўғлинг қани?» — дея дилим қичқирди,  
Унинг кўзларига боқшдан қўрқиб.

Ўша дам зулматдан келди бир садо:  
«Бириси шаҳиддир, бириси қотил,  
Учинчиси эса,  
Учинчиси, воҳ,  
Ҳамон ухлаб ётар, бу сенсан, гофил!»

Мен шунда англадим  
Уйғонмоқ керак,  
Қорда унган гулдек тўлғонмоқ керак,  
Адоқсиз тунларни ёритмоқ учун  
Ўғиллар барчаси тўпланмоқ керак.

Аммо қичқирмайин қанчалар бўзлаб,  
Товуш чиқармади бирор бир одам.  
Гуё қулоғи қар, жонини кўзлаб  
Юрганлар юртига айланмиш олам.

Қанча бақирмайин дала-дашгларда  
Хуркитиб толиқиб қўнган қушларни,  
Учратдим Самарқанд, Қўқон, Тошкандда  
Фақат тан қуллари — падарқушларни.

...Ватаним, кўксингга сўнгсиз аламлар  
Оғусин қуйганлар кимлигини айт?  
Оролни қуритган ким? — деб одамлар  
Сўраса, кўрсатай уни ўша пайт.

Ерингни зўрлаган қай малъун кимса?  
Билмасдан мен қандай ортимга қайтай,  
Тупроқни ўлдирган ким? — деб сўраса,  
Ўғлимга мен кимнинг номини айтай?

Падарқушлар даври бўлди бу даврон,  
Диллар аламлару оҳларга тўлди.  
Дилингни ўлдирмоқ бўлган шум, нодон  
Ўғилларинг сенга ҳукмдор бўлди.

Уларнинг кўксини тарк этгач гусса,  
Гуссалар ўрнини олди нишонлар.  
Нишонлар тақди-ю,  
Аслида эса  
Сенинг қўлларингга осди кишанлар.

Боболар ҳикматин тили кесилди,  
Момолар сарвати қилинди горат.  
Эркин дарёларнинг йўли тўсилди,  
Нодонлар тарихинг қилди ҳақорат.

Сени деб жонини берган ўғлонинг —  
Таробий мақбарин бузди падарқуш,  
Янги Таробийлар чиқмасин, дея  
Тарихинг қайтадан тузди падарқуш.

Падаркуш қор тушган пахтазорларга  
Қувди дили хаста болаларингни,  
Падаркуш ўт қўйди чаманзорларга,  
Заҳарлаб ўлдирди далаларингни.

Ўзи қул бўлди-ю,  
Сениям қулга  
Айлангирмоқ учун эркингни сотди,  
Виждону имонни алмашди пулга,  
Ватан деса сўйди, эрк деса отди.

Жоним, оғриқлардан чинқирган жоним,  
Эй олис боболар нидоси — қоним,  
Эй дардим, эй ерим, эй сен мазорим,  
Юрагим озори — Ўзбекистоним.

Сени жондан суйган,  
Дардингда куйган  
Ўғилларинг номи аталди ҳаром.  
Қодирий отилди, Чўлпон отилди,  
Файзулла Хўжаев қилинди бадном.

Сени жондан ортиқ,  
Жаҳондан ортиқ  
Кўрганларнинг дили оғриққа тўлди,  
Фитрату Беҳбудий кўкрагида тиг,  
Усмон Носир совуқ Сибирда ўлди.

Куйинма, падаркуш зоти кўп, десам,  
Марди йўқ уларнинг, ҳаммаси кўрқоқ.  
Ватаним, сени деб юрганлар эса  
Битта бўлгандаям улардан кўпроқ.

Ҳатто ёлғиз ўзи душманлар аро  
Қолсаям, бошини ёвга қилмас хам,  
Сени деб жанг қилар Нажмиддин Кубро,  
Ҳазрат Алишердек улимдан сўнг ҳам...

Самарқанд шаҳрининг бир чеккасида  
Қабр бор — одамлар юз буриб ўтар.  
Бунда Абдуллатиф ётар, дейдилар,  
Дейдилар: «Бу ерда падаркуш ётар».

Билмайман ростми бу,  
Билмайман ёлгон,  
Аммо гариб гўрнинг устига келсам,  
Бирдан совий бошлар томиримда қон,  
Бирдан тикилади бўғзимга гуссам.

Биз уни кечирмай яшаймиз, ҳатто  
Биздан сўнг келганлар кечирмас уни,  
Бу дунёда ёлғиз Улугбекгина  
Кечира олади қотил ўғлини.

Сен эса, Ватаним,  
Нима қилгайсан,  
Гапир, қай биримиз авф этарсан?  
Нечун сочинг ёзиқ, йиглаб кулгайсан,  
Бошингни эганча қайга кетарсан?..

1988

## БОБУР

Отлар елар шиддатдан терлаб,  
Янграр хатар тўла тақалар.  
Ҳуркиб кўкка сапчир патирлаб,  
Тун уйқуси — қора қарғалар.

Отлар елар, тилларанг хазон  
Суворийлар узра сочилар.  
Элас-элас янграйди азон —  
Тоғлар узра осмон очилар.

Отлар елар, елар кўпириб,  
Уйготганча мудроқ йўлларни,  
Гуё тўғон бандин ўпириб,  
Тошқин қувиб келар уларни.

«Заҳириддин, қайга борурсан,  
Бобонг тахтин, юртингни ташлаб?!  
Қора тақдир сени қул каби  
Қаёнларга кетмоқда бошлаб?!

Заҳириддин, бу қандай савдо,  
Қора ҳижрат сари юз тутмоқ?  
Юрагингни этар-ку адо —  
Тирик туриб Ватандан кетмоқ?

Заҳириддин, ортта бир қара,  
Ортта бир боқ, токи сен омон,  
Ахир кейин тушларингда ҳам  
Бу тупроқни кўрмогинг гумон».

От пишқириб тўхтар, чавандоз  
Узангига тирар оёгин  
Ва бугзига тўплар беовоз  
Вужудига тўлган ингрогин.

Алам билан юраги урар,  
Шивирлайди титроқ лаблари:  
«Ҳамма ердан кўриниб турар  
Самарқанднинг миноралари».

1981

#### БЕМОРЛИҚДА

Кузимда зулумот...  
Қип-қизил олов  
Сочларимда ёнар — ўчиролмайман.  
Кимдир қулоғимга шивирлар шу тоб:  
«Нима қилиб қўйдинг?  
Кечиролмайман...»

Бирдан хира сурат  
Ўзгариб кетар,  
Бирдан оқсоқ чолни кўраман яққол.  
Бошимдаги оғриқ бир лаҳза йитар,  
Бир дам пешонамни совутар ях қор.

О, кошки боролсам  
Сенинг ёнингга,  
Қўлингдан қиличу совутинг олсам  
Ва душман лашкарин саҳрога қувиб,  
Сўнгги дам «Енгдим!» деб  
жилмайиб ўлсам...

О, кошки боролсам,  
Тўмарис билан  
Душманлар устига елдек учгани  
Ва она юртимга бостириб кирган  
Ёвнинг ишқдек ширин қонин ичгани.

Аммо мен... Зулматда адашиб танҳо,  
Оч қолган бўриман...  
Увиллайман зор...  
Ярамдан чакиллаб тушар қорга қон,  
Теграмда ватаним,  
Теграмда мазор...

Бир олов ичимни  
Ёндирад кўпчиб,  
Жонимга чанг солар дард даҳшатдайн.  
Бошим узра бўрон учади кўчиб,  
Бошимга қировлар тўкилар майин.

Олазарак боқар тўрт ён кўзларим,  
Бўриман — ягриним куйдирар яра.  
Қорга чўкиб борар қонли изларим,  
Мени таъқиб қилар алам, хотира.

Судралиб бораман  
Инграб, увиллаб,  
Болаларим ётган уядан узоқ.  
Маккор ёв келади ўқ узиб, қувлаб —  
Аммо қоним қувар ёвдан ҳам тезроқ...

*1988*

## НАВОИЙ ҚАБРИ

Ҳирот шаҳристони  
Узра балқиб тонг,  
Шуурга тўлганда чорбоғу даштлар,  
Шаҳар четигаги  
Қадим қабристон  
Дарвозасидан кирди икки ёш аскар.

Елкаларда милтиқ  
Осилган эди,  
Бири ўзбек эди, бошқаси — афгон.  
Тинч эди, сарин ел  
Гир-гир эсарди,  
Хатарни сезгандек қизир эди қон.

Қабристон оралаб  
Айланди улар,  
Ўлганлар уйқусин асло бузмасдан.  
Анбар исларини  
Сочарди гуллар  
Уруш даҳшатини, қонни сезмасдан.

Ёш афгон аскар  
Тўхтару бирдан,  
Бир дам бошин эгиб хаёлга ботар,  
Сўнг айтар қандайдир  
Бир алам билан:  
«Бу мақбарда ҳазрат Навоий ётар...»

Бу сўзни эшитган  
Ўзбек боласи  
Вужудида кўзин очди муз титроқ.  
Бирдан кўз ўнгидан  
Ярқ этиб ўтди  
Олис-олисдаги қадрдон тупроқ.

У узоқ ўтирди  
Мақбар қошида,  
Ўз-ўзидан ногоҳ намланди кўзи.  
Армонлар бор эди  
Кўзин ёшида,  
Тилига югурди дилининг сўзи:

«Бобожон, наҳотки,  
Шунда ётибсан?  
Агар шундай бўлса, берақол садо.  
Бу ерга Амудан  
Ошиб келганман,  
Байналмилал бурчим этай деб адо.

Сенинг хокинг ётган  
Бу бадбахт юртга  
Қўлда милтиқ билан мен кириб келдим.  
Икки йил жанг қилиб,  
Фақат шу бутун  
Сенинг бу тупроқда ётганинг билдим.

Кўзим кўр, дилим кўр,  
Тилим кесилган,  
Сенинг неварангман, сенинг болангман.  
Бобожон, кечиргин,  
Исм-шарифингдан  
Бошқа ҳеч нимани яхши билмайман.

Гарчи мен яшаган  
Юрт шоирлари  
Сенинг номинг билан ичурлар қасам,  
Мен қандай ишонай  
Бу қасамларга,  
Сенинг юрагингни агар билмасам.  
Билсам, келармидим,  
Ахир, бобожон,  
Сен ётган тупроққа милтиқ, тиг ушлаб...»  
Ёш ўзбек ўғлони  
Сўзларди нолон,  
Аламу ҳасратдан лабини тишлаб.

У узоқ сўзлади  
Силқиган дарддан,  
У узоқ сўзлади бўлганча адо.  
Аммо тонг сукутин  
Бузиб мақбардан  
Чиқмади барибир бирон бир садо...

1988

## ТАЛАБ

Самарқандга яқинлашган он  
Юрак бирдан газаб-ла урар,  
Юксак адир устида, не тонг,  
Босқинчилар ҳайкали турар.

Улар қўлда тигларин ушлаб  
Ватанимга кириб келганлар,  
Ватан дея жанг қилган эрлар  
Бошин кесиб, кўксин тилганлар.

Улар сутни қўшганлар қонга  
Оналарнинг мурдасин янчиб,  
Кўтарганлар қора осмонга  
Болаларни тигларга санчиб.



Улар зулми, улар азоби  
Тулдиргандир дилни озорга,  
Улар утган йўллар атрофи  
Тулиб кетган сонсиз мазорга.

Улар бизга илму зиёмас,  
Қуллик, хорлик олиб келганлар,  
Боболарнинг китобин ёқиб,  
Бизни нодон, дея кулганлар.

Улар тўпга тутганлар халқим,  
Шаҳрим бўлган хор, кунпаякун.  
Демак, бордир сўрашга ҳаққим:  
«Босқинчини ёдламоқ нечун?!»

Нечун бунда Намоз, ё ботир  
Бобон номин ёд олмас биров,  
Нечун бунда ёдланар, ахир,  
Эрк қотили — истилочи ёв?

Кимлар бизни масхара этар,  
Кимлар бизни қилар ҳақорат,  
Қачон бу зулм абадий йитар,  
Қачон диллар қилинмас горат?!

Бу дунёда босқинчидек ғар,  
Босқинчидек золим йўқ, халқим!  
Ҳайкал эмас, сенинг кўксингда  
Занглаб ётар битта ўқ, халқим!

*1988*

## ТЕРГОВЧИ

Бу чолни «терговчи» дейишар ҳамон,  
Ҳамон исмин олиб атамас биров.  
Қовуннинг тўридек чол юзида қон  
Томири тўр ёзган,  
Сочида қиров...

Қушниси газета кўтариб чиқар:  
«Яна сизларни хўб ёзишибди...» — деб.  
Чол булса, шошилмай кўзойнак тақар,  
Мингиллар: «Фактларни бузишибди!» — деб.

«Шундай бўлгани рост,  
Халқ душманларин  
Роса қийратганмиз! Керак бўлган-да!  
Улар қўлимиздан қутилган фақат  
Қийноқ-азобга дош бермай ўлганда.  
Омбирдек бураб қўл кишанларини  
Кундан-кун бўлардик ёвга тошбағир,  
Шўро ҳукуматин душманларини  
Аяшни қай телба ўйларди, ахир?!»

Ёзса, ёзаверсин...  
Ҳеч нима бўлмас...  
Фақат эслатгани чатоқ... Кечаси  
Қошимга арвоҳлар келади бесас,  
Ўзим отганларнинг неча-нечаси...

Даҳшати бу эмас,  
Майли, айтайин,  
Дилга огир қанча яшириб юрмай:  
Ўша келганларни ҳамон қийнайман,  
Уларни қийнайман ҳамон сув бермай...

Мана шуниси чатоқ,  
Келиши эмас...  
Энди фарёдларни кутармас юрак.  
Қариганман, асаб мисли қуруқ хас,  
Лов этар... Мен эса яшашим керак...»

1988

## ОЛИС-ОЛИС ТОГЛАР ТОМОНДА

Олис-олис тоғлар томонда  
Қўзғалмоқда кузак бўрони  
Ва ҳадемай чексиз осмонда  
Пайдо бўлар унинг сурони.

Печакгулнинг новдаларидан  
Япроқлари тўкилиб бўлди.  
Чечак боғлар,  
Заъфарон боғлар  
Хазонларнинг оҳига тўлди.

Қировларга айланар шабнам,  
Ой гардишсиз чиқмас фалакка.  
Ўз-ўзимни тайёрлаб мен ҳам  
Сигинаман ёлғиз юракка.

Уни-да мен очдим дардларга,  
Қутқаради дилни фақат гам.  
Гам ёр булар фақат мардларга,  
Улар гамни кўрмаслар баҳам.

1988

\* \* \*

Юлдузларин кўкка сочди гайб,  
Ой ҳам чиқди сочлари тўзиб,  
Гуё қилиб қўйгандайин айб,  
Шол рўмол-ла юзини тўсиб.

Сукут аро ухлайди дала,  
Ой сутини ичиб гўдақдай —  
Қайлардадир, қилганча нола,  
Бўзлаётир гамдийда қўшнай.

Тиниқ тортиб боради осмон,  
Аммо сирин очмас мавжудот.  
Поёни йўқ адирда бу он  
Ўтлаб юрар киртиллаб бир от.

От ёнида чўзала тушиб,  
Кўкатларни силайди қўлим.  
Юлдузларнинг тафтида яйраб  
Бундай пайтда исинар ўлим.

Ҳув, пастликда шағиллар дарё,  
Қиргогида қамишлар қалин.  
У яшириб тургандек гуё  
Бу дунёнинг ҳасратли қалбин...

1989

\* \* \*

Рафиқ бўлолмассан, дилинг сотарсан,  
Нишон олмоқ учун элинг сотарсан.  
Расул бўлолмассан, гулом бўларсан,  
Гайратинг йўқ сенинг, қўрқиб ўларсан.

1988

## «БОБУРНОМА»ГА БИР НИГОҲ

Шер оҳуни қувиб етар,  
«Қарс» синади оҳу бўйни,  
Оҳунинг қонин ичиб,  
Оҳунинг гўштини еб  
Шер оҳуга айланар,  
Чангалзор томон қочар...  
Овчи ўқ узади:  
«У-у-у-у-у!»

1989

\* \* \*

Зўр шоир дилида зўр умид яшар,  
Кўр шоир дилида кўр умид яшар.  
Ҳар умид тупроққа ташланган дондек  
Бутун коинотдан нур кутиб яшар.

1989

## КУЗ ТАШБЕҲЛАРИ

Бева аёл қалби — саргайган япроқ,  
Ўтмиш ёди — булут чуллаган юлдуз.  
Ўзбек боласининг рангидир — тупроқ,  
Учиб кетган қушнинг бўм-бўш ини — куз...

1989

## КИЧИК ЁЛҒОН ҲАҚИДА ДОСТОН

Бу кичкина ёлғон оламини  
Қила олар талотум, адо —  
Ўзин тўқиб чиқарганлардан  
У узоқроқ яшайди ҳатто.

Унинг кучи шундаким, ҳар бир  
Юракка жо бўлиши мумкин.  
Ўлим билмас бу ёлғон фақат  
Юрак билан ўлиши мумкин...

1989

Фикр жимирлар, худди  
Осмондаги юлдуздек —  
Дилим ёруғ кундуздек...

Ёмғир ёғар, кезар куз,  
Дунё билан юзма-юз  
Ўтирибман мен танҳо.

Бўёқ ўчган, нур ўчган,  
На ташвиш, на ҳасрат бор,  
Асрлар лаҳзага жо.

Худди ёлғиз бир ўзим  
Шу асрлар қатидан  
Ситилиб келгандайман.

Кеча... Фикр ва юлдуз —  
Иккиси жимирлайди  
Тун ва жаҳолат аро.

Зулм, жаҳолат аро  
Ёш боладек хатардан  
Беҳабар ўйнар фикр...

1989

### БАЛЛАДА

Жанг сурони тинар аста...  
Қора кеча... Қора кеча...  
Она хомуш. Теграсида  
Қора кеча. Қора кеча...

Ким эшикни тақиллатар?  
Қора кеча. Қора кеча...  
— Бу мен — ўглинг...  
Душман қувар!..  
Қора кеча... Қора кеча...

— Уканг қани, қайда қолди?..  
Қора кеча. Қора кеча...  
— Душман уни қуршаб олди!..  
Қора кеча. Қора кеча...

— Наҳот уканг ёвга асир?!  
Қора кеча. Қора кеча...  
— Онажоним, мени кечир!..  
Қора кеча. Қора кеча...

Остонага сачради қон.  
Қора кеча. Қора кеча...  
Аза очар она, ҳамон  
Теграсида қора кеча...

1980

### ЎҒЛИМ ТЕМУРГА

Ўғлим, бу ер —  
Бизнинг еримиз.  
Ўзимизнинг еримиз.  
Қурқмасдан қадам ташла.  
Ер жуда қаттиқ —  
Боболарнинг қони қотирган уни,  
Момоларнинг кўзёши қотирган.  
Ўғлим, бу ер —  
Ўзимизники,  
Ҳадиксирама, ишонгин отанга,  
Ҳадеб қарайверма орқанга.  
Йиқилсанг, кўтарар  
Сени бу тупроқ.  
Йиқилсанг, турмоқни урганасан,  
Турмоқни ўрган, ўғлим.  
Йиқилсанг, эмаклама,  
Эмаклаганим етар, ўғлим.  
Қад тиклашни ўрган,  
Шунинг учун бизга берилган  
Бу ер — бу Ватан.

1981

### ИШОНЧ

Қирқ тўрт миллионни, ўртоқ Гдлян,  
Ўзбек боласига қайтарсак, дебсиз,  
Номини ўтрига чиқариб, энди  
Сиз она халқимнинг гамини ебсиз.  
Мен сизга ҳеч қачон қуллуқ қилмайман,  
Раҳматлар айтмайман,  
Қўймайман ихлос.

Халқимнинг пешана тери яратган  
Пулларни қайтармоқ бурчингиз, холос.

Бу пулларни сонсиз нишонлар осган,  
Халқ дилин топтаган ўғриларнинг кир  
Панжаси халқимнинг қадоқлар босган  
Қўлларидан тортиб олган-ку, ахир!

Не-не устамонлар  
Халқим юзига  
Тамга қилиб босди бу кир пулларни,  
Қилар ишни қилиб қўйгандан кейин  
Қайтариб берайлик, дебсиз, уларни.

Бу пуллар халқимга жудаям керак,  
Тешик киссасини тўлдирса зора,  
Зора қўлларига етмаган пулни  
Бирор бор унгида кўрса бечора.

Аммо нега оғрир  
Зирқираб кўксим,  
Нега кўзларимдан тирқирар ёшлар,  
Нега надоматга тўладир кўзим,  
Нега дилга тегар отилган тошлар?!

Зўр-зўр устунларни қулатган шоввоз,  
Пулларни қайтариб берсак, деса ҳам  
Нечун дилимда йўқ қувончдан овоз,  
Нечун ўтирибман бошим қилиб хам?!

... Ахир, қароқчилар талаган карвон  
Эгаси молини қайтиб топсаям,  
Хурланган қадрни,  
Топталган дилни  
Бус-бутун қайтариб олганлар қачон?

Қачон совуқ тупук  
Одам юзини  
Куйдириб юрмаган, ахир, ўлгунча?  
Кимга керак бўлди бундай хурламоқ,  
Халқ сабр косаси қонга тўлгунча?!

Ў, сабр косаси тўлган халқ агар  
Кўзгалса, олдида тоғлар паст бўлар,  
Қуллари чўқмору,  
Киприги ханжар,  
Алпомиш мисоли забардаст бўлар.

Пулларни қайтариб берарсиз, балки...  
Аммо ким, қай даҳо, қандай дуолар,  
Қандай куч, қай қудрат халқим дилига  
Топталган умидни қайтара олар?

Мангу угирланган болалигини  
Ким қайтиб беради менинг халқимга,  
Қачон жавоб берар зугум қилганлар  
Менинг ҳаётимга,  
Менинг ҳақимга?!

Айтинг, ким қайтарар  
Ўзбек боласин  
Сабухий, сабзаранг уйқуларини,  
Эгатларга сингиб, беиз йўқолган  
«Инсонманми?!» деган туйғуларини?!

Юзидан қон қочган,  
Касалманда, хаста  
Кампирдек букчайган бу ёш қизларга  
Ким қайтиб беради умрин ярмини,  
Ким қувонч бағишлар нурсиз кўзларга?!

Туғолмай жон берар  
Гулдек келинлар,  
Бир қултум ҳавони ютолмай ўлган  
Гўдаклар умрини ким қайтарар, ким?!  
Қара, юртим гўдак қабрига тўлган!

Пахта деб дунёдан ўтганин билмай,  
Қонзардоб дардларин ичига ютган,  
Умрида бирор бор шодланиб кулмай,  
Гулнинг нималигин тамом унутган

Ўзбек аёлларин ким айлар озода,  
Ким берар уларга бахт, муҳаббатни?!  
Ким олиб ташлайди,  
Қайси улуг зот  
Улар елкасидан тавқи лаънатни?!



Уларнинг кўзида  
Милт этган нур йўқ,  
Уларнинг дилида алам бор фақат.  
Пахтага эгилар,  
Бош кўтарса ўқ  
Қулатгудек — қилмай заррача шафқат.

Алвон шиорлардан  
Тополмай нажот,  
Тирик байроқ булар узин ёндириб.  
Ишонч йўқ, умид йўқ,  
Орзу — беқанот,  
Учолмас — қафасни бўлмас синдириб.

О, дилда ишончни барқарор этгай  
Қай қудрат, қай сеҳр,  
Қай бир мўъжиза?!  
Қачон бу диллардан жаҳолат кетгай,  
Дилларни даволар қай бир «Ўржуза»?!

Қачон бу дилларга  
Қайтади қувонч,  
Ким соқов дилларга тил ато қилар?  
Дардингни айт, халқим,  
Юрагингни оч,  
Бўлмаса дилингни ҳам адо қилар.

Дардингни айт, халқим,  
Тўлиб-тўлиб айт,  
Айтавер, келса ҳам гамга фалак тор,  
Сенинг бу дардингни ўз юрагига  
Олай деган ботир йигитларинг бор.

...Қирқ тўрт миллионни қайтаринг, бироқ —  
Энг аввал ишончни қайтармоқ шартдир.  
Аламлар ичидан  
Чекмасдан фироқ  
Қаддини тиклаган халқ доим марддир.

Гарчи жабр тоши елкасин эзар,  
Гарчи ҳасратлардан юраги куюк,  
Шубҳалар ичидан  
Ишончни топиб  
Қаддини тиклаган халқ доим буюк.



Кузни уйла  
Икки тол овутолмаётган  
Беланчақдаги боланинг бўғилиб йиглаши,  
Кун иссигида кўксида сути қуриб қолган  
аёлнинг  
Изтироби аро кузни уйла  
Кузни уйла  
Кузни уйла...

1981

### АЛПОМИШНИНГ ҚАЙТИШИ

Бепоён далада бир ботир ухлар,  
Сочлари чатишиб кетган гиёҳга.  
Қай садо ботирни яна қайтарар  
Бу кўҳна, бу соқов, бу кар дунёга?

Мўйсафид табиблар гирдида ҳалак,  
Дуогўй кампирлар уни қуршамип.  
Фақат уйқу аро тепинар юрак,  
Бироқ кўзларини очмас Алпомиш.

Бургутлар чўқилаб узар гўшгидан,  
Булбуллар ин қураар киприкларига.  
Учқур асрларнинг тезкор шашгидан  
Чанг қунар қирдай кенг кўкракларига.

Чоллар қайгуради: «Ким уйготар, ким?»  
Кампирлар йиглайди: «Уйгонмас мангу!»  
Шамоллар гувиллаб ўтар бетиним.  
Бошида булутлар қотган беуйқу.

Хира кўзларини узмай уфқдан  
Донишманда чолгина йўлга термилар  
Ва айлар башорат: «Уни уйқудан  
Уйгота олади фақат болалар».

1982

## ЗАНЖИР

Занжир бўлмаса-да сенинг қўлингда,  
Занжирнинг изи бор — қонталаш бир из.  
Йўқдир қароқчилар ўтган йўлингда —  
Дилингда қўрқув бор —  
Муздек совуқ ҳис.

Ҳеч ким милтигини ўқталмас сенга —  
Аммо курагингнинг бир жойи оғир.  
Гўё шу нуқтага келиб тегар ўқ —  
Бу даҳшат остида яшамоқ оғир.

Ҳеч ким мажбур қилмас «Ишонгин» дея,  
Сен ўзинг ишонгинг келар ёлгонга,  
Сен ўзинг дилингни қиласан ҳада  
Дилларни емоққа уста ҳайвонга.

Бу ҳайвон кўксида тош бор — музлаган,  
Шу тош билан чақар каллаларни у.  
Ёқтирмас қўрқувни билмай сўзлаган  
Қўрқув кушандаси — болаларни у.

Болалар овозин эшитса титрар,  
Қулогин бекитар, кўзин юмади.  
«О, тезроқ улғайса!» — дея шивирлар  
Қонолуд сўлагин ичга ютади.

У билар болалар улғайгунча то  
Хавф бордир, улғайса — тугайди хатар.

Дунёни қайтадан тузаман деган  
Фидойи болалар бундан беҳабар.

Зулматнинг ичидан бир умр ўтмоқ  
Дилларда уйготар муздек совуқ ҳис.  
Занжирни кўрмаган улар қўлида  
Занжир изи пайдо бўлар — қонли из...

1989

★ ★ ★

Самарқанд — заъфарон тирамоҳ,  
Бухоро — қирмизи саратон.  
Тош шаҳри — совиган қаҳрабо,  
Туркистон... Туркистон... Туркистон...

Хива «Хайр» каломи. Сукунат,  
Саҳрода янграган қўнғироқ.  
Қўқон — боғ. Ватан деб жон берган  
Йигитлар қонини ичган боғ.

Шаҳрисабз кабутар патидир,  
Зангори рангларга бўялган.  
Термиз — кўр хаттотнинг хатидир,  
Замонлар зарбидан туйилган.

Бобурнинг кўзёши — Андижон,  
Марғилон — минг ёшли қизалоқ.  
Туркистон... Туркистон... Туркистон...  
Даштдаги қон рангли қизгалдоқ...

1989

### БИЙ МУҲИБ ЖАНГИЙ

Қора тунда  
Уйғонаман,  
Узилган  
    калланинг  
        ерга  
            тушган  
                зарбидан —

Қора тунда  
Сапчиб тураман,  
Болишим ёнида  
Ётган

    қонли  
        каллани  
            кўриб...

У менга жилмаяр,  
У менга шивирлар:  
— ўлганим йўқ ҳали, Бий Жангий!  
Қора тунда

Одамлардан бекиниб  
Мозорга бораман,  
Сунг унинг қабрини  
қучиб  
йиглайман —  
Қабрини  
қучоқлаб  
ухлаб  
қоламан...

Уйғониб кетаман  
Даҳшатдан бирдан —  
Бир чечак  
қиличи  
бўйнимга  
тегиб...

1989

#### БОЛАЛАР ВА ДОҲИЙЛАР

Болаларга ўхшар доҳийлар,  
Болалардек ўйнар улар ҳам.  
Болаларнинг ўйини — қувонч,  
Доҳийларнинг ўйини — ситам.

Гар болалар эртақ тинглашни,  
Жону дилдан ортиқ суярлар,  
Доҳийлар-чи, эртақ тўқишни  
Жону дилдан ортиқ қуярлар.

Гар болалар қўғирчоқларнинг  
Қўл-оёғин, бошин узарлар,  
Доҳийлар-чи, бутун халқларнинг  
Онги билан дилин бузарлар.

Гар болалар қўғирчоқ билан  
Ўйнашади берилиб дилдан,  
Доҳийлар-чи, ўйнашар фақат  
Одамларнинг тақдирин билан.

Шоирларни суяр болалар,  
Доҳийлар-чи, уларни суяр.  
Болалар қанд, ё мураббо еб,  
Доҳийлар-чи, қон ичиб тўяр.

Болаларнинг дили оғриси,  
Күзёш тўкиб йиглашар юм-юм.  
Доҳийларнинг дили оғриси,  
Майдонларга чиқади зулм.

Болаларга ўхшар доҳийлар,  
Болалардек ўйнар улар ҳам.  
Болаларнинг ўйини — қувонч,  
Доҳийларнинг ўйини — ситам...

1989

### УХЛАГАНЛАР, УЙҒОНИНГ!

«Ухлаганлар, уйғонинг...» —  
Шивирлар тун аро шам.  
Даст уйғониб қарасам  
Оқиб ётибди қоним...

Уйғониб қарасанг-чи,  
Уйғотиб қарасанг-чи...  
Аччиқ күзёш. Қора қон.  
Қонга бўялган қамчи?

Бетон зиндон. Кўр қўрқув.  
Оқ туз сепилган кунда...  
Уйқудан уйғонинг, ҳув,  
Қолиб кетмангиз тунда...

1989

### БУ ҚИШЛОҚЛАР

Бу қишлоқлар атрофин қўршаб  
Ўраб олган пахта даласи,  
Анқитмайди томлари туршак  
Ҳидларини асад палласи.

Бу қишлоқлар узум қўрмаган,  
Олма нима — билмас боласи.  
Умидидек кесиб ташланган  
Бир пайтлари унинг олмаси.

Бунда қуёш чиқмасдан туриб,  
Кузак тушган, баргхазон кезлар  
Пахтазорга чиқиб кетади  
Қодирийни билмаган қизлар.

Эллигида чол бўлган эрлар,  
Қирқ ёшида сўлган аёллар  
Узра бунда учиб юради  
Оғу билан сармаст шамоллар.

Туғилмаган ўглига атаб  
Бунда кўйлак тикар оналар,  
Аmmo бола туғилар... Уни  
Қабристонга элтар оталар.

Бу қишлоқлар атрофин ёвдек  
Ўраб олган пахта даласи.  
Ёвга таслим бўлган аёллар  
Ўзин ёқар оқшом палласи.

1989

### КУЗ СУРАТИ

Яна сокин чорбоғлар аро  
Ёмғир ёғар шитир-шитирлаб,  
Яна менинг қулоғимга гам  
Ниманидир сўйлар шивирлаб.

Яна тиниқ тортди ўйларим,  
Худди қамиш шовиллашидек,  
Яна дилда жўшди куйларим,  
Хазонларнинг ловиллашидек.

Қора тортган дала сўнгида  
Зўрга босиб бужур титроғин,  
Қари чинор дуолар ўқиб  
Кўмаётир сўнги япроғин...

1989



Қушлар кетди.  
Бурутлар қайтди.  
Қолди яна маънос дарахтлар.  
Яна қуёш ботган шом пайти  
Дил бузлайди — дилни дараклаб...

Боғлар аро қушлар овозин  
Акс-садоси турар жаранглаб.  
Кезиб юрар мусаввир маҳзун —  
Дарахтларнинг баргларин ранглаб.

Далаларга қиш маликасин  
Оқ рўмоли — қиров тушади.  
Сирға ос, деб куз дарахтларнинг  
Қулогини секин тешади.

Жумабозор сайлидан қайтган  
Ота каби қувониб бир-бир  
Сирғаларин улаша бошлар  
Ҳар дарахту гиёҳга ёмғир...

1989

## XX АСР ОНАСИ

Қимирлади тунда у  
Юрагимнинг остида,  
Қимирлади қўрқуву  
Ажиб бир талвасада.

Гўё сўрамоқ бўлди:  
— Она, айт, тинчми олам?!  
Юрагим гамга тўлди,  
Шивирладим: — Жим, болам!

1985

Т. ҚОСИМБЕКОВНИНГ  
«СИНГАН ҚИЛИЧ» КИТОБИГА БИТИК

Туңдан құрқма!  
Тунни ич!  
Ва мағрур боқ саҳарга.  
Синган бўлса гар қилич,  
Айланур у ханжарга.

1985

ДЕРАЗАМ ОЛДИДА

Деразам олдида  
Минг йилдан буён  
Қор ёгилар — деразамни қалин муз босган.  
Уйда утираман,  
Ҳеч чиқолмайман —  
Кимдир ташқаридан эшик зулфинига  
Чақалоқ бошидек  
Катта қулф осган.

Фақат қор деразам олдида  
Минг йилдирким бўралаб ёғар.  
Кимдир ўтар...  
Қор гижирлайди,  
Қайдадир қарсиллаб синади шоҳлар.

Минг йиллик ҳасратим,  
Минг йиллик қувончим  
Қорга синган ёруғлик каби  
Менинг хаёлимга сингийди аста.  
Нафасим билан илитаман деразамни,  
Қорни кўрмоқ учун — қор бўралайди...

Ичимда совуққотган бир одам бордир,  
Гулхан қилиб ёқар сирларимни у,  
Совуқдан кукариб кетган қулини  
Гулханда иситиб шивирлар маҳзун:  
«Мен совуқ қотяпман,  
Минг йиллик қорга  
Қўлларимни чўзсам, қўлларим куяр...»

1989

## ТУРГУН АЛИМАТНИНГ ТАНБУРИ

Гудак тобутини елкалаб олган,  
Унинг енгиллигин туюб букилган  
Оломон сукутин — чеки йўқ қайғу,  
Изтироб саҳросин сукутин тилган  
Мусича «ку-ку»син ҳасратими бу?

Боласин ортидан, сочларин юлиб,  
Юзлари қонталаш, кўзлари дали,  
Бамисли эсидан оғандек дарё  
Борлиқни аямай оқизаётган  
Муштипар онанинг фарёдими ё?

Ё банди, таланган, хору зор элин,  
Бузилган, булганган вайрона юртин  
Қошида ит талаб гамгузор дилин,  
Хужайраларига ботиб юз тикан  
Турган ёш ўғлоннинг ҳасратимикан?

Ингроғи югурди кўзларгача то,  
Сўнгра оқиб чиқди минг юлдуз бўлиб,  
Юрак бу қайғудан, бу изтиробдан  
Поклана-поклана қасосга тўлиб  
Жанг учун юз бурар қонли саробдан...

1986

## ҲОЛБУКИ, ШЕЪР...

Уялмасдан қўйдим,  
Бақириб  
Минбарлардан шеър ўқимоқдан.  
Ҳолбуки, шеър —  
Уйга чақириб  
Дилингдаги сирни дўстинга  
Очмоқдайин қутлуғ маросим.  
У — васият,  
Ота қайси бир  
Фарзандига бутун меросин  
Қолдирмоғи битиб қўйилган.

У дон излаб учган,  
Қайтганда  
Палапонин топа олмаган  
Она қушнинг қичқиригидир...

1989

## ЮЛДУЗ

Дўстимни чақирсам,  
Қарамай кетди —  
Бир дарахт ёнимда чайқалди нотинч.  
Товушим кўкдаги юлдузга етди,  
Қонимда уйғонди энг сўнгги илинж.

Дардимни айтсайдим, дегандим, бироқ  
Дўстимни чақирсам, қарамай кетди.  
Мен уйга қайтдим у ёндирдим чироқ,  
Дунё сокин эди,  
Дунё тинч эди.

Чироққа термилиб ўйларга ботсам,  
Қошимга гамларнинг барчаси қайтди.  
Чироқни ўчирмай ухламай ётсам,  
Чирогим юлдузнинг сўзини айтди...

1989

## ЯПРОҚ УЧИБ ТУШДИ

Япроқ учиб тушди дарахтдан,  
Аммо ерга тушмасдан учди.  
Айрилгандек муқаддас тахтдан  
Наҳот уни аламлар кучди?

Ҳой, сен япроқ,  
Қайга учарсан  
Қарамасдан бўруну қорга?  
Товуш чиқди бўрон ичидан,  
Шивирлади япроқ: «Баҳорга...»

1989

Ғазабдан сақлан, шоир,  
Нафратга берма дилинг.  
Йўлдошинг бўлсин меҳр,  
Шафқатли бўлсин қўлинг.

Муҳаббат дея яша,  
Бил, муҳаббат қудратдир.  
Қуёшга, ойга ўхша,  
Ғазабдан сақлан, шоир.

Нафрат дилни қилар кўр,  
Ғазаб дилни бузади.  
У дилингда очилган  
Гунчаларни узади.

Энг ожиз жой дилингдир —  
Аммо уни уқубат  
Енголмайди, гар унда  
Қарор топса муҳаббат.

Бу қаттол замон аро  
Яшамоқ жуда огир,  
Тонгда кўз очганингдан  
Шомгача юрак огир.

Бу замон нафрату шон  
Шоирларин замони,  
Шундай экан, муҳаббат  
Бўлсин дилинг қалқони.

Ватанниям газабу  
Нафрат-ла сақлаб бўлмас,  
Дилида муҳаббати  
Йўқ одам юрт деб ўлмас...

1989

### ШАМНИ ҲЧИРДИЛАР...

Шамни ўчирдилар ва пок нафаслар  
Орол тўлқинларин сасидек тинди.  
Дилида худони ўлдирган каслар  
Ўзгалар дилини ўлдирар энди.

Энди онаизор олдида турган  
Нонни уялмасдан тортиб оларлар,  
Энди зулмат аро йўл излаб юрган  
Одамларни жарга тикка соларлар.

Меҳру шафқат йўқдир,  
Ор-номус йўқдир,  
Дилларда муҳаббат чироги сўнган.  
Диллар ялангочу қоринлар тўқдир,  
Ҳамма тақдирига кўниккан, кўнган.

Даҳшатли замон бу!  
Қотиллар билан  
Гофиллар ёнма-ён яшаган замон.  
Қор ёғар — бу қорни қуёшмас, совиб  
Улгурмаган қонлар эритар ҳамон.

Дилни топташ осон,  
Хўрламоқ осон,  
Қадри йўқ на гиёҳ, на инсон умрин.  
Туғилган ондаёқ шайтонлар келиб  
Ўғирлаб кетарлар дилнинг шуурин.

Тарихни булғайди истаган малъун,  
Истаган тарихнинг кўйлагин ечар.  
Жаллодлар бир-бирин соғлиги учун  
Шаҳидлар қонини май каби ичар.

Ичар оломоннинг кўзи ўнгида,  
Лаб ялаб тамшанар ташна оломон.  
Қуриган денгизнинг қирғоқларида  
Бўзлайди кўзлари чашма оломон.

Тили бору соқов, кўзи бору кўр,  
Дили бору золим, ақли бору ғар  
Авлодлар бирига бири меросхўр  
Ўтдилар! Наҳотки яна ўтарлар?!

Қўлига милтиқ ё тиг олар экан,  
Одам ўлдирмоққа мудом шай улар,  
От, деса отади, шафқат қилмасдан,  
«Ур» — деса, отасин аямай урар.

Онасин машина босган уғиллар  
Пул талаб қилади айбдордан фақат.  
Пул талаб қилади дили сўқирлар,  
Ҳатто боласига қилмайди шафқат.

Қотиллар шаҳидлар ҳақида қалин  
Хотира китобин ёзиш билан банд,  
Шоирлар яширар ёлгонга қалбин,  
Ақлини нодонлик ичра донишманд.

Қулнинг қули бўлиб неча авлодлар  
Кечди зулмат аро йўл қидирмасдан,  
Нодондан фарқ қилмас донишманд зотлар,  
Ҳушёрларнинг фарқи йўқдир бадмастан.

Фақат ҳайкал қули кўрсатган томон  
Йўл босиб юрдилар ўхшаб кўр, гарга —  
Энди тисланарлар, совиб дилда қон,  
Боқарлар олдинда ястанган жарга.

Иззат-икром қилиб тош ҳайкалларни,  
Тирик одамларни унутган замон.  
Дилларда ўлдириб ишқ, ҳайратларни,  
Қувонч аламларни унутган замон.

Танглайига тили ёпишиб қолган  
Одамлар замони, қотил замон бу!  
Ҳақиқат ёлгонлар ичра йўқолган,  
Юракни ўлдирган қотил замон бу!

Дилни топташ осон,  
Хурламоқ осон,  
Қушиқ куйлар тунда фақат бадмастлар...  
Заминнинг устида айланиб сарсон,  
Одамни қидирар учар баркашлар...

1989

\* \* \*

Сенинг ишинг умр кечирмоқ,  
Менинг ишим сени кечирмоқ.

Сенинг ишинг қафас ясамоқ,  
Менинг ишим эрк деб яшамоқ.

Сенинг ишинг қонунлар тузмоқ,  
Менинг ишим уларни бузмоқ.

Сен қафасга қушни соларсан,  
Соларсан-да, лаззат оларсан.

Мен қушларни озод қиларман  
Ва ўзим ҳам озод буларман...

1989

## ҚИЗИЛ ИМПЕРИЯНИ ҚЎМСАГАН КИМСАЛАРГА

Тарихнинг шиддатин тўсмоқчи бўлиб,  
«Ортга қайтинг!» — дея даъват этасиз.  
Қуйиб берсак, бизни, қаҳрга тўлиб,  
Яна жар томонга бошлаб кетасиз.

Қизил байроқларни баланд кўтариб,  
Қайтайликми яна қулик, ёлгонга?  
Қайтайликми яна шаҳид боболар  
Қонлари сачраган Қизил Майдонга?

Дилимни, динимни, она тилимни  
Хўрлаган замонга яна қайтайми?  
Қайтиб, Навоийни берган элимни  
«Жоҳил, саводсиз» деб яна айтайми?

Яссавий, Нақшбанд, Темур руҳини  
Нега чирқиратай, нега хор этай?  
Нечун боболарим эккан толларни  
Келажак фарзандлар учун дор этай?

Қай инсон ўзлигин билгани сайин  
Истибод қутурган маконга қайтар?  
Қай бир халқ эрк ҳиссин туйгандан кейин  
Яна узи истаб зиндонга қайтар?

Қайтиш — авлодларнинг юрагини еб,  
Аждодлар қонини ичиш эмасми?!  
Қайтиш — бир куннинг ғам, ташвишлари деб,  
Буюк саодатдан кечиш эмасми?!



Қайси коваклардан чиқиб келдингиз,  
Чиқдингиз қайси бир могоралардан —  
Наҳот ҳамон мастсиз шаҳид инсонлар  
Териси қопланган ногоралардан?!

Ҳурликмас, бир бурда нон азиз сизга,  
Эрдан муҳимроқдир қориннинг гами —  
Аммо қайтганларни кутади қондан  
Занглаб кетган зулм қиличин дами.

Гирдобдек яширин ҳар бир ўйингиз,  
Ўргимчак тўридек макрингиз пинҳон —  
Янги уй қурмоқчи бўласиз, аммо  
Навқирон боғларни қиласиз пайҳон.

Эскидан одат бор:  
Янги уй мазор  
Ва ёки вайрона узра солинмас.  
Янги уй тикламоқ учун қадимдан  
Ёнгин бўлган уйдан бир чўб олинмас.

Сиз эса соғиниб ўтган кунларни,  
Эски пойдеворни излаб юрибсиз,  
Куйган тўсинларни, мўрт устунларни  
Яна ишлатмоққа сошлаб турибсиз.

Тарихнинг йўлини тўсаман дея,  
Қанчалар уринманг — қўлингиз қисқа.  
Сиз тарих карвони ўтар йўлларда  
Эзилиб кетасиз худди қумурсқа.

Ўзимнинг уйимни ўзим тиклайман,  
Боболар ишидан олиб андоза.  
Бу уй юксак бўлар,  
Баҳаво бўлар,  
Эзгу ўйларимдай бўлади тоза.

Мен энди қайтмайман — ортимда қолган  
Барча кўприкларни тамом ёққанман,  
Мен энди адолат, муҳаббат сари,  
Инсоний бахт сари йўлга чиққанман.

Энди юрагимда кўрқув, ҳадикмас,  
Ватан ва истиқлол нафаси бордир.  
Энди тилагимга чўпчаклар эмас,  
Улуғ келажакнинг орзуси ёрдир.

Азиз фарзандларим қўлидан ушлаб,  
Ойдин манзилларга кўзим тикканман,  
Мозий чинорлари ёнида мен ҳам  
Минг бир умид билан ниҳол экканман.

*1996*

БАТАН ҲАҚИДА  
ЕТТИ РИВОЯТ





## БОБОЛАР МОЗОРИ

Дунёнинг ярмин олиб,  
Ярмига қилиб даъво,  
Тинмасди жангтоҳ аро  
Шон-шавкатли шоҳ Доро.

У қонга ўч кўзини  
Тикди янги ерларга,  
Ва ҳайқирди сўзини  
Кутиб турган эрларга.

— Денгиз ортида чексиз  
Ястаниб ётар бир дашт.  
Уни ўйлаб куну тун  
Ўйим битмас,  
Дилим гаш.

Бир четида баҳору  
Бир четида саратон.  
Бир ёгида тун чўқар,  
Бир ёгида балқар тонг.

Кўклам чоғи бепоён  
Бу дашт чечакдай яшнар,  
Ўша даштда амримга  
Бўйсунмаган халқ яшар.

Неча замон илгари  
Улар бизни хор этган.  
Боболар қўшинини  
Жангда тору мор этган.

Улардан олмоқ керак  
Аждодларнинг ўчини,  
Бир кўрсатиб қўяйлик  
Қиличимиз кучини.

... Шоҳ сўзини айтди, бас —  
Уйламоққа ҳожат йўқ.  
Янгради жангари сас,  
Садоқларга тушди ўқ.

Етти юз минг аскарни  
Бошлаб тоғу роғ аро  
Денгиз ошиб, даштликлар  
Юртига кирди Доро.

Ёв дуч келса,  
Парчалаб  
Ташлайман, деб уйларди,  
Вазирларга: «Менга тенг  
Шоҳ йўқ!» — дея суйларди.

Хабар айтар жосуслар:  
«Даштликлар узоқ эмас.  
Форслар тўхтаса, тўхтаб,  
Юрса, қараб утирмас.

Юклайди-ю, ўша дам  
Отларига кўчини,  
Йўлга тушар хотиржам  
Даштликларнинг қўшини.

Оралари бир кунлик  
Йўлдир —  
Аммо беадо.  
Қанча кўчиб юрмайлик,  
Тутамайди бу саҳро...»

Тахтидан тушмай, кўздан  
Кечираркан саҳрони,  
Жосуслар айтган сўздан  
Ваҳм босди Дорони.

Вазирларин чақириб,  
Қилган бўлиб маслаҳат,  
Ёв олдига чопарин  
Юбормоқни қилди аҳд.

«Шамол каби елгину  
Тез изингга қайт!» — деди,

«Дашгликларнинг шоҳига  
Менинг сўзим айт!» — деди.

«Айтгин, — деди, — эй, одам,  
Қочаверма, бўлди бас.  
Жанг қилмай ёвдан қочмоқ  
Шоҳларнинг иши эмас.

Қуёндек қочавермай,  
Ўзингни қийнамагин.  
Кучинг бўлса,  
Жанг қилиб  
Сен мени қиймалагин.

Мендан қўрқсанг,  
Ё ожиз  
Сезсанг агар ўзингни,  
Қошимга кел бош эгиб,  
Ерга тикиб кўзингни.

Тортиқ қилгин ер-сувинг,  
Май ич битта идишдан.  
Қайси йўлни танлама,  
Қутуларсан қочишдан».

Ёв эмас,  
Чопар қайтди  
Ерга тикиб кўзини  
Ва тиз чўкиб Дорога  
Етказди ёв сўзини:

«Форслар шоҳи!  
Билиб қуй,  
Хоҳ инонма, хоҳ инон:  
Лекин душмандан қўрқиб  
Қочмаганман ҳеч қачон.

Билиб қуй,  
Сен келмасдан  
Қандай яшаган бўлсам,  
Шундай қўрқув билмасдан  
Яшаяпман ҳозир ҳам.

Билиб қўйгин,  
Бизларда  
На шаҳар, на қишлоқ бор,  
Токи сендан уларни  
Ҳимоя қилсак, гаддор!

Яна такрор айтаман,  
Қочганим йўқ ёв келиб,  
Аввалгидай кўнглим шод,  
Кўчиб юриб,  
Ов қилиб.

Дашт — бизнинг кенг уйимиз,  
Ер — тушак,  
Кўк — кўрпамиз.  
Ўртамизда қувонч, ғам,  
Барин баҳам кўрамыз.

Аммо чексиз дашт аро  
Бир мазор бор —  
У ерда  
Бизнинг қадим аجدодлар  
Ётибди ҳар бир гўрда.

Агар сен газабимиз  
Кучини билмоқ бўлсанг,  
Агар сен даштликларнинг  
Ўчини билмоқ бўлсанг,

Ўша мазорни топиб  
Бир қабрига тегиб кўр!  
Сенинг нопок қўлингдан  
Озор топса бирор гўр:

Ўша заҳот билурсан  
Биз қандай жанг қилурмиз,  
Ҳар биттамыз юзтангиз  
Маҳв этиб йиқилурмиз.

Токи ўша мазорга  
Қўл урмасанг,  
Эй, Доро,  
Аввалгидек бемалол  
Яшагаймиз дашт аро».



Бу сўзни эшитган шоҳ  
Қўрқув сезди кўксига.  
Қўрқув юлдузи ёнди  
Ваҳм босган кўзида.

Аввалига қўрқувни  
Босиб йўқотмоқ бўлди,  
«Мендан зўр подшоҳ йўқ!» — деб  
Ичи газабга тўлди.

Тахтидан сапчиб туриб,  
Амримни айтай, деди.  
Манман ёвга чанг уриб,  
Забт этиб қайтай, деди.

Айтмоқ бўлди:  
— Мозорни  
Топиб тез горат қилинг!  
Ҳар бир душман гўрини  
Ковлаб ҳақорат қилинг!

Аммо ўша дам яна  
Қўрқув дилин гашлади.  
Даштликлар айтган сўзлар  
Яна янграй бошлади:

— Ўша заҳот билурсан  
Биз қандай жанг қилурмиз,  
Ҳар биттамиз юзтангиз  
Маҳв этиб йиқилурмиз!

Кўзини қамраб қайгу,  
Эс-ҳуши огансимон,  
Чодиридан чиқиб у  
Боқди чексиз дашт томон.

«Қани, тезроқ бу ердан  
Кетайлик, — деди кейин, —  
Мен англадим,  
Бу халқни  
Жангда енгмоқлик қийин!»

1989

## БИР ПАРЧА ЕР

Ўдирилгач қари Туман,  
Ҳукмдор деб ёш ўғлон  
Хунну деган халқ устидан  
Тезда қилинди эълон.

Бу хабарни эшитаркан  
Қушни хоқон уйлади.  
Уйлаб-уйлаб вазирага  
Шу гапларни сўйлади:

«Хуннуларнинг ҳукмдори  
Жуда ёшдир...  
Шу сабаб  
Элчи бориб, у боладан  
Ушбунни қилсин талаб:

Хуннуларда муқаддас от  
Бордир — худди сутдек оқ,  
Чиқарармиш кумуш қанот  
Осмонда ой тўлган чоқ.

Ўша отни энди бизга  
Ҳаялламай беришсин,  
Гапни чўзиб ўтирмасдан,  
Тошларини теришсин».

Ўша заҳот қушни юртга  
Шошилинч чопар кетар,  
Оқшом чўкиб,  
Қуёш уфқда  
Қизарган чоғда етар.

Айтар: — Хоқон ушбу сўзни  
Етказ, деди сизларга.  
Худоларнинг отин тезда  
Топширарсиз бизларга.

Бермасангиз,  
Келажакмиз  
Бошлаб ёвқур зотларни,  
Сиздан тортиб олажакмиз  
Уюр-уюр отларни...

Қушни хоқон сўзин тинглаб,  
Ғазабланар чоллар ҳам.  
Йигитларнинг қули эса  
Тигларни қисар маҳкам.

Ёш ҳукмдор —  
Мате эса  
Ҳайқиради: — Қушнидан  
Битга отни аяймизми,  
Не дедингиз, яхшилар?!

Муқаддас от ўша замон  
Жунатилар шошилинч.  
Отни кўриб қушни хоқон  
Юзида ўйнар севинч.

Севиаркан,  
Яна узоқ  
Туни билан ўйлади,  
Тонгда туриб вазирига  
Шу гапларни сўйлади:

— Айтмадимми ёш бола, деб  
Хуннуларнинг ҳоқонин,  
Олишниям ўйламайди  
Оғзидаги толқонин.

Амрим эшит,  
Чопар яна  
Йулга чиқсин жадаллаб,  
Энди Мате қулогига  
Етказилсин бу талаб:

«Мате,  
Бизга етиб келди  
Хотинингнинг жамоли,  
Ойдек эмиш,  
Сочларини  
Ўрармиш дашт шамоли.

Юз-кўзига Мароқанднинг  
Буёқлари чекилмиш.  
Хуллас, унинг доғи бизнинг  
Юрагимиз чок қилмиш.

Сўзимиз шу:  
Қошимизга  
Юбор даштнинг гулини,  
Шодмон қилсин келиб тезроқ  
Биздек гариб қулини.

Юбормасанг,  
Тез билурсан  
Қўлларимиз ҳамласин —  
Олажакмиз тортиб сиздан  
Хотинларнинг ҳаммасин».

Чопар жунар,  
Қуёш ботмай,  
Етиб борар манзилга,  
Хуннуларни писанга этмай,  
Чопар киради тилга:

— Ҳой, хуннулар!  
Бирпасгина  
Шовқин солмай туринглар.  
Энди бизга хоқонингиз  
Хотинини беринглар.

Чопар сўзин тинглаб, яна  
Чолларгача қалқишар.  
Кампирлар ҳам виждони йўқ  
Қўшни хонни қаргашар.

Йигитларнинг қони қайнаб,  
Бир-бирини итариб:  
«Мате, бизни жангга бошла!» —  
Дерлар шовқин кўтариб.

Мате эса кўпни кўрган  
Ҳукмдордек хотиржам,  
Сўз бошлайди юртдошларин  
Атрофига қилиб жам:

— Қўшнилардан аямадик  
Худоларнинг отини,  
Наҳот энди,  
Келиб-келиб  
Аясак бир хотинни!

Хуннулар жим,  
Қовоқ солиб  
Бўйсунисар Матега,  
Чопар бўлса,  
Жунар босиб  
Ойжамолни отига.

Уни кўриб, бор ақлини  
Йўқотар қўшни хоқон,  
Вазирини чақиради  
Ҳузурига ўша он:

— Айтмадимми, ёш бола, деб,  
Хунну ҳукмдорини,  
Қурққанидан,  
«Гинг» демасдан  
Жунатди у ёрини...

Сунг буюрар:  
— Чопар яна  
Жўнасин тез жадаллаб,  
Энди Мате қулогига  
Етказилсин бу талаб:

«Бизнинг юртга туташ жойда  
Хуннуларнинг ери бор.  
Бир парча ер...  
Ўн икки ой  
Ёмғир тушмас — сувга зор.

Ҳатто қушлар четлаб учар,  
Четлаб ўтар ҳар карвон.  
Қишин-ёзин ўлим коми,  
Дуч келмайди бир ҳайвон.

Унда унмас бирор гиёҳ,  
Чорвага ҳам ярамас.  
Хуннуларнинг ўзи ҳатто  
Ўша ерга қарамас.

Амримиз шу,  
Сўзимизга  
Қулоқларин бурсинлар.

Ўша кафтдек парча ерни  
Тезроқ бизга берсинлар!

Бермасалар,  
Тез борурмиз  
Бошлаб қонхўр эрларни,  
Забт этурмиз хуннуларга  
Тобе бўлган ерларни!»

Чопар жўнар шитоб билан,  
Қамчи уриб отига  
Ва дунхулар талабини  
Етказади Матега.

Чопар айтар,  
Унинг сўзин  
Тинглаб чоллар ўйлашар,  
Сўнг Матега бирин-кетин  
Салмоқ ила сўйлашар:

«Биз улардан аямадик  
Ҳатто осмон отини.  
Қўшни юртга жўнатилди  
Ҳатто хоқон хотини.

Улар сўраб турган ерда  
Кўқдан томчи сув тушмас.  
Карвонлар ҳам четлаб ўтар,  
Устидан бир қуш учмас.

Бир парча ер...  
Лаънати ер...  
Ақл билан қарайлик,  
Ўша ерни, майли, очкўз  
Қўшниларга берайлик!»

Аmmo Мате газаб билан  
Қиличини ушлайди,  
Алам ёниб кўзларида  
Лабларини тишлайди:

— Ҳой, эсини йўқотганлар,  
Ўйлаб айтинг гапингиз.  
Бўлмасам, нақ газабимга  
Дучор бўлар кўпингиз.

Ўша сизлар айтган ерда  
Гарчи бирор ўт ўсмас,  
Гарчи кўқдан ёмғир тушмас,  
Сувлар тошиб йўл тўсмас,

Гарчи унда ўсмас Олтой  
Тоғларининг арчаси,  
Бегона ер эмас,  
У ер —  
Ватанимиз парчаси.

Гарчи ўша бир парча ер  
Қизиб ётар нақ тандир,  
Бегона ер эмас,  
У ер—  
Бизлар учун Ватандир!

Душманларга эса асло  
Бериб бўлмас Ватанни —  
Ундан олдин бермоқ керак  
Жангтоҳларда жон-танни.

Қани, дилин  
Ватан меҳри  
Илитган мард бор бўлса,  
Жангга чиқсин! Унутилмас  
Ватан учун ким ўлса!

Ўша заҳот йўлга тушар  
Хуннуларнинг қўшини,  
Юракларга жойлаганча  
Она юртнинг ишқини.

Бу шиддатни кўриб қочар  
Очкўз хоқон шармисор,  
Бу шиддатта дош беролмай  
Душман бўлар тору мор.

Ватан ишқи доимо ҳақ!  
Неча замон ўтсаям  
Аждодимиз бўлган бу халқ  
Намунадир бизга ҳам.

1989

## БАТАН ТУПРОҒИ

Қушни юртни босиб олган  
Эрон шоҳин кунгли чоғ,  
Базм ила утар эди  
Ҳар бир лаҳза, ҳар бир чоқ.

Аmmo тезда қушни юртдан  
Айгоқчилар қайтишди  
Ва подшоҳга таъзим билан  
Шу гапларни айтишди:

«Қушни юртда бизга қарши  
Пинҳон исён пишмоқда.  
Тоғда писиб юрганлар ҳам  
Ҳозир пастга тушмоқда.

Кеча-кундуз тиним билмас  
Темирчилар босқони,  
Шоирлари шеър битар маст:  
«Битсин душман босқини!»

Эрон шоҳи уйга ботиб,  
Сўнгра сапчиб бақирар,  
Қадаҳини четга отиб,  
Вазирларин чақирар:

— Қани, бунга нима дейсиз?  
Тезроқ чора излангиз.  
Ҳузуримга ҳар биттангиз  
Тонгда келиб сўзлангиз.

Тонг отади,  
Аҳли довон  
Ҳаммаси булар ҳозир.  
Тупдан чиқиб, бошин эгиб  
Сўз бошлайди бош вазир.

Сўз бошлайди:  
— Кечинг, — дея —  
Аҳли довон қонидан,  
Бор гапни биз эшитармиз  
Қушни юртнинг хонидан.



— Ҳой, лаънати! — бақиради  
Эрон шоҳи ўша он. —  
Кўнглидагин айтармиди  
Бизга, ахир, қўшни хон?!

— Айтар, — деди бош вазир шод,  
Милт-милт ёниб кўзлари.  
Янграй бошлар ўша заҳот  
Ҳийла тўла сўзлари:

«Чораси бор,  
Шуни қилсак  
Кўнглин очар ўша мард.  
Бунинг учун қўшни юртдан  
Тупроқ олиб келмоқ шарт.

Богингизнинг ярмини шу  
Тупроқ билан қоплайлик,  
Кейин чорлаб қўшни хонни,  
Улут шоҳим, боппайлик —

Ҳеч нимадан беҳабардек  
Лутф қилинг меҳмонга,  
Уни олиб ўтинг кейин  
Ўша тупроқ томонга.

Ўша они сиз билурсиз  
Кўнглида не асрор бор,  
Нималарни пинҳон сақлар  
Юрагида ул айёр!»

Шоҳ ҳам кўнди...  
Ўша куни  
Чопар жўнаб кетади.  
Уч кун ўтмай қўшни юртнинг  
Пойтахтига етади.

Эрон шоҳи алдар, дея  
Қилмай шубҳа  
Ё гумон,  
Ҳаялмамай Эрон томон  
Отланади қўшни хон.

Етиб келар,  
Таъзим ила

Шоҳ этагин ўпади,  
Муштдек бўлиб бир чеккага.  
У оҳиста қўнади.

Уни кўриб Эрон шоҳи  
Назар-писанд қилмайди:  
«Бундайин хор бўлган одам  
Исён қила олмайди».

Кейин эса  
Вазир сўзин  
Эслаб, боққа йўл олар,  
Қўшни юртнинг хоксор хонин  
У секин гапга солар.

Жавоб берар ҳар сўроққа  
Хон бошини қилиб ҳам.  
Қуллуқ қилар ҳар бир гапда,  
Олқишлайди шоҳни ҳам.

Шоҳ этагин ўпар такрор,  
Худди гулни ўпгандай...  
Аммо бирдан  
Қаддин тиклар  
Боғ ярмига ўтганда.

Кузларига нур югуриб,  
Нур шарори кўпирар,  
Шоҳга тикка қараб туриб  
Ғазаб билан гапирар:

— Қул бўлмасман сенга, подшоҳ,  
Қул бўлмайди халқим ҳам.  
Билиб қўйгин,  
Бўлгин огоҳ!  
Воз кечмасман ҳақимдан.

Воз кечмасман озодликдан,  
Воз кечмасман оримдан.  
Воз кечмасман сен топтаган  
Боғимдан,  
Мозоримдан.

Сени жангда енгажакман,  
Билиб қўйгин,

Бул огоҳ!  
Сенга қарши чиқажакман,  
Қул бўлмасмиз сенга, шоҳ!»

Унинг сўзин тинглаб, газаб  
Қучиб бутун борлигин,  
Эрон шоҳи туйди бирдан  
Қанчалар ночорлигин.

Туяр экан,  
Вужудида  
Босолмасдан титрогин,  
У эгилиб қўлга олди  
Қўшни юртнинг тупрогин.

Англади, юрт меҳри уйгоҳ  
Дилни енгиб бўлмайди.  
Ҳатто бошин олсанг ҳамки,  
У барибир ўлмайди.

Ўша куни иззат-икром  
Қилиб қўшни хонни у,  
Ватанига кузатаркан  
Дилини қучди қайғу.

У биларди,  
Эрта тонгда  
Қўшинини бошлайди  
Ва исёнкор қўшни юртга  
Аскарларин ташлайди.

У билади,  
Бу савашда  
У тору мор бўлади.  
Сўнгги жангда ҳам қўшни хон,  
Ҳам ўзиям ўлади.

Шуни ўйлаб вужудини  
Қучар армон титроғи,  
Қандай буюк кучдир, ахир,  
Она-Ватан тупроғи!

1989

## ЛОЛА ГУЛЛИ ПИЁЛА

Агра аро  
Кезади миш-миш:  
Салтанатнинг эгаси Бобур  
Қирқ кундирким, хаста ётармиш,  
Хира тортмиш кўзларида нур.

Хос табиблар  
Кезармиш маҳзун,  
Шоҳ дардига тополмай чора.  
Хотинларин дарллари фузун,  
Фарзандлари эмиш садпора.

На май базми,  
На гулоб тоти  
Ёқмасмиш шоҳ кўнглида чироқ.  
Қолган эмиш хира сурати,  
Ранги эмиш бамисли туфроқ.

Зарафшонбоғ ичида танҳо  
Ҳолсиз, толғин сайр айлармиш,  
«Кошки ўлсам даги бу дарддан  
Бўлсам халос», — дея айтармиш.

Нима унинг кўнглини қийнар,  
Нима бузар унинг хаёлин?  
Қандай қурт у —  
Кемирар, чайнар,  
Қуритмоқ бўп ҳаёт ниҳолин?

Ҳоритдими уни салтанат,  
Ҳоритдими уни ё қалам?  
Қайдан кирди вужудига дард,  
Қайдан бу ғам?  
Қайдан бу алам?

...Ўша кунлар донишманда бир чол  
Шони етиб келди қулоққа:  
Ул бенгаллик очар эмиш фол  
Боқиб туриб бир кафт тупроққа.

Содиқ навкар йўл олди шитоб,  
Аямасдан на от, на ўзин.

Елиб кетди, қайда, деб, Панжоб —  
Эшитай деб донишманда сўзин.

Донишманда ҳинд қилди башорат:  
«Уни таъқиб айлар пиёла,  
Пиёлага чекилган сурат:  
Етти дона қип-қизил лола».

Яна айтди: «Шундан шоҳ лоҳас,  
Шундан шоҳнинг дилида фарёд.  
Ул пиёла бўлмиш муқаддас  
Шоҳ юртининг хокидан бунёд».

Содиқ навкар отини буриб,  
Ярим тунда ортига қайтди.  
Сўнг бекларнинг қошига бориб  
Бенгал чолнинг сўзини айтди.

Энг кекса бек бирдан эгди бош,  
Кетгандайин белидан мадор,  
Шивирлади, кўзларида ёш:  
«О, Туркистон, муқаддас диёр!

Қора қувгин сўқмоқларида  
Кездик, ғамдан бўлганча адо,  
Аммо, не-ки юртдан эсдалик,  
Кўзимизга қилдик тўтиё.

Қай юртларда сарсон юрмадик,  
Сўнгги умид гулларин тишлаб,  
Биз адашиб кетдик кемадек,  
Она-Ватан қирғогин ташлаб.

Гарчи қилич,  
Тигларимизни  
Ташламадик жанггоҳ, йўлларда,  
Улар совуқ, дилларимизни  
Иситувчи тафт йўқ уларда.

Орзиқтирмас юрт хоки каби,  
Орзиқтирмас улар дилларни.  
Улар совуқ  
Юрт хоки, дея  
Ўпиб бўлмас, ахир, уларни.

Он ҳазратга ул пиёлани  
Тирамоҳда бергандим — уни  
Олган эдим Самарқанд ёқдан  
Келган карвон мол сотган кунин».

Беклар сукут қилдилар узоқ,  
Эшитилди юракда нола —  
Чорлар эди уларни бу чоқ  
Самарқанддан келган пиёла.

Аммо улар нигоҳи тушди  
Бум-буш турган ёқутдор тахтга.  
У турарди ўхшаб кимсасиз  
Кучаларда адашган бахтга.

Қарор битди  
ва ҳамма кўнди —  
Ғамни туйиб хаста вужудда,  
Пиёлани майдалаб кўмди  
Мўйсафид бек шаҳардан четда.

Бобур қайтди тахтига яна —  
Ғарчи дилда ғам иддиз отмиш,  
Ғарчи Ватан соғинчи сийна  
Аро худди ханжардек ботмиш.

...Аммо тунлар содиқ бекларнинг  
Уйқусидан йўқолди ором,  
Боқарлар уфқ томонга беҳуш,  
Илон куйга бўлганидек ром.

Шомда қуёш ботаётганда,  
Ер остига кўмик пиёла  
Синиқлари узра гулхандай  
Товланади еттита лола.

1984

## БАТАН МЕҲРИ

Бу воқеа кўп қадима  
Замонларнинг нақлимас,  
Ўтган бўлса, юз йигирма  
Йил ўтгандир,  
Кўп эмас...

Подшоҳлари ухлаб ётган  
Юртга душман кирганда,  
Бола демай,  
Қари демай  
Аямасдан қирганда,

Бухорога қочиб бориб  
Амир писиб ётган пайт,  
Хон амирни,  
Амир эса  
Хонни ёвга сотган пайт,

Ер бўялиб алвон ранга,  
Ёш тўкканда хор бобом,  
«Элим» дея чиқди жангга  
Самарқандлик мард Бобон.

Қўлга тушмай олишди у  
Хурлик майи қилиб маст,  
«Юртим» дея солишди у  
Лак-лак ёвга басма-бас.

Йигитлари тинмас эди  
Ярим туну тонгларда,  
Жангдан кейин эса пинҳон  
Бўлар эди тоғларда.

Ҳеч ким билмас улар қай жар,  
Қай дарада бекинар.  
Кауфманнинг жони чиқар,  
Миршаб каби сўкинар.

Пистирмалар қўяр овлоқ,  
Пастқам йўллар четида.  
Айгоқчилар изгиб юрар  
Бозорларнинг ичида.

Аммо бир кун саҳар пайти  
Қуёш кўкка чиқаркан,

Ҳабаш каби қоп-қора тун  
Чодирини йиғаркан,

Елкасига милтиқ илган  
Шопмўйловли саллотлар  
Тоғ ичидан чиқиб келган  
Чолни тутиб олдилар.

Чол ёнида невараси  
Ҳорғин қадам ташларди,  
Учта бадмаст саллот унга  
Калхат каби ташланди.

Қўлларини бурадилар,  
Қарамай кўзёшига,  
Ва уларни келтирдилар  
Яримподшоҳ қошига.

О, тарихнинг битиклари  
Сўйлаб берган неча бор,  
Ботирларнинг амалин йўқ —  
Этган деб хиёнаткор!

Худди шундай сотқин бир кас  
Чолга зимдан тикилди,  
Кауфманга таъзим ила  
Етти марта эгилди.

— Мен биламан бу чолни, у  
Шу тоғда ов қилади.  
Бу тоғларнинг ҳар қаричин  
Жуда яхши билади.

Яхши билар бу тоғу роғ  
Тошлари-ю ўтларин,  
Мол изига қараб, қай чоғ,  
Айтиб берар ўтганин.

Фақат шу чол топиб берар  
Писиб юрган Бобонни...  
Чор саллоти амр этар:  
— Олиб келинг бобойни!..



Кейин эса айтар тажанг:  
— Икковинг ҳам ўласан!  
Фақатгина йўл кўрсатсанг,  
Тигдан халос бўласан!

Чол индамас,  
Невара ҳам  
Сукут сақлар, жим турар.

Кауфманнинг кўзи уйнаб,  
«Қийнанг!» — дея буюрар.

Ўша заҳот чол сўз бошлар:  
— Ўйлаб кўрдим танада,  
Сиз, ҳукмдор билан ёлғиз  
Гаплашайлик панада.

Четта чиққач,  
Кауфман дер:  
— Нима дейсан, даюс чол?  
Бир хўрсиниб,  
Кузин артиб  
Сўз бошлайди маъюс чол:

— Мен розиман,  
Бобонниям  
Ўзим тутиб бераман,  
Бобон ётган жар ичига  
Сизни бошлаб бораман.

Фақат, нетай...  
Жуда уят...  
Жуда уят бўлди-да...

Мен бу ишни қилолмайман  
Неварамнинг олдида.

Қўл-оёгин боглаб, уни  
Тоғдан пастга ташланглар.  
Сўнг орқамдан аскарларни  
Саф торттириб бошланглар.

Уни тинглаб,  
Саллотлар ҳам  
Аччиқ уйга ботдилар.  
Аммо тезда болакайни  
Боғлаб, пастга отдилар.

Учиб кетди бола додлаб,  
Урилганча тошларга.  
Ўша заҳот чол ҳайқирди,  
Кўзи тўлиб ёшларга:

— Неварамдан қўрққан эдим,  
Чидолмас деб қийноққа...  
Қўрққан эдим, чидолмасдан  
Сизни бошлар деб тоққа.

Мен-ку қари,  
Мен қўрқмайман  
На қийноқ, на ўлимдан.

Мен тайёрман,  
Қилавергин  
Не-ки келар қўлингдан!

Фақат билгин:  
Тоғ ичида  
Сени енгар қўлим бор —  
Неварамнинг отаси-ю,  
Менинг ботир ўғлим бор.

...Бу воқеа кўп қадима  
Замонларнинг нақлимас,  
Ўтган бўлса,  
Юз йигирма  
Йил ўтгандир — кўп эмас.

Аммо унут чолнинг номи,  
Унут бола номиям,  
Ўч олинмай тошга дўниб  
Ётар улар қониям.

Бу қон фақат баҳор чоғи  
Униб чиқар гул бўлиб

Ва суроқлар: «Ахир, қандоқ  
Яшайпсиз қул бўлиб?!»

Бу сас телба этган бўрон  
Гул тўксаям боғларда,  
Бу суроқнинг акс-садоси  
Янграсаям тоғларда,

Бақирсаям тол баргларин  
Айлантириб тилларга,  
Бу сас етмас  
Музлаб ётган  
Ўчдан холи дилларга...

*1989*

## ТУЗ ҲАҚИ

Мен сўйлайин,  
Сиз уйланг —  
Бу тўғрими, нотўғри?..  
Хуллас, қадим замонда  
Бўлган экан бир ўғри.

Тунни бедор утказиб,  
Зўр берганча кучига,  
Кирибди у, чоҳ қазиб,  
Хазинанинг ичига.

Ҳаялламай қопига  
Олтин-зардан солибди,  
Сўнг «Етар» деб қопини  
Елкасига олибди.

Чоҳга қайтиб тушай деб  
Турган пайти, зулматда  
Нимадир товланибди  
Ё олмос ё зумрадай.

«Бу гавҳари шамчиरोқ  
Бўлса керак!» — ўйлабди.  
«Омадим юришди», — деб  
Ўз-ўзига сўйлабди.

«Қани билай» деган ўй  
Келган заҳот кўнглига,  
Гавҳарни ялабди у  
Шартта олиб қўлига.

Сўнг донг қотиб...  
Қопини  
Юқдан холи этибди,  
Чоҳга сакраб тушганча  
Шошиб чиқиб кетибди.

Қун чиқди,  
Йитди кеча —  
Бу гапдан бўлиб огоҳ  
«Водариг» деганича  
Ўйланиб қолибди шоҳ.

«Шунча чуқур чоҳ қазиб  
Ишни қойил этибди,

Вале нечун олтин-зар  
Олмай чиқиб кетибди?»

Айтибди: — «Жар солинглар,  
Келиб тез қошимизга,  
Бу ишни қилган одам  
Изоҳин айтсин бизга!

Жазо берар, деб, мендан  
Қурқишини биламан.  
Худо ҳақи,  
Жазодан  
Уни озод қиламан.

Бу хабарни эшитиб  
Ўгри шошиб-елибди  
Ва шоҳнинг ҳузурига  
Бошин эгиб келибди.

«Чоҳ қазиб хазинага  
Кирган одам бўламан,  
Қол, десангиз, қоламан,  
Ўл, десангиз ўламан.

Бошқаларнинг даҳли йўқ  
Бу гуноҳга, эй, подшоҳ!»  
«Хўп! — дебди шоҳ, —  
Сен фақат  
Мақсадиндан қил огоҳ.

Шунча чуқур чоҳ қазиб  
Ишни қойил этибсан.  
Аммо нега бир чақа  
Олмай чиқиб кетибсан?»

Ўгри дебди:  
«Қопимга  
Кўтарганча олувдим,  
Ўша қопга зардан ҳам,  
Олтиндан ҳам солувдим.

Энди чиқиб кетай деб  
Турганимда,  
Зулматда  
Алланарса товланди  
Ё олмос ё зумраддай.

Ул нарсани гавҳари  
Шамчироқ, деб ўйлабман.  
Билмоқ учун...  
Қўлимга  
Олиб шартга ялабман.

Ўша нарса туз экан...  
Тузингиздан тотгандим —  
Туз ҳақиға риоя  
Қилиб чиқиб кетгандим.

Бир туз тотган ерингга  
Қирқ кун салом бермоқ шарт.  
Тузликқа тупурмоқдан  
Ор қилмас фақат номард...»

Ўғрининг сўзин тинглаб  
Подшоҳ қойил қолибди  
Ва ўғрини тақдирлаб,  
Хизматига олибди.

Бу нақл неча марта  
Келган менинг ўйимга,  
Нокаслар булгаганда  
Кириб олиб ўйимга.

Улар тузим тотиб ҳам  
Ўйим талон этарлар,  
Молимни ўғирлаб, сўнг  
Мени «ўғри» атарлар.

Бошимда гурзи ушлаб,  
Мени «зўравон» дерлар,  
Менинг майли,  
Боламнинг  
Ҳақини тортиб ерлар.

Қўйсанг,  
Бўкиб қолгунча,  
Тўнғиз каби ейдилар.  
Сўнг меҳмондўст эмассан,  
Таъмагирсан, дейдилар.

Дерлар: «Юртинг нега бой,  
Унар минг хил нарсалар?»  
Сабабин билардилар  
Кетмонни кўтарсалар.

Кетмонни кўтарсалар  
Саратонда.  
Туш чоғи —  
Балки айтмасмидилар:  
«Ёгда ўзбек пичоғи».

Билармилар кўкйўтал  
Бўлишини болалар,  
Куз келиб муз-қировга  
Беланганда далалар.

Билармилар,  
Аёллар  
Тириклай сўлишини,  
Сурмай шодмон хаёллар,  
Утда кул бўлишини.

Билармилар,  
Куну тун  
Бу халқ тинмай ишлашин,  
Тоғдек хирмон кўтариб,  
Бурда нонни тишлашин.

Ишонар халқ барибир  
Боболарнинг ақлига,  
«Тузлигинга тупурма»,  
Деган буюк нақлига.

Билмаса,  
Гапим уқсин:  
Йилнинг олди-пастида,  
Болам китоб уқисин,  
Деган орзу қасдида

Тер тўкади,  
Ёғ пули  
Топмоқ учун чироққа,  
Туз тўкилар кун бўйи  
Манглайдан тупроққа.

Шу туз ҳаққи яшарман,  
Улаб кеча-кундузни,  
Гавҳари шамчироққа  
Алишмайман бу тузни.

1989

## ОТА ҚАБРИ

Бу ривоят кўп қадим  
Йиллардан ўтиб келур.  
Кўп қадим гап бўлсаям,  
Бизларга ибрат бўлур.

...Ўлими яқинлашиб  
Қолганини сезган чол,  
Уч ўглини чақириб,  
Тусатдан берди савол:

«Ўлсам нима қиласиз?»  
Ўғиллар жим турдилар  
Ва ниҳоят: «Билмаймиз!»  
Дея жавоб бердилар.

Чол айтибди:  
«Қайгурманг,  
Сиз ҳам бир кун ўласиз.  
Хуллас, ўлсам,  
Биттангиз  
Меросхўрим бўласиз.

Кўп таллашиб, тортишманг,  
Тополмай тош-тарози.  
Қози қандай ҳал қилса,  
Бўлинг шунга сиз рози».

Куни етган экан, чол  
Айтибди-ю, ўлибди.  
Бирпасда ҳовлисиам  
Одамларга тўлибди.

Ўғиллар ҳам «Тақдир» деб  
Изн бермай фиरोққа,  
Отани ўша куни  
Беришибди тупроққа.

Эргаси, кун чиқаркан  
Хилқатлар ёришибди.  
Қозихона томонга  
Уч ўғлон боришибди.

Қози дебди:  
«Бу ишни  
Ҳал қилмоқ жуда душвор.



Аммо бундай ташвишни  
Ҳал қилувчи бир чол бор.

Макони гор —  
Тинч гуша...  
Чол кўп гапни билади.  
У нима деса, ўша  
Менинг ҳукмим бўлади.

Ҳаялламай учовлон  
Чол қошига борингиз.  
Ечиб берар:  
Отага  
Меросхўр қай бирингиз!»

«Умид қилсанг ушалгай!» —  
Деб ўғлонлар шу замон,  
Кетдилар чол яшаган  
Қоп-қоронги гор томон.

Чол индамай тинглабди  
Ўгилларнинг сўзини,  
Сўнг эса бақирибди  
Олайтириб кўзини:

— Эвоҳ, ота дегани  
Наҳот шундоқ бўлади?  
Меросхўр ким?  
Айтмасдан  
Ахир, нега ўлади?

Тутуриқсиз отадан  
Кўнглингизни узингиз.  
Ҳозироқ бориб унинг  
Мозорини бузингиз!

Сўнг қошимга келсангиз  
Учовингиз қайтадан,  
Меросхўр қай бирингиз  
Бўлишингиз айтаман».

Икки ўғил югуриб  
Кетишибди ўша он,  
Учинчиси ўй суриб  
Йўлга тушибди ҳайрон.

Тўнғич билан ўртанча  
Шовқин солиб,  
Муштлашиб,  
Етишибди мозорга,  
Кетмону бел ушлашиб.

Ҳаф иккиси меросни  
Ўйлар эди дил хушлаб.  
Кутиб опти уларни  
Кенжа ўғил тиг ушлаб.

«Қани отам қабрига  
Тегиб кўринг-чи!» — дебди.  
«Ўдираман, бузилса  
Отамнинг тинчи!» — дебди.

Айтибди:  
«Воз кечаман,  
Мерос учун қўймайман.  
Аммо отам қабрини  
Бузишга йўл қўймайман.

Қайтар дунё деганлар,  
Бузиб ота қабрини,  
Сиз бузасиз асида  
Болангизнинг қалбини».

Икки ўғил яна чол  
Қошига қайтишибди  
Ва бор гапни оқизмай,  
Томизмай айтишибди.

Чол сўзлабди:  
«Отангиз  
Мақсадини англовдим,  
Қабрини бузмоқниям  
Синов учун танловдим.

Сиз икки жирканч ўғил  
Қайтмадингиз бу ишдан —  
Энг огир гуноҳ бўлмас  
Ота қабрин бузишдан.

Ёлғизгина укангиз  
Кетганлар руҳин хушлаб,

Қабрни бузмоққа йўл  
Бермади қилич ушлаб.

Тиг ушлади юртини  
Сақлаган ботир каби.  
Асраб ору бурдини,  
Булганмади ёш қалби!

Кимда йўқ ор ва номус,  
Тиригида ўлади.  
Ҳукмим шудир:  
Меросхўр  
Шу укангиз бўлади!

Кимда йўқ ор ва номус,  
Менинг сўзим тушунмас.  
Меросхўрлик фақат мулк  
Ёки бойлик учунмас.

Бу боболар, момолар  
Қабрини тинч сақлашдир.  
Ота тузини оқлаш,  
Она сугин оқлашдир.

Неча қадим аждодлар  
Хоки эрур бу Ватан.  
Юртни сақдолмас — ота  
Қабрини сақдолмаган».

...Бизлар қайси ўғилмиз,  
Айтгин замондош ўртоқ,  
Тунгичми, уртанчами,  
Ё кенжами — ўйлаб боқ?!

Гарчи жуда топқирмиз,  
Гарчи жуда қайсармиз,  
Ўйлаб боққил,  
Бу юртда  
Меросхўрмиз қайсимиз?!

Боболар, момолардан  
Қалбин узиб юрган ким?  
Ботир Маҳмуд Таробий  
Қабрин бузиб юрган ким?

«Меросхур — мен!» — дейишдан  
Аввал келгин, жавоб бер:  
Нега индамай турдинг  
Зурланганда Она ер?

Эй, сен номард,  
Эй, бeбурд,  
Оролни нега сўйдинг?  
Нега юртингни манқурт,  
Курларга бeриб қўйдинг?

...Ота, мени кечиргин,  
Йўқ, мен қабринг бузмадим —  
Аmmo сенинг ёдингни  
Йўқотганим сезмадим.

Сезмадим мозорингда  
Ўчиб қолган шам каби,  
Гофил уйлар ичида  
Суниб қолганин қалбим.

...Ўғлим, бобонг ёнида  
Ётсам, сақла тинчимни.  
Сен мени қўриқлагин  
Даст тутиб қиличингни.

1989

ЯПОН ШЕЪРИЯТИДАН  
ТАРЖИМАЛАР





★ ★ ★

Төпә бөшин қуршаб олған  
Туманға сингиб кетди тустовуқ —  
Эшитилар қанот қоқиши.  
Қайлардадир, юксақда  
Қанот қоқиб учар у.

ТОҒ КУЛБАСИ ӨНИДА ҰСҒАН ОЛХҰРИ

Бизнинг тоғ қишлоғида  
Четан өнида ұсған  
Олхұри гуллари тўкиламагунча,  
Кутаман олу гулин  
Кимдир излаб келар деб.

★ ★ ★

Юрагинга битиб қўй!  
Четан өнида ұсған  
Олхұри гулларини  
Кўриб қолиб, ўткинчи  
Турар ҳушин йўқотиб.

★ ★ ★

Четан девор ёқалаб  
Ким келсаям, гуллаған  
Олхұри гулларининг  
Атрини ҳидламакка,  
У менинг дўстим бўлур!

★ ★ ★

Қандай гүзал лаҳза бу! —  
Дея ўйлар зулматда  
Уни кутиб турганлар.  
Тоғлар чўққиси узра  
Чиқиб келди кузги ой.

\* \* \*

Эриб битди қиш қори.  
Қувончга тўлиб қолди  
Ҳатто юдузлар кўзи.

\* \* \*

Орамизда ётлар йўқ!  
Ҳаммамиз биродармиз  
Олча гули остида.

\* \* \*

Қойил! Ўша қўшигин  
Тураларга юзма-юз  
Тап тортмай куйлар булбул!

\* \* \*

Олчалар гуллар қийғос!  
Улар мағрур бекниям  
Эгардан туширдилар.

\* \* \*

Учмоқда ёввойи роз!  
Ҳой, айт-чи, саргардонлик  
Қачон бўйнингга тушди?!

КИЧКИНТОЙ УҒЛИМНИНГ УЛИМИГА

Умримиз шабнам эрур,  
Шабнам бўлса-да умр,  
Оҳ, барибир мен нетай?..

\* \* \*

Аста-аста ўрлаб боравер,  
Фудзияма чўққисига  
Ўрмалайвер, шиллиққурт!

\* \* \*

Ёввойи ўтлар аро  
Қаранг, қандай чиройли  
Капалаклар учяпти!



★ ★ ★

Етти қават осмондан  
Учиб тушганга ўхшар —  
Бу гуллар шундай гўзал!

★ ★ ★

Бир силкиниб қувди-да  
Капалакни, шу заҳот  
Яна мудради бугу.

★ ★ ★

Сунани қувманг, уни  
Тинч қўйинг — у гулларни  
Қурмоқчи бўлиб келган.

★ ★ ★

Чумоли изи! Қайдан  
Бизгача етиб келдинг,  
Тоғлар ортиданмасми?

★ ★ ★

Дам оляпман кун иссиғида.  
Далада юрганлар ҳолини  
Бор вужудим ила сезурман.

★ ★ ★

Боламни жазоладим —  
Шабада эсиб турган  
Дарахтта боғлаб қўйдим.

★ ★ ★

Бу хароб, ифлос ерда  
Қилар иши йўқдайин  
Бирпасда сўнди шабнам.

КАМАКУРАДАГИ БУДДА ҲАЙКАЛИ

Юксақда турган Будда  
Бурнининг тешигидан  
Учиб чиқди капалак.

ОҚШОМ ҚОРОНҒУСИДА ЁВВОЙИ ҒОЗЛАР  
ОВОЗИНИ ЭШИТГЕНИМ

Қоп-қора сиёҳ билан  
Қарганинг қанотига  
Битилган хат сатридек...  
Дайди ғозлар қичқариб  
Зулмат қўйнида учар.

ТОҒ ҚИШЛОҒИ УСТИДА ТУМАН

Қалин туман қуршар-да  
Чўка бошлар чуқурроқ...  
Бусиз ҳам унут ер бу!  
Бунда юрак не этсин?  
Тоғлар қуршаган қишлоқ!

БУҒУ ВА ХАГИ ГУЛЛАРИ

Заминга теккудайин  
Эгилар шамол турса  
Қари хаги дарахтин гулга кирган бутоғи.  
Бир-бирин қувлаб учар  
Буғулар бўкириги.

★ ★ ★

Ҳар бир бурчак ёп-ёруғ...  
Ой юзини булутлар  
Тўсётганга ўхшар-ку?  
Алдандим, бу ёввойи  
Ғозлар сояси экан.

★ ★ ★

Замин нурга кўмилган.  
О, қанчалар ёруғдир  
Ой ёритган бу кеча.  
Кўкка учди юрак ҳам,  
Қайтиб тушгиси келмас.

\* \* \*

Бугундан бошлаб баҳор  
Ҳақида уйлар фақат  
Дарахтадаги ҳар гунча!  
Эртадан бошлаб мен ҳам  
Хотиржам кутолмайман.

\* \* \*

Юрагимда хавотир!  
Қаерда,  
Қайси тоғнинг  
Чуққисиди олчалар  
Гуллар биринчи бўлиб?

\* \* \*

Юксакларга ўрлаб кетдим,  
Қайга етдим, билмадим  
Ва ниҳоят донг қотдим:  
Алдабди мени булут...  
Олча гуллабди дебман.

\* \* \*

Ёсино тоғларида  
Адашиб юрдим узоқ  
Булутларнинг ортидан.  
Юракда олча гулин  
Кўриб йўлга чиққандим.

\* \* \*

Ёсино тоғлари!  
Олча гулларин кўрдим  
Гулдор булутлар аро,  
Ўша кунни айрилиб  
Қолдим мен юрагимдан.

## ЯНА ВАТАНИМГА ҚАЙТИБ

Ҳеч тўймасдан боқурман.  
Адо тогин устида  
Балққан ой мунча гўзал.

\* \* \*

Тўшакда ётганимда  
«Куз етиб келди!» дея  
Қулоққа шивирлар ел.

\* \* \*

Қиров унинг устини ёпар,  
Тўшак ёзар унга муз шамол...  
Уйсиз, ташландиқ бола.

\* \* \*

Сузиб борар заъфар барг,  
Сен қайси қирғоқда, айт,  
Уйғонурсан, чигиртка?

\* \* \*

Шабнам порлар тоғ гулларида.  
Қандай маънос тебраниб турар  
Даладаги шумғиё гули.

\* \* \*

Чўғни кул босиб қолди.  
Деворда суҳбатадошим  
Сояси чайқалади.

\* \* \*

Эски ҳовуз.  
Сувга сакрар қурбақа —  
Сукунат чайқалди.

\* \* \*

Сув жуда совуқ эди!  
Тўлқинларда чайқалиб  
Ухлолмайди чағалай.

\* \* \*

Гулбарглар аро ухлар  
Ёввойи асалари.  
Унга тегма, чумчуқжон!

ЯНГИ ЙИЛДА СОВҒА ҚИЛИНГАН  
КЎЙЛАКНИ КИЙДИМ

Ким экан бу, айтинглар?  
Ўзимни танимабман  
Янги йилнинг тонгида.

\* \* \*

Далада хризантема  
Шивирлайди: «Унутинг  
Чиннигул мавсумини!»

\* \* \*

Қайгурарман, сен менга  
Яна гам майин ичир,  
Эй, олис какку саси!

\* \* \*

Қўлим қўлимга урдим.  
Акс-садо етган жойда  
Хира ёниб турар ой.

ОЛИС ҚИШЛОҚ ЧЕККАСИДАГИ БИР УЙ

Бу уй қишлоқдан чет.  
Эшигин тақиллатмас  
Ҳаттоки қизилиштон!

\* \* \*

Ёмгир тинмай ёгилар.  
Ёлғизгина гулхайри  
Товланар, кун очиқдек.

\* \* \*

Дарёнинг шабадаси.  
Чой ажиб! Шароб ажиб!  
Бу ойдин кеча ажиб!

## МУҲДАРИЖА

Муқаддима ўрнида . . . . .	3	Куз . . . . .	29
Китобга кириш сўз. . . . .	4	«Мен мозийга...» . . . . .	29
<b>ШЕЪРААР</b>			
Қодирийнинг сўнгги сурати . . . . .	7	«Оқиб ётар қадимий дарё...» . . . . .	30
Ёз эртаги . . . . .	7	Ҳозиқ . . . . .	30
Барг . . . . .	8	«Атлантида чўқди...» . . . . .	32
Ёнаётган гулханлар . . . . .	8	«Девонул лугатит-турк»ни ўқийман...» . . . . .	33
«Мен эртага жуда эрта...» . . . . .	9	«Дўстим деди: «Кўрдим...» . . . . .	34
Қиз ва шамол ҳақида эртак . . . . .	9	Эрк гули . . . . .	35
Дарахтзор қошига келар бир аёл . . . . .	10	Орзу ҳақида ривоят . . . . .	35
«Қор ёғаётган оқшом...» . . . . .	10	Бибихоним . . . . .	36
«Тик қоядан боқаман...» . . . . .	11	Кечир, асрим . . . . .	39
Ёлғизлик . . . . .	11	Опа . . . . .	40
Куз эртаги . . . . .	12	Ойбек . . . . .	40
«Сенга уни ёз деб...» . . . . .	12	Шоирнинг онаси . . . . .	41
Афросиёб хотираси . . . . .	13	«Сен қизингнинг сочини...» . . . . .	42
Миртемир хотирасига . . . . .	14	«Ҳали куртак бўртгани йўқ ...» . . . . .	43
«Равоққа чиқ...» . . . . .	14	«Мен бу боққа...» . . . . .	43
Самарқандда ойдин тун . . . . .	15	Бойсун тоғлари . . . . .	44
«Қабристоннинг тошлари...» . . . . .	15	«Шамол эсар, аёз кесар...» . . . . .	45
Беда ўрими . . . . .	16	Беш аср — беш лаҳза . . . . .	46
«Туш кўраман...» . . . . .	17	«Баҳор. Қир...» . . . . .	47
Аёл, қайғу ва муҳаббат ҳақида . . . . .	17	«Тоғдан оқиб келар...» . . . . .	48
«Шеърият — бу...» . . . . .	18	Сотқин ҳақида баллада . . . . .	48
Эски шаҳар . . . . .	19	«Тушларимга...» . . . . .	49
«Кетаман «Девонул лугатит-турк»ка . . . . .	19	«Деразамга ёнма-ён усган...» . . . . .	49
Мен дарахтга айландим тунда . . . . .	20	Қодирийни ўқиб . . . . .	50
Эриб кетар хира туманлар . . . . .	21	Лорка ўлими . . . . .	51
Ботир Намоз ўлими . . . . .	21	«Онам қариб қолган...» . . . . .	52
Хуан Гойтисоло мавзуида . . . . .	22	«Бор экан-да, дединг...» . . . . .	52
«Кечқурун йўл босиб...» . . . . .	23	Менинг ўғлим кўрқмайди итдан . . . . .	53
«Бир чолни учратдим...» . . . . .	23	«Жанг тугади...» . . . . .	54
«Кун совиди, барглар...» . . . . .	24	Баҳор капалаклари . . . . .	54
«Боғларни кўр зулат...» . . . . .	24	Икки кўшиқ . . . . .	55
«Кўклам. Дала...» . . . . .	25	Юнус Эмро оҳангларида . . . . .	56
Биз сен билан яшаймиз узоқ . . . . .	25	«Кечаси... олисда...» . . . . .	58
Ҳожи Абдулазиз ҳақида кўшиқ . . . . .	26	«Дала...» . . . . .	58
«Уйғон кишининг хира тонгида...» . . . . .	28	Болалиқдан бир лавҳа . . . . .	59
Мерос . . . . .	28	«Олтинкўлда...» . . . . .	59
«Энди қайғу...» . . . . .	29	Верешчагин . . . . .	60
		Осмонда бир пичоқ учиб юрибди . . . . .	61
		«Бу одам уйида...» . . . . .	62
		«Бу ерда кўп узоқ...» . . . . .	62

ЭЙ, ТИЛИМ, ЭЙ, ЭЛИМ,

ЭЙ, ОНА ТУПРОҚ

(Сонетлар туркуми)

1. Махмуд Қошғарий . . . . .	63
2. Алишер Навоий . . . . .	63
3. Заҳириддин Муҳаммад Бобур . . . . .	64
4. Бобораҳим Машраб . . . . .	64
5. Турдаи Фароғий . . . . .	64
6. Нодира . . . . .	65
7. Фурқат . . . . .	65
8. Огаҳий . . . . .	66
9. Аваз Ўтар ўғли . . . . .	66
10. Чулпон . . . . .	67
11. Усмон Носир . . . . .	67
12. Ойбек . . . . .	68
13. Миртемир . . . . .	68
14. Мақсуд Шайхзода . . . . .	68

Ватанига қурбонлар қайт- са . . . . .	69
«Гуё чегарасиз...» . . . . .	70
Гул ҳақида қўшиқ . . . . .	71
«Бунча қўрқоқ бўлма- санг...» . . . . .	72
«Тарихда...» . . . . .	72
«Сиз учун Ватан йўқ...» . . . . .	73
«Ҳали қиш келмаган...» . . . . .	74
«Қандай оғир...» . . . . .	75
«Қадим қўрғон харобаси- ни...» . . . . .	76
«Бу, жужуқ қизалоқ...» . . . . .	76
«Болалар капалакмас...» . . . . .	76
«Сен келган кун...» . . . . .	77
«Болта ялтиллайдими...» . . . . .	77
«Бир гўзал аёлга...» . . . . .	77
1965—1985 . . . . .	78
Бобон ботирнинг ўлими ол- дидан айтанлари. 1869 йил . . . . .	78
«Намозни ёв...» . . . . .	80
Аммо менга дуч келди фа- қат... . . . .	81
Жуда эрта билдик . . . . .	81
Шоир, қуш ва қиш . . . . .	82
Қодирийни олиб кетган- лари ҳақида шеър . . . . .	83
Жангчи ҳақида ривоят . . . . .	85
«Меҳрга зор гадога ўх- шаб...» . . . . .	86
Самарқанд . . . . .	87
«Совуқ шамол мени қува- ди...» . . . . .	89
«Тўққиз йил орадан ўтди...» . . . . .	90
«Қулоғимга юксақдан...» . . . . .	90
«Айтинг, нима қилсин...» . . . . .	91

Яна ўша кунлар қайтар деб . . . . .	92
Ўрхун—Энасой тошлари . . . . .	93
Таробий мақбарин бузма- дилар, йўқ . . . . .	93
Мозий қўшлари . . . . .	95
Карлуша . . . . .	96
«Баъзан оддий қуриган хасга...» . . . . .	96
«Ҳей, менинг кузимни...» . . . . .	97
«Қўрқмай кир қора тун- га...» . . . . .	97
Мени қувонтирар бу кун, бу ёмғир . . . . .	98
«Қўй, мени қўрқитма...» . . . . .	99
Суяман қадимий китоб варағи . . . . .	99
Усмон Носир хоки устида . . . . .	100
Ёввойи ўтлар аро . . . . .	101
«Қуёш қайтди...» . . . . .	101
«Унитилган...» . . . . .	102
Отам хотирасига . . . . .	102
«Уйқусизлик...» . . . . .	103
Ли Бо ва Ду Фу суҳбати . . . . .	103
«Роса уч кун тинмай...» . . . . .	104
«Энди фақат соғинаман...» . . . . .	104
«Сизга ишонардим...» . . . . .	105
Ялпиз шохи . . . . .	105
Қумри . . . . .	106
«Қайси уйда, қайси...» . . . . .	107
Улутбекнинг қасоси . . . . .	108
Мунаввар қори ва ўлим . . . . .	109
Қоронғида учар ҳоргин қуш . . . . .	110
Қадим ҳикмат гуллари . . . . .	112
Қўлёмалар институти . . . . .	114
«Билмадим, кўнглимни...» . . . . .	115
1937 йил . . . . .	117
«Бу чечакни...» . . . . .	117
Шеър ёзганда . . . . .	117
Капалак . . . . .	117
Эстония . . . . .	118
«Ер эмас бирлаштирган...» . . . . .	118
Абдулҳамид Чулпон . . . . .	118
«Сиевуш қонидек...» . . . . .	119
Кампир ҳақида шеър . . . . .	120
Басё китобининг варақла- рида . . . . .	121
XX аср одами . . . . .	121
Шомил . . . . .	122
Ботир қони ва даҳо сўзи . . . . .	123
Шоир . . . . .	123

«ҚОРАТОҒ ДАФТАРИ»  
(Туркум)

«Тушимга кирар денгиз...» . . . . .124

«Қараб турсам заранг-лар...»	124
«Шоир, сен дарахтдан...»	124
«Ҳилол ёнди тоғ узра...»	125
«Шу тупроқда, қайдадир...»	125
«Юлдузлари гужгон...»	126
Қрим элегияси	127
«Ой нурлари мудрайди...»	127
«Қоратогни қора булут...»	128
Қизил	128
«Мен тунда борардим...»	129
«Бу даштларни...»	130
«Кўжда порлар юлдузлар...»	130
«Икки тоғнинг орасидан...»	131
«Ойсиз кеча...»	132
«Азиз Қримнинг тоғлари-да...»	132
«Қора бурон денгиз узра...»	133
«Эй, маним ёлғизим...»	134
«Қуёш чиқиб келар...»	134
Максимилиан Волошин	135
«Алвон гуруб — гулаган...»	135
«Уйғониб тонг қоронгуси-да»	136
Кузги денгиз ёқасида	136
«Куз ёмғири...»	137
«Уч кун бўлди...»	137
<b>Шоирларни отган жаллод-лар</b>	138
Сароб	139
Миркарим Осим ёди	141
Тарих китобларин кўп варақладим	142
Падаркуш	144
Бобур	148
Беморликда	149
Навой қабри	150
Талаб	152
Терговчи	153
Олис-олис тоғлар томонда	154
«Юлдузларин кўкка...»	155
«Рафиқ бўломмассан...»	155
«Бобурнома»га бир нигоҳ	156
«Зур шоир дилида...»	156
Куз ташбехлари	156

Кичик ёлгон ҳақида дoston	156
«Фикр жимирлар, худди...»	157
Баллада	157
Уғлим Темурга	158
Ишонч	158
Кузни уйла	162
Алпомишнинг қайтиши	163
Занжир	164
«Самарқанд — заъфарон...»	165
Бий Муҳиб Жангий	165
Болалар ва дохийлар	166
Ухлаганлар, уйғонинг!	167
Бу қишлоқлар	167
Куз сурати	168
«Қушлар кетади...»	169
XX аср онаси	169
Т. Қосимбековнинг «Синган қилич» китобига битик	170
Деразам олдида	170
Тургун Алиматнинг танбури	171
Ҳолбуки, шеър	171
Юлдуз	172
Япроқ учиб тушди	172
«Ғазабдан сақлан, шоир...»	173
Шамни учирдилар	173
«Сенинг ишинг...»	175
Қизил империяни қумсаган кимсаларга	176

#### ВАТАН ҲАҚИДА ЕТТИ РИВОЯТ

Боболар мазори	181
Бир парча ер	186
Ватан тупроғи	192
Лола гулли пиёла	196
Ватан меҳри	199
Туз ҳақи	204
Ота қабри	208

#### ЯПОН ШЕЪРИЯТИДАН ТАРЖИМАЛАР

Сайгё ижодидан	215
Кобаяси Исса ижодидан	216
Басё ижодидан	220